

СЗМ

Маҳбуба СОБИРОВА
Ҳабибулло МИРЗААБДУЛЛАЕВ



НАМАНГАНЛИК ОЛИМАЛАР

НАМАНГАН ВИЛОЯТ
ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚУМИТАСИ

РЕСПУБЛИКА "ОЛИМА АЁЛЛАР"
УЮШМАСИ НАМАНГАН ВИЛОЯТ
БУЛИМИ

Маҳбуба СОБИРОВА
Ҳабибулло МИРЗААБДУЛЛАЕВ

НАМАНГАНЛИК ОЛИМАЛАР



"Наманган" нашриёти
2005

**Китоб Ўзбекистон Республикаси
мустақиллигининг 14 йиллигига
бағишланади.**

Масъул муҳаррир: Дилоромхон АБДУРАҲИМОВА,
вилоят ҳокимлигининг оила, оналик
ва болаликни ижтимоий муҳофаза
қилиш котибияти мудир

481-887,39-1098050
НГ _____ 2005
482-7,0-(04)-05

© "Наманган" нашриёти.

ЗИЁБАХШ АЁЛЛАР

Оила қуриш, фарзанд кўриш, уларни тарбиялаб вояга етказиш табиатан аёл зиммасига юклатилган улкан масъулиятдир. Аёл бу вазифани қадим-қадимдан шараф ила уддалаб келади ва бугун ҳам ўзининг она мерос, момо мерос шу вазифасига содиқ.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ва маданий-маърифий жабҳаларда туб ислохотларни амалга ошириш жараёнида оила ва аёллар масаласига ҳам катта эътибор берилди. Аёл кадр-қимматини янада кўтариш, оила фаровонлигини таъминлаш долзарб вазифалардан бирига айланди.

Республикаимиз Президенти Ислом Каримовнинг ташаббуси билан қатор йиллар - "Оила йили", "Аёллар йили", "Соғлом авлод йили", "Оналар ва болалар йили", "Қарияларни қадрлаш йили", "Меҳр-мурувват йили" деб эълон қилиниб, бу борада катта ижтимоий-сиёсий тадбирлар амалга оширилди.

Оила, оналик ва болалик ижтимоий муҳофаза этилиб, бу борадаги миллий қадриятларни тиклаш, оила мустаҳкамлигини таъминлаш мамлакатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Ислом Каримов аёлларни ниҳоятда улуғлаш ва эъзозлашга чақириб шундай дейди: "Аввало, оналаримиз, опасингилларимиз, умр йўлдошларимиз, қизларимизнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини янада ошириш, иззат-икромини жойига қўйиш, уларнинг оғирини енгил қилиш давлатимизнинг, ҳукуматимизнинг, жойлардаги ҳокимликларнинг, кенг жамоатчиликнинг асосий вазифаси бўлмоғи лозим...".

Кўлингиздаги китоб қаҳрамонлари турмуш ўртоқлари билан ҳамжиҳатликда оила тебратаётган, фарзандларни туғиб тарбиялаётган, ўқитиб уйли-жойли қилаётган, шу билан бирга, раҳбарлик лавозимида ишлаётган, илм-фан ривожига озми-кўпми ҳисса қўшган ва ҳисса қўшаётган, Наманган вилоятида яшаётган илмий унвон-даражали хотин-қизлардир. Вилоятимиз олималарининг ҳар бири касбида моҳир, фидокор аёллардир. Уларнинг ҳар бири мактаб яратган устоз, илмни чуқур эгаллаб, уни улуғлаган, ёш авлодга зиё нурини сочаётган, эл олқишига сазовор бўлган муқаррама аёллардир.

Ҳам оилавий ҳаётини, ҳам раҳбарлик ишларини, ҳам илм-

фанни бир вақтнинг ўзида идора этиб боришга имкон топа олган, яна ҳам аниқроғи, ҳузур-ҳаловатдан воз кечиб ўзини шунга мажбур қилган наманганлик олималарнинг айрим қирралари ёритилган ушбу китобча ўрта мактаб, коллеж, лицей ўқувчиларига, олийгоҳ талабаларига, тадқиқотчиларга, кенг китобхонлар оммасига манзур бўлади деб ўйлаймиз.

Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов айтмоқчи, “аёллар аёлларга кўзгу бўлишсин”. Бир-бирларининг ютуқларидан қувонишсин, ҳавасланишсин, илм фидойиларига замондош бўлганидан, улар билан бир вилоятда яшаётганидан фахрланишсин.

Мақсадимиз:

- ёшлар қалбини илм-маърифат билан мунаввар этсак, ҳаёт муаммоларига қўлингиздаги китоб қаҳрамонларидек мулоҳаза билан ёндошишга кўмакдош бўлсак;

- ҳам оналик, ҳам бекалик, ҳам устозлик, ҳам олималик - барини бажаришнинг уддасидан чиқаётган, ўзлигини, ўз қиёфасини яратаётган, илм-фан ривожига ҳисса қўшаётган, жамиятдан ўрнини топаётган вилоятимиз олима аёллари фаолиятининг айрим қирраларини ёш авлодга кўрсатсак;

- олималар сафини кенгайтирсак. Ёш тадқиқотчиларга фаннинг янгидан-янги имкониятлари борлигини, инсон мақсадга эришиш йўлида китоб қаҳрамонларидек астойдил интилса, орзуси амалга ошишини кўрсатсак.

Вилоятимиз олималари ҳақида рисола республикамиз мустақиллигининг ўн тўрт йиллиги нишонланаётган пайтда китобхонларга муносиб совға бўлади, умид қиламан.

Салияхон РАҲИМОВА

**Наманган вилоят ҳокими ўринбосари,
вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси,**

**ХОТИРАЛАР
БЕДОРЛИККА
ЧОРЛАЙДИ**



Турсуной ҲАМИДОВА (1925-2000)



Филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби Турсуной Абдулҳакимовна Ҳамидова 1925 йил 25 июлда Наманган шаҳрида туғилган.

1942 йили Тошкентдаги 44-ўрта мактабни битиргач, 1947-1948 йиллари Наманган шаҳридаги 2-мактабда рус тили ўқитувчиси бўлиб ишлади. Билимини оширишга бўлган қизиқиш

уни Тошкентга етаклади. Низомий номли Тошкент педагогика институтининг рус тили ва адабиёти факультетига ўқишга кириб, уни муваффақиятли якунлади.

1950 йили Андижон Давлат педагогика институтининг рус тили ва чет эллар адабиёти кафедрасига ишга келди. Бу ерда у дастлаб ўқитувчи, кейин эса кафедра мудири сифатида фаолият кўрсатди.

1960 йили Т. А. Ҳамидова Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси тил ва адабиёт институтида ишлади. Орадан икки йил ўтгач, Наманган Давлат педагогика институтининг рус тили ва чет эллар адабиёти кафедрасини бошқарди.

1980 йилдан мазкур олийгоҳнинг илмий ишлар бўйича проректори вазифасини бажарди. 1987 йилдан 1990 йилгача институтнинг чет эл адабиёти кафедрасини бошқариб келди.

Филология фанлари номзоди илмий даражасини 1958 йили олди.

“Улуғ ватан уруши йилларида (1941-1945) ўзбек-рус адабий алоқалари” мавзuida докторлик диссертациясини 1975 йили Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси тил ва адабиёт институтида муваффақиятли ёқлади. Илмий изланишдаги катта ютуқлари учун унга 1986 йилда “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби” унвони берилди.

“Улуғ Ватан уруши йилларида рус-ўзбек адабий алоқалари” (“Фан”, Тошкент. 1973 й.), “Рус-ўзбек адабий алоқалари

тарихидан“ (Ғ. Ғулом номли нашриёт, Тошкент, 1977 й.), “Қуёшли қирғоқ“ (Ғ. Ғулом номли адабиёт ва санъат нашриёти, 1984 йил) монографиялари чоп этилган.

Т. Ҳамидова “Звезда Востока“ журнали ва қатор альманахларда чоп этилган бир қанча мақолалар, шунингдек, Ўзбекистонда адабиётлар алоқаси муаммоларига доир илмий мақолалар тўплами муаллифи ҳамдир. Маъқур масалаларга бағишлаб чиқарилган 1981, 1982, 1985, 1987, 1993 йиллардаги тўпламларнинг масъул муҳаррири бўлган эди.

Т. Ҳамидова 1976 йили Меҳнат Қизил байроқ ордени, 1982 йили Қори Ниёзий номли медал билан тақдирланди. 1992 йили жамоатчилик ва сиёсий ҳаётда узоқ йиллар қилган самарали меҳнатлари эвазига Ўзбекистон Республикаси фахрий ёрлиги билан тақдирланди.

Профессор Т. Ҳамидова - меҳнат фахрийси, Ўзбекистон Республикаси халқ таълими аълочиси, 1950 йилдан 1954 йилгача халқ депутатлари Андижон шаҳар Кенгаши депутатлигига, 1978 йилдан 1988 йилгача халқ депутатлари Наманган шаҳар кенгаши депутатлигига сайланганди. Аёлни эъзозлаш, унга эҳтиром кўрсатиш халқимизга хос хусусият эканлигини профессор Турсуной Ҳамидова Абдуҳакимовна мисолида юқорида ифодаланган фикр асосида кўриш мумкин.

Ўз касбида мохир, жонфидо бўлган, қатор шогирдлар чиқарган, мактаб яратган профессор Турсуной Ҳамидованинг порлоқ хотираси ҳамкасблари, дўстлари, шогирдлари қалбида сақланади.

Опа катта куч-ғайрат билан ишлаган, фидокорлик билан фаолият кўрсатаётган жамоа - Наманган Давлат университетида профессор Турсуной Ҳамидова номидаги стипендия жорий қилингани олима барҳаётлигидан далолат беради.



Ўғилхон АЗИМОВА
(1927-2002)



1927 йил 1 январда Наманган шаҳар “Ишчи” маҳалласида зиёли оиласида туғилган.

1933-40 йилларда Намангандаги 2-тўлиқсиз ўрта мактабда ўқиган.

1940-42 йилларда педагогика билим юртида, 1942-44 йилларда Намангандаги ўқитувчилар институтида ўқиб, имтиёзли диплом билан битирган.

Шу йили иш фаолиятини бошлаб, 1950-52 йилларда Фарғона педагогика институтининг Ўзбек тили ва адабиёти факультетида сиртдан ўқиб, имтиёзли диплом билан тамомлаган. Наманган шаҳридаги 2, 12-ўрта мактабларда директор ва тил-адабиёт ўқитувчиси бўлиб ишлаган.

1957-60 йилларда Тошкентда Ўзбекистон Фанлар Академияси қошидаги Тил ва адабиёт илмий-текшириш институтида аспирант бўлган.

1962 йилда “Ўзбек драматургиясида революция ва граждандар уруши мавзунинг ёритилиши” мавзусида филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация ёқлади.

1960 йилдан вафотига қадар университетнинг тарих-филология факультетида ўзбек адабиёти кафедраси доценти бўлиб ишлади.

1960-71 йилларда ўзбек адабиёти кафедраси мудири вазифасини бажарди.

Бир неча марта медаллар, Фахрий ёрликлар билан тақдирланган, Халқ маорифи аълочиси.

Унлаб илмий-методик мақолалари “Ўзбек тили ва адабиёти”, “Шарқ юлдузи”, “Адабий мерос” журналларида босилган.

“Фан” нашриётида “Комил Яшиннинг ижодий йўли” номли монографияси чиққан. “Алишер Навоий ва Ҳамза” номли мақоласи “Уммондан қатралар” тўпламида, “Адабиётда гоёвийлик ва эътиқод масаласи”, “Адабий мерос” ва бошқа газета-журналларда чоп этилган.

Ўғилхон Азимова “Ўзбек драматургияси: кино ва теледраматургияда қаҳрамон масаласи” деган мавзуда докторлик диссертацияси устида иш олиб бормоқда эди. Шафқатсиз ўлим дилкаш инсон, етук олимани орамиздан олиб кетди. Унинг ўчмас хотираси оила аъзолари, ҳамкасблари, дўстлари, шогирдлари қалбида бир умрга сақланиб қолади.

Санъатхон АКМАЛОВА (1926-2004)



1926 йилнинг баҳорида Наманган шаҳрининг Тўрақўрғон кўчасида зиёлилар оиласида таваллуд топди. Отаси Акмалхон қори масжидда имом-хатиб, онаси Ойимчахон ая қизларга араб алифбосидан, Қуръони Каримдан хуфёна дарс берарди. Санъатхон отадан эрта етим қолди. Шаҳардаги 12-бошланғич, кейин эса 3-ўрта мактабда ўқиди. Ўқувчилик йилларидаёқ бадиий адабиётга, шеърятга қизиқди. Бу орзу уни Наманган Давлат ўқитувчилар институтининг филология факультетига олиб келди.

1955-1959 йилларда Фарғона Давлат педагогика институтининг сиртки бўлимида таҳсил олди.

1948 йилдан бошлаб шаҳардаги 10-ўрта мактабда бошланғич синфда, кейинроқ юқори синфларда она тили ва адабиётдан дарс бера бошлади.

1970 йилнинг 6 март куни опанинг ҳаётида ўчмас из қолдирди. Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтидаги катта илмий кенгаш “Саккиз йиллик мактабларда поэтик асарларни ўрганиш” деган илмий иши учун унга педагогика фанлари номзоди илмий даражасини берди. Кейинчалик “Ўрта мактабларда шеърий асарларни ўрганиш” мавзусидаги илмий-методик қўлланмаси “Ўқитувчи” нашриётида чоп этилди.

1968 йилдан умрининг охиригача Санъатхон Акмалова Наманган Давлат дорилфунунида педагогика фанидан дарс бериб келди.

Донолар бисотида ажойиб ҳикматли гап бор. “Билганинг дарё бўлса, билмаганинг денгиздир”. Бу ҳикмат мағзини чақа билган, изланишдан, ўрганишдан чарчамайдиган, ўзига нисбатан талабчан, меҳнатсевар, камтарин олима Санъатхон Акмаловага 1978 йилда доцентлик илмий даражаси берилди.

Наманган Давлат университети доценти, педагогика фанлари номзоди Санъатхон Акмалова ўз иш фаолияти даврида дарслик, ўқув қўлланмаси ва талайгина рисоалар яратди. Республикамиз журналларида ўзининг илмий-методик мақолалари билан қатнашиб

турди. Республика ва вилоятимизда чиқадиган газета ва журналларда ҳам опанинг ахлоқ-одоб, илмий-методик мавзудаги эллиқдан ортиқ мақолалари ёритилди.

Санъатхон Акмалова фаол тарғиботчи, жамоатчи ҳам эди. У вилоят ва шаҳар хотин-қизлар қўмитаси ишларида фаол қатнашарди. Маҳалла, туман, ишлаб чиқариш корхоналарида, мактаб ва билим юртларида “Уйингизда қиз ўсяпти”, “Қизларимизнинг бахти безавол бўлсин”, “Қайнона ҳам она”, “Келин - уйимизнинг гули”, “Қиз боланинг хусни”, “Йигитнинг бурчи” каби мавзуларда маъруза ва суҳбатлар ўтказарди.

Бир неча йиллар ўзи истиқомат қилаётган “Бўстон” маҳалласида хотин-қизлар кенгашини бошқарди.

Нафақага чиққан бўлса ҳам, маънавий-маърифий йўналишдаги тадбирларга фаол қатнашаётган Санъатхон опа Акмаловани бевақт ўлим орамиздан олиб кетди. Санъатхон опага хос ташкилотчилик қобилияти, масъулиятни сезиш, фидокорона ишлаш ҳисси шогирдларида давом этаётганлиги катта олиманинг барҳаётлилигига далолатдир.



Шаҳодатхон ЭГАМБЕРДИЕВА (1936-2005)

Шаҳодатхон Эгамбердиева 1936 йил 15 июлда Наманган шаҳрида ишчи оиласида дунёга келди. 1945 йилда Наманган шаҳридаги 11-ўрта мактабнинг биринчи синфига ўқишга кириб, 1955 йилда 10-синфни тугатди. Оиланинг катта қизи-Шаҳодатхон ёшлигидан анча зийрак ва билимга чанқоқ эди. 1955 йилда Наманган Давлат педагогика институтининг Тарих-филология факультетига кириш имтиҳонларини муваффақиятли топшириб, ўқишга қабул қилинди. Ўқиш мобайнида институт ижтимоий ташкилий ишларида фаол қатнашди. Устозлари - доцентлар Т. Ғозибоев, С. Жамолов, М. Шарипов, А. Алиев, Д. Эшондадаев, А. Асқаров, М. Иброҳимов, Т. Нўъмонов ва бошқалар адабиёт, тарих, фалсафа фанларининг ўзига хос сирларини, тилнинг ички ва ташқи қонуниятларини ўргатдилар.



Беш йиллик ўқиш мобайнида талабаларнинг илмий-назарий конференцияларида қизиқарли маърузалар билан қатнашиб, фахрли ўринларни эгаллади. 1960 йилда институтни имтиёзли диплом билан тугатиб, 1960-1961 ўқув йилида шаҳардаги 1-мактаб-интернатда ўқитувчи-тарбиячи бўлиб ишлади.

1961 йилдан бошлаб Наманган Давлат педагогика институти Ўзбек тилшунослиги кафедрасига ўқитувчи бўлиб ишга ўтди. Шундан бери ўзбек тили ва адабиёти факультети талабаларига “Ҳозирги ўзбек тили” курсининг турли соҳалари - морфемика, сўз ясалиши ва морфология бўйича қизиқарли маърузалар ўқиди, амалий машғулотлар олиб борди.

Шаҳодатхон ўз мутахассислиги бўйича илмий-назарий ва методик адабиётлар устида ишлади, тадқиқот ишлари билан қизиқиб, фалсафа, чет тили, мутахассислик бўйича номзодлик минимумларини топшириб, икки йиллик мақсадли аспирантурага (1968-1970 йиллар) қабул қилинади.

Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институти “Ўзбек тилшунослиги” кафедрасида филология фанлари доктори, профессор Саид Усмонович Усмонов раҳбарлигида “Утган замон феъл формаларини Наманганда Фориш шевалари ва ўзбек адабий тили билан қиёслаш тажрибасидан” номли филология фанлари номзодлиги учун диссертация мавзуси устида ишлай бошлади. Бу даврда Жиззах вилоятига қарашли Фориш тумани халқининг

тарихи, урф-одатлари, тил хусусиятлари, шева элементларини ўрганиб, Наманган шеваси ва адабий тил билан таққослади. Аспирантура даврида республика илмий-назарий конференцияларида қатнашди. "Ўзбек тили ва адабиёти" журналида Фориш шеваси, унинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида мақолалар эълон қилди.

Номзодлик диссертациясини ўз муддатида яқунлаб, 1970 йилда Ўзбекистон Фанлар Академияси Тил ва адабиёт институти Илмий кенгашида муваффақиятли ҳимоя қилди ва Наманган Давлат педагогика институти Ўзбек тилшунослиги кафедрасига катта ўқитувчи бўлиб ишга қайтди.

1971-1974 йилларда ўзбек тили ва адабиёти, бошланғич таълим методикаси факультетларида декан ўринбосари, 1976-1981 йилларда сиртқи бўлим бўйича проректор бўлиб ишлади. Ш. Эгамбердиева иш жараёнида таълим-тарбия ишларини олиб бориш билан бирга илмий-назарий, методик ишлар билан шуғулланди. Турли тўплам, журнал ва вилоят матбуотида қизиқарли мавзуларда мақолалари чоп этилди.

1980-1990 йиллар маҳсули сифатида "Ғ. Ғулом шеърӣ асарларининг лексик-семантик хусусиятлари" номли монография (Тошкент, "Ўқитувчи", 1990) чоп этилди.

Вилоятимиз олималаридан бири бўлган доцент Ш. Эгамбердиева университетнинг анъанавий илмий-назарий конференциясида ҳар йили маърузалар қилди.

Ш. Эгамбердиева узоқ йиллардан бери "Ғ. Ғулом асарлари лингвопозитикаси" номли мавзуда филология фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертация устида иш олиб бормоқда эди.

Она ўғил болага нисбатан қизларга яқинроқ бўлади деган гапда жон бор. Чунки у қизини тарбияларкан, унинг тимсолида ўзини-бўлажак онани кўради, оналикка хос сифатларни қарор топтиради, касб-корли, билимли, уддабурон қилишга уринади. Фарзандини турмушга, оилага тайёрлайди. Она умрининг мазмуни, давомчиси бўлган ўз жигарбандлари-қизларининг балоғатга етган сари ҳаётда бахтли бўлишини, бўлғуси куёвлари қизларига муносиб, бир умрга вафоли, қизларини қадрлайдиган бўлишини орзу қилади. Ўз қизларининг ҳам куёв бўлмишга садоқатли, ҳурмат-иззатини жойига қўядиган, меҳру вафоли ёр, келин бўлиб тушадиган хонадоннинг саранжом-сариштали, чаққон, пазанда бекаси бўлишига умид қилади. Ана шундай орзу-умидлари амалга ошган Шаҳодатхон опани бевақт ўлим орамиздан олиб кетди. Опанинг ибратли ҳаёт йўли келажак авлодга намуна бўлиб қолади.

Розахон ҚОСИМОВА

Розахон Қосимова - тиббиёт фанлари номзоди бўлиб, Наманган шаҳар 2-туғруқхонанинг бош ҳақими бўлган.

Наманган вилояти акушер-гинекологлар ҳайъатининг раиси, “Олима аёл” республика уюшмасининг Наманган вилояти бўлими аъзоси, тиббиёт аълочиси эди.

Р. О. Қосимова 1937 йилда Наманган шаҳрида туғилди, 15-ўрта мактабни имтиёзли тугатиб, шу йили Москва тиббиёт олийгоҳи даволаш куллиётига ўқишга кирди.

1958 йили оилавий сабабга кўра Тошкент Давлат тиббиёт олийгоҳига ўтказилиб, уни 1960 йилда битиради ва Наманган шаҳридаги 2-туғруқхонага врач акушер-гинеколог қилиб, 1972 йилда эса янги очилган 4-шаҳар шифохонасининг туғруқ бўлимига мудира қилиб тайинланади. Шу йили шаҳар бош акушер-гинеколог лавозимини бажаради.

1986 йилда эса 2-туғруқхонага бош ҳақим қилиб янги туғруқхона қуриш учун ўтказилади. 200 ўринли 4 корпусдан иборат бўлган алоҳида жонлантириш бўлими билан янги туғруқхона тўла ишга туширилади. Бош ҳақимлик фаолиятида ўзининг меҳнатсеварлиги, ҳақгўйлиги, билимдонлиги, ўз касбини севиши, меҳрибонлиги билан жамоа ўртасида обрў-эътиборга сазовор бўлди.

Р. О. Қосимова - олий тоифадаги ҳақима. Иш давомида кўплаб олий тоифали шогирдлар етиштирди.

Р. О. Қосимованинг илмий ишга бўлган иштиёқи Тошкент олийгоҳида сиртдан аспирантурага киришга ва илмий ишини асосий иш билан давом эттиришга йўллади. 1975 йилда “Баъзи бир ядрохимикатлар: битуфос, ГЦҲГ ва бошқаларнинг Ўзбекистонда яшаётган ҳомиладор ва туққан аёлларга таъсири” мавзусида кандидатлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

Р. Қосимова илмий ишининг амалий аҳамияти шундаки, бу иш билан Ўзбекистонда яшаётган туғиш ёшидаги аёлларнинг ўта заҳарли пестицидлар билан заҳарланишининг олдини олиш



имкониёти вужудга келди. Илмий ишлари Бокуда ўтган съезд материалларида, Ўзбекистон акушерлик-гинекологлар тўпламларида, "Ўзбекистон тиббиёти" журналида босилган.

Р. О. Қосимова оналар ва болалар соғлигини муҳофаза қилиш ниятида туғруқхонада ҳомиладорларни туғруққача даволаш бўлими ва туғруқдан кейинги реабилитация бўлимларини очиб, катта муваффақиятларга эришмоқда эди. Тиббиёт фанлари номзоди бўлган Р. О. Қосимованинг номи қалбимизда абадий қолади.



Мунираҳон МУҲАММАДИЕВА
(1939-2001)

1939 йил 5 майда Фарғона вилоятининг Қўқон шаҳрида зиёли оиласида туғилган.

1962 йилда Қўқон Давлат педагогика институтининг тарих-филология факультетини тамомлаб, ўзбек тили ва адабиёти ҳамда тарих ўқитувчиси мутахассислигини олган.

1963-1964 ўқув йилларида Наманган Давлат педагогика институти ўзбек тилшунослиги кафедрасида катта лаборант, кейин эса то 1977 йилгача шу кафедрада тилчи-ўқитувчи вазифасида, 1977 йилдан 1987 йилгача ўн йил давомида Наманган вилояти ҳокимиятида халқ маорифи бўйича катта референт лавозимида ишлаган. 1987 йилдан умрининг охиригача яна НамДУ ўзбек тилшунослиги кафедрасида доцент вазифасида ишлаб келди.

1975 йилдан 1979 йилгача ўша даврдаги Ўз Фанлар Академияси Тил ва адабиёт институтида асосий иш фаолиятдан ажралмаган ҳолда сиртқи аспирантурада таҳсил олди. 1985 йил декабрида ЎзФА тилшунослик институтида филология фанлари доктори, профессор, ЎзФА мухбир аъзоси А. П. Ҳожиев раҳбарлигида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ёқлади.

1994 йилда “Ҳозирги ўзбек тилида трансформацион бўлақлар” номли монографиясини чоп эттирди. М. Муҳаммадиеванинг илмий иши ва шу асосда ёзган монографиясида ўзбек тилида биринчи марта трансформацион бўлақларнинг тузилиши, уларнинг семантик-синтактик ўзига хос хусусиятлари ва ҳолатларининг модуллари кенг миқёсда ёритилди.

Бундан ташқари, М. Муҳаммадиева 20 дан ортиқ илмий, илмий-методик мақолалар, шунингдек, “Лотинча ўзбек алифбосини ўрганамиз” (Наманган, 1996 й.) методик қўлланмасининг муаллифидир.

НамДУ ўзбек филологияси факультети талабаларига илмий асосланган қизиқарли ва мароқли маърузалар ўқишдан ташқари, вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институти ва қисқа муддатли ўқитувчилар тайёрлов курсларида тингловчиларга ҳозирги ўзбек тили ва лотин ёзувини ҳам мукамал ўргатиб келмоқда эди. Шунингдек, Давлат тили ҳақидаги Қонуннинг амалга



оширилишининг бориши, оилада қизлар тарбияси ва бошқа мавзуларда вақтли матбуотда, телевидениеда тез-тез чиқишлар қилиб турган.

Тиниб-тинчимас илмга чанқоқ М. Муҳаммадиева илмий ва илмий-методик мақолалар ёзиш билан бирга “Мураккаблашган гапларда шакл ва мазмун диалектикаси” мавзуида докторлик диссертацияси устида ишламоқда эди.

М. Муҳаммадиева вилоят, университет ва факультет жамоат ишларида фаол иштирок этган.

1974 йилдан бери вилоят “Билим” жамиятининг аъзоси сифатида вилоят, шаҳар ва туманларда, талабалар ётоқхоналарида, маҳаллаларда турли мавзуларда маърузалар қилиш билан бирга университет хотин-қизлар кўмитасининг нашри “Педагог” газетаси муҳаррирларидан бири, университет ва факультет хотин-қизлар кўмитасининг фаол аъзоси сифатида танилган, бир неча марта шаҳар суди маслаҳатчиси этиб сайланган, республика, вилоят, университет илмий-назарий конференцияларида илмий маърузалар билан қатнашиб мукофотли ўринлар олган. Умуман, университет ва вилоятда фаол, жамоатчи, етук илмий ходим сифатида фаолият кўрсатмоқда эди. Дилкаш ва содда, самимий ва камтарин Мунираҳон опанинг ёрқин сиймоси кўп йиллар хотирамизда сақланиб қолади.



Файзихон АКИМБОВА
(1952-2003)

НамДУ тарих кафедраси доценти,
тарих фанлари номзоди бўлган эди.

Агар бу кўхна дунёда самимий ва
фидойи кишилар бўлмаганида кун бу қадар
ёруғ, ҳаёт бу қадар файзли бўлмас эди.
Яхшиямки, турфа инсонлар олами шундай
кишилар билан янада гўзаллик ва жозиба
касб этади.




Акимбоева Файзихон Холматовна
1952 йил 18 августда Қирғизистон Республикасининг Ворошилов
туманида туғилган. 1976 йилда Наманган Давлат педагогика
институтининг тарих факультетини муваффақиятли тамомлагач,
Наманган шаҳридаги Фридрих Энгельс номидаги қишлоқ хўжалик
техникумида ёшларга тарихдан сабоқ бериш билан иш фаолиятини
бошлаган.

1979 йилдан буён Наманган Давлат университетиде ишлаб
келган. Агар кимки университетнинг тарих факультетига алоқадор
ёки бирор хизмат юзасидан у билан мулоқотда бўлса, унинг
одамийлигига, ширинсуханлигига гўвоҳ бўлиши аниқ эди.

80-йиллар опанинг илмий фаолиятида катта ва машаққатли
ҳамда ибратли йўлни босиб ўтиши билан характерланади.
Жумладан, опа ишдан ажралмаган ҳолда Низомий номидаги
Тошкент Давлат педагогика институтининг аспиранти бўлиши
билан, 1988 йилда Тошкент Давлат университети қошидаги махсус
олимлар кенгашида “Ўзбекистонда халқ депутатлари кенгашининг
қишлоқ меҳнаткашлари турмуш маданиятини оширишдаги роли
(1959-1965 й.)” мавзусида номзодлик диссертациясини
муваффақиятли ҳимоя қилди. Опанинг фандаги эришган бу
ютуқларига Ўзбекистон ФАнинг мухбир аъзоси, тарих фанлари
доктори, профессор Р. Х. Аминова, Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган фан арбоби, профессор А. М. Йўлдошев, тарих
фанлари доктори, профессор Г. А. Ҳидоятлов ва бошқалар юқори
баҳо бердилар.

Файзихон опа Наманган Давлат университети тарих
факультетиде талаба ёшларга илмий сирларини ўргатиш билан



биргаликда ўз устида тинимсиз ишлаши, кунт билан ижод қилиши, мустақил Ўзбекистонимизнинг тарихини ёритишда катта илмий-услубий ишларнинг ижодкори эканлиги билан алоҳида ажралиб турарди. Масалан: “XV-XVI асрларда Ўзбекистон халқлари тарихидан лавҳалар”, “Янгиланаётган давр ва аёл” рисоалари, шунингдек, марказий ва вилоят ойнома рўзномаларида, жумладан “Турмуш маданиятига эътибор” сингари кўплаб илмий ва илмий-услубий ишларини юксак баҳолаш керак.

Олима университет тарих факультети декан ўринбосари, факультет хотин-қизлар уюшмаси раҳбари, 1993 йилдан Ўзбекистон Халқ Демократик Партиясининг аъзоси сифатида жамоат ишларида фаол қатнашиб келган

Файзихон опа ўз ҳаётини илму фан ҳамда болаларсиз тасаввур қила олмасди. Билимини, меҳр кўрини, юрак тафтини ана шуларга бағишларди. Шундан ўзини бахтиёр ҳис этарди. Бевақт келган ўлим уни орамиздан олиб кетди. Опанинг порлоқ хотираси ҳамиша ёдимизда сақланади.



ИЛМ ИШҚИ ЮРАКЛАРДА ПОРЛАЙДИ



Фаридахон АҲМАДБОЕВА



1932 йилда Наманган шаҳрида хизматчи оиласида туғилган. У 1948 йил Наманган педагогика билим юртига ўқишга кириб, 1952 йил уни муваффақиятли тугатган. Шу йилнинг ўзида у Тошкент Давлат университетининг биология ва тупроқшунослик куллиятига ўқишга кирган ва 5 йил давомида аъло баҳоларга ўқиб, “Сталин” ва “Ленин” стипендияларини олишга муяссар бўлган. Университетни 1957

йил имтиёзли дипломга битирган ва биология-химия ўқитувчиси мутахассислигини ҳамда зоология ихтисослигини эгаллаган.

1957-58 ўқув йилида Наманган шаҳридаги 40-ўрта мактабда биология-химия ўқитувчиси бўлиб ишлаган. 1959 йилда Ф. Аҳмадбоева Ўзбекистон Фанлар Академиясига қарашли Зоология ва паразитология илмий-текшириш институтига ихтиология йўналиши бўйича аспирант бўлиб қабул қилинган. Лекин ўша даврда республикада ихтиология ва балиқчилик йўналиши бўйича етук мутахассис йўқлиги туфайли у Украина Фанлар Академияси таркибига кирувчи гидробиология илмий-текшириш институтига юборилган. Аспирантура муддати тугагандан сўнг 1962-1967 йиллар давомида Зоология ва паразитология илмий-текшириш институтида кичик илмий ходим лавозимида ишлади. 1967 йилнинг охиридан бошлаб, Наманган Давлат педагогика олийгоҳида дастлаб катта ўқитувчи, сўнг кафедра мудир лавозимларида ишлади. 1983 йилдан умрининг охиригача биология кафедрасида доцентлик лавозимида ишлади. Аспирантлик даврида ва ундан кейинги бир қанча йиллар давомида Ўзбекистон ҳовузларида ўсиши тезлаштирилган зоғора балиқни экологик, морфологик ва биологик хусусиятлари ва ҳовузларда балиқ маҳсулдорлигини ошириш бўйича бир қатор илмий изланишлар олиб борди.

1967 йили ТошДУнинг бирлашган илмий Кенгашида “Ўзбекистон ҳовузларида ўсиши тезлаштирилган зоғора балиқнинг морфологик ва биологик хусусиятлари” мавзусида номзодлик

диссертациясини ҳимоя қилиб, биология фанлари номзоди илмий даражасини олишга муваффақ бўлди. 1985 йил Олий Аттестация комиссиясининг қарорига мувофиқ, Аҳмадбоевага доцентлик илмий унвони берилди. Кейинги 15 йил давомида Ф. Аҳмадбоева “Норин дарёсидаги қимматбаҳо ов аҳамиятига эга бўлган балиқлар экологияси” мавзусида илмий текшириш ишлари олиб борди.

Ф. Аҳмадбоева илмий ишларнинг аҳамияти катта. Жумладан, ўсиш тезлаштирилиши сабабли балиқнинг морфологик ва биологик хусусиятларида ўзгаришлар содир бўлиши, пировардида янги зотлар пайдо бўлиши мумкинлиги, ўсиш тезлиги балиқлар зичлигига, экологик шароитига, инсон фаолияти таъсирига ва бошқаларга боғлиқлигини исботлаши катта аҳамият касб этади. Ўзбекистоннинг ҳовуз балиқчилик хўжаликларида биринчи марта бир ёзда балиқ чавоқларидан товар балиғи етиштириш имконининг аниқланиши эса илмий ишнинг амалий аҳамиятини янада ошириб юборди. Илмий ишларнинг натижалари бир қатор илмий мақолалар сифатида чоп этилган

Ф. Аҳмадбоева “Вилоят сув ҳавзаларидаги айрим балиқлар экологиясини ўзгартириш ва улар генотипини аниқлаш мавзусида илмий иш олиб бормоқда. Бу ишларга талабаларни ҳам жалб қилганди. Куллиётида гуруҳ раҳбари, хотин-қизлар кенгаши раиси, университет хотин-қизлар кенгаши аъзоси бўлган. Кўп йиллик самарали меҳнатлари юксак баҳоланиб, 1982 йилда “Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси” нишони, 1984 йилда “Меҳнат ветерани” медали ва 1986 йилда “Ҳурмат белгиси” ордени билан мукофотланди.



Раиса ФАТХУЛЛИНА



Раиса Зокировна 1935 йилда Куйбишев вилоятида таваллуд топган.

1955 йилда Намангандаги 1-ўрта мактабни битириб шу йилнинг ўзида Наманган Давлат педагогика олийгоҳининг рус тили ва адабиёти куллийетига ўқишга кирди. 1960 йили олийгоҳни битириб, шу ерда рус ва чет эллар адабиёти кафедрасида ўқитувчи сифатида иш бошлади. 1963 йили Қозон дорилфунуни

қошидаги рус адабиёти мутахассислиги бўйича аспирантурага кирди.

1968 йили Қозон дорилфунунида “Л. Леоновнинг урушдан кейинги даврдаги ижодида романтика анъаналари” мавзуида диссертация ёқлади. Бу илмий ишнинг аҳамияти шундаки, мумтоз ёзувчининг ижодий фаолияти тўла-тўқис очиб берилди ва иккинчи томондан унинг ижодидаги умуминсоний қадриятлар ҳамон долзарблигича қолаётгани бор бўйи билан кўрсатилди.

1985 йили олимага олийгоҳ рус ва чет эллар адабиёти кафедраси доценти унвони берилди ва шу йилнинг ўзида у “Меҳнат ветерани” медали билан тақдирланди. 1988 йилда эса унга Ўзбекистон Республикаси халқ таълими аълочиси нишони берилди.

Раиса Зокировна ўз меҳнат фаолиятини давом эттириш билан бирга ижодий изланишни изчил олиб бормоқда. Унинг илмий ишлари қамрови ғоятда кенг: рус-ўзбек адабиёти алоқалари, ўзбек - Болтиқбўйи халқлари адабиёти алоқалари, кейинги вақтда эса Ўзбекистон ва Қозоғистон Республикалари адабиётидаги узвий боғлиқлик муаммолари, қолаверса, А. П. Чехов ижодига доир мавзуларни ҳар томонлама ўрганиб, илмий хулосалар чиқармоқда.

Олима доимий равишда жамоатчилик иши билан ҳам шуғулланиб келяпти. Узоқ йиллар факультет талабаларининг илмий ишларига раҳбарлик қилди. Кафедрада эса ёш педагоглар билан ишлаш, гуруҳларга раҳбарлик ва бошқа бир қатор жамоатчилик ишларидаги иштироки унинг обрўсига обрў қўшмоқда.

Аёл меҳри қуёшга менгзалади. У қаерга кириб бормасин, қаерда меҳнат қилмасин, қуёш нурларидек туганмас меҳри билан

ўз ўрни, мартабасига эга бўлади. Раиса Зокировна университетда фаолият кўрсатиб келаётган ва худди шундай хислати билан ҳурмат- эътибор топган мураббийлардан. “Талаба ёшлар менинг ҳаётим мазмуни, қувонч ва шодлигим, десам ҳам бўлаверади. Ҳар бирининг ўз олами бор. Яхши ўқиш, етук мутахассис бўлиш, комил инсон бўлиш орзуларини рўёбга чиқариш эса биз устоз мураббийлар вазифасидир” - дейди у.

“Талабалар ўз фарзандларимдек азиз, уларга қараб қалбим рухланиб кетади. Кўнглим кўтарилиб, устоз бўлганимга минг карра шукур қиламан”.



Каримахон ИНОМОВА



Каримахон Иномова 1942 йилда Наманган шаҳрида туғилган.

1960 йилда Наманган шаҳридаги 36-ўрта мактабни имтиёзли тугатиб, шу йили Андижон Давлат тиббиёт олийгоҳига ўқишга киради ва уни 1966 йилда имтиёзли диплом билан битиради.

К. Иномованинг илмий ишга бўлган иштиёқини инобатга олган тақсимот комиссияси уни мазкур олийгоҳнинг физиология кафедрасида илмий тадқиқотчи сифатида олиб қолишга

қарор қилади.

1968 йилдан 1971 йилгача шу олийгоҳда кундузги аспирантурада илмий ишларини давом эттириб, 1971 йили “Меъда шираси таркибидаги амилаза ва линаза ферментлари ва уларнинг келиб чиқиши” мавзусидаги номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилади.

К. Иномованинг илмий ишлар рўйхати салмоқли бўлиб, 20 дан зиёд илмий мақолаларни ўз ичига олади. Улар “Физиологический журнал СССР”, “Медицинский журнал Узбекистана” ва бир қатор иттифоқ ҳамда республика илмий тўпламларида чоп этилган.

Каримахон Иномова катта услубчи олима ҳамдир. Бўлажак олий ва ўрта махсус маълумотли тиббиёт ходимларининг янада малакали бўлишларига, ўз миллий тилларида чуқурроқ билим олишларига катта эътиборни қаратиб, собиқ иттифоқ давридаёқ, ўзбек гуруҳларида таҳсил кўраётган маҳаллий миллат қизларининг русча қўлланмалардан фойдаланишларидаги қийинчиликларни ҳис қилган ҳолда 1984 йилда “Физиология”, 1992 йилда “Эпидемиология” қўлланмаларни рус тилидан ўзбек тилига ўгиради. 1993 йилда “Тиббиёт олийгоҳлари ва билим юртлари талабалари учун ўзбек тилида “Физиологик терминлар” лугати ва 1994 йилда “Реанимация” фани бўйича ўзбек тилида қўлланма китоби чоп этилди. Республикада ўзбек тили давлат тили мақомини олгандан кейин тиббиёт дарсликларини ўзбек тилига ўгиришда катта ишлар олиб бормоқда.

К. Иномова нафақат раҳбар, олима, ҳакима, мураббий, услубчи педагог, балки катта жамоатчилик фаолияти билан ҳам таниқлидир. У кўп йиллар вилоятдаги ўрта махсус ўқув юртлари директорлар кенгашини, “Олима аёл” Республика уюшмаси Наманган вилояти бўлимни, Фарғона водийсидаги тиббиёт билим юртлари регионал кенгашини бошқариб келди. У вилоят ва шаҳар хотин-қизлар қўмиталари пленуми аъзоси, вилоят хотин-қизлар қўмитаси раёсати аъзоси бўлди.

К. Иномова илмий-методик мазмундаги мақола ва қўлланмалар ёзиш билан чекланмай шаҳар, вилоят ва республика миқёсида чиқаётган газета, журнал ва тўпламларда таълим-тарбияга, оналар саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантириш, оилани режадаштириш ва шу каби долзарб мавзулардаги мақолалари билан ҳам мунтазам чиқиб туради. Ҳозирги кунда республика тиббиёт билим юртлари учун ўзбек тилида “Фалсафа асослари” дарслиги чиқарилишида муаллифлик қилмоқда.

К. Иномова 1983 йилда “Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси” нишони, 1986 йилда “Ҳурмат белгиси” ордени, 1992 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти “Фахрий Ёрлиғи”, 1995 йили “Республика соғлиқни сақлаш аълочиси” нишони, шаҳар ва вилоят ҳокимликларининг кўплаб Фахрий Ёрлиқлари билан тақдирланган.



Азизахон ХҲЖАЕВА



Наманган Давлат университети доценти, тиббиёт фанлари номзоди Хўжаева Азизахон Абдулазизхон қизи 1940 йилда Наманган шаҳрида туғилган.

1964 йилда Тошкент медицина институтини тугаллаб, Наманган шаҳридаги 1-болалар касалхонасига ишга келган. Тиббий билимларнинг алоҳида соҳаси бўлмиш гематологияга қизиқиб, 1968 йилда Москва шаҳридаги 2-тиббиёт институтининг аспиран-турасига киради ва шу соҳа бўйича илмий иш олиб боради.

1968 йилдан 1971 йилгача ўнга яқин илмий мақолалар ёзади ва турли нашрларда чоп эттиради.

Москва шаҳрида бўлиб ўтган симпозиум ва конференцияларда маърузалар билан фаол қатнашади.

1971 йил июнь ойида “Болалар лейкоз касаллиги” мавзусида кандидатлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилади. Илмий ишнинг назарий ва амалий аҳамияти ниҳоятда катта бўлиб, болалардаги лейкоз касаллиги оғир асорати бўлмиш қон кетиш ҳолларида беморни ўлимдан сақлаб қолишда қўлланиладиган чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Қон кетиш сабаблари цитохимиявий усул билан ўрганилиб, қон таркибидаги тромбоцит ва мегакариоцитлардаги сифат ўзгаришлари кузатилган.

Азизахон опа 1972 йил февраль ойидан Наманган Давлат университети физиология кафедрасига ишга келади. “Ўсмирлар физиологияси”, “Оналик ва болаликни ҳимоя қилиш”, “Педиатрия асослари”, “Болалар анатомияси, физиологияси, гигиенаси ва психологияси” фанларидан талабаларга чуқур билим бериб келади. Маъруза ва амалий машғулотларни илмий асосланган ҳолда, қизиқарли ва мазмунли олиб боради. Ўзининг чуқур билимдонлигини ҳаётининг мисоллар билан боғлаб талабалар тарбиясига жуда катта эътибор беради. Биология факультети талабаларига мўлжалланган дастурга асосланиб, ўқув қўлланма, талаба-амалиётчи учун эслатма ва бошқа бир қатор илмий

мақолалари нашр этилди.

“Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш” мавзусида мақолалар ёзиб, маърузалар қилиб туради. Мунтазам равишда туманларга маъруза ва учрашувларга чиқиб туради.

“Узоқ умр кўриш сирлари”, “Алкоголь ва авлод” каби мавзуларда маҳаллаларда, талабалар ётоқхонасида тез-тез маъруза, суҳбатлар ўтказади.

Талабаларнинг устозлари ҳақида ёниб, меҳр ила тўлиб-тошиб сўзлашаётганлигини эшитиб, беихтиёр профессор Раҳимжон Усмоновнинг: “Ўқитувчи хушбўй гулга ўхшайди, шогирдлари унга асаларидек ёпишиб, ундан ўзлари учун қимматли маънавий озиқ оладилар” деган пурмаъно гаплари ёдга тушади.

Ҳа, Азизахон опа шогирдлари қалбига йўл топа олиш бахтига муяссар бўлган устоздир.





Хосиятхон АХМЕДОВА

“Яхшиликни чеҳралари очик,
хушрўй одамлардан кутинглар”,
дейилади ҳадиси шарифда.

Дарҳақиқат, чеҳрасида самимийлик
балқиб турган кишилар ҳамиша эзгулик
ёғдусини таратади.

Эзгу фазилатларнинг чегараси
йўқдир. Аммо Ватанига, халқига ҳалол
хизмат қилиш, келажак авлод тарбияси
учун жон куйдириш фазилатларнинг
улуғидир.

Тарих фанлари номзоди Хосиятхон Маматовна Аҳмедова
ана шундай хислатлари билан обрў топган, у кишини таниган-
билган, мурувватларидан баҳраманд бўлганлар меҳр билан
эслайдиган олижаноб инсонлардир.

Хосият Маматовна 1938 йил 17 июнда Самарқанд шаҳрида
туғилган.

1955 йили Наманган шаҳридаги 2-ўрта мактабни битириб,
қишлоқ хўжалик техникумига ўқишга кирган. Зоотехниклик
мутахассислигини олган.

Фарғона Давлат педагогика институтининг химия-биология
факультетига ўқишга кирди ва уни муваффақиятли якунлади.

1960 йилдан у педагогик фаолиятини бошлади. 1960 йилдан
1963 йилгача 15-ўрта мактабда химия-биология ўқитувчиси, 1963
йилдан 1967 йилгача ўқитувчи ва айна бир вақтда ўқув бўлими
мудир сифатида 43-ўрта мактабда фаолият кўрсатди.

Хосият Маматовна 1967 йилда партия ишига тавсия этилди.

1967 йилдан 1988 йилгача Наманган шаҳри ва вилоят партия
қўмиталарида турли лавозимларда ишлади.

1988 йилдан эса Олий ва ўрта махсус билимгоҳларда фаолият
кўрсата бошлади. Педагогика институтида ўқитувчилик қилди,
индустриал техникумига раҳбар бўлди. 1994 йилдан айна шу
кунгача Наманган педагогика коллежида директор лавозимида
ишламоқда.

1969 йилдан 1971 йилгача Москвадаги партия олий мактабида,
1974 йилдан 1977 йилгача Москвадаги ижтимоий фанлар
академиясида ўқиди ва “Зиёлиларнинг байналмилал тарбияси”

мавзусида диссертациясини ёқлаб, тарих фанлари номзоди деган илмий унвон соҳиби бўлди.

1971 йилдан буён унинг мақола, рисола ва монографиялари турли нашрлар, тўпламларда чоп этилмоқда.

Хосият Маматовна ўзининг кўп йиллик меҳнатлари эвазига “Меҳнат ветерани”, “Самарали меҳнати учун” медаллари, жамоат ва сиёсий ҳаётдаги фаол иштироки, ёшлар тарбиясида қўлга киритган муваффақиятлари учун Ўзбекистон Республикаси Фахрий ёрлиғи билан тақдирланган.

1970 йилдан 1989 йилгача мунтазам равишда халқ депутатлари Наманган вилоят Кенгаши депутатлигига сайланган.

Хосият Маматовнанинг барча фазилатларини жамлаб, фидойи инсон дейиш мумкин. Фидойилик чиройли сўз, аммо унинг замирида катта меҳнат, матонат ётади. Хосиятхон опа қаерда фаолият кўрсатмасин, ўша ерни обод қилишга уринди.

1994 йилдан Наманган педагогика билим юртида директорлик вазифасида ишлаш билан биргаликда шу коллежда очилган иқтидорли қизлар лицей-интернатига ҳам раҳбарлик қилмоқда.

Билим даргоҳидаги кадрлар сифатини оширишга, ҳамкорликни, дўстона муносабатларни мустаҳкамлашга, оила қуришга тайёр бўлган етук, билимли қизларни тарбиялашга ҳаракат қилмоқда. Бугун бу маскан ҳамма ҳавас қиладиган қиёфа касб этган, вилоятимизнинг энг гўзал жойларидан бирига айланган.

Иймон ва эътиқод, инсоф ва виждон, саҳийлик ва улуғворлик сингари фазилатлар инсон баркамоллигини белгилайди. Бу каби сифатлар, энг аввало, раҳбарда мужассам бўлса, нур устига нур, таълим даргоҳи жамият кўркига айланиб боради, илм масканида таълим сифати яхшиланади, муаллимлар ўртасида ижодий муҳит шаклланади, ҳар бир муаллим, мураббий дарс ва машғулотлар самарадорлигини таъминлаш мақсадида изланади. Натижада мазкур таълим масканига ҳамма ҳавас билан қарайди. У ернинг раҳбари ҳам бутун куч-қувватини ишга солиб, маъроқ билан ишлайди. Мақолага ажратилган саҳифаларнинг озлигини ҳисобга олиб, қилаётган эзгу ишларининг айримларигина шарҳланаётган инсон - тарих фанлари номзоди “Соғлом авлод учун” орденининг соҳибаси Хосиятхон Аҳмедовани вилоятимиз фахри десак арзийди.

Анвархон ОТАБОЕВА



“Аёл, деб ёзганди Н. А. Некрасов, - буюк сўздир. Чунки бу сўзда қизнинг гўзаллиги, ёрига вафодорлиги ва она жасорати мужассамдир”.

Ҳа, албатта, ҳам она бўлиш, ҳам олим бўлиш эса янада катта меҳнат ва масъулият талаб қилади.

Наманган педагогика институтининг биринчи қалдирғочи бўлган Анвархон Нишонбоевна Отабоева ана шундай

аёллардан.

У 1937 йилда Наманган шаҳрида туғилган. 1955 йилда 15-қизлар мактабини битириб, Наманган педагогика институтининг физика - математика факультетида таҳсил олади. Институтни имтиёзли диплом билан битирган Анвархон 1960 йилдан бошлаб физика кафедрасида катта лаборант, ўқитувчи лавозимида ишлади. Турмушга чиқиб 1962 йилда фарзандли бўлди. 1965 йилда аспирантурага кирди.

1971 йилда иккинчи ўғли туғилди. Бу пайтда опа Ўзбекистон Фанлар Академиясининг физика институтида инженер-аспирант бўлиб, академиклар . И. Адирович, С. А. Азимов каби таниқли олимлардан таҳсил олаётган эди. Юқори қаршиликли кремний асосида “диэлектртик” структуралар олиш технологиясини такомиллаштириш ва олинган структураларда ҳажмий зарядлар билан чегараланган тоқларнинг қонуниятларини ўрганиш назариясини тажриба билан солиштириш устида илмий изланишлари олиб борди.

1978 йилда диссертацияни ҳимоя қилиб, физика-математика фанлари номзоди илмий даражасига эга бўлди.

А. Отабоеванинг илмий ишлари “Ярим ўтказгичлар физикаси ва техникаси” журналида, Тошкентда “Диэлектрик электрониканинг муаммолари” бўйича ўтказилган Бутунитифоқ анжуман тўпламида чоп этилди.

1979 йилда Наманганда Тошкент политехника институтининг филиали очилди. Ўзбекистон Фанлар Академияси физика-техника институтининг Микроэлектроника бўлимида катта инженер бўлиб ишлаётган Отабоева Анвархон мазкур филиалга катта ўқитувчи лавозимига ишга таклиф қилинди. Шу йили учинчи фарзанди

туғилди. Албатта, уч фарзандни тарбиялаб вояга етказишнинг ўзиёқ бир аёл учун катта меҳнат ва жасоратни талаб қилади. Лекин опа илмни тарк этмади. У шу институтнинг физика кафедрасида катта ўқитувчи ва 1982 йилдан буён доцент лавозимида ишлаб келмоқда.

Анвархон Отабоева талабаларга физика фанидан маъруза ва амалий машғулотлари олиб боради. У ҳар бир маърузани тушунарли ва қизиқарли тарзда, физика қонунларини ҳаёт билан боғлаган ҳолда тушунтиради.

Унинг бир неча услубий ва ўқув қўлланмаларидан талабаларнинг назорат ишларини ва лабораторияларни бошқаришларда кенг миқёсда фойдаланилмоқда.

Опа институтнинг жамоатчилик ишларида ҳам фаол қатнашиб келмоқдалар.

Айни пайтда гуруҳ раҳбари, энергетика факультети илмий кенгашининг аъзоси А. Отабоева 50 дан ортиқ илмий-услубий ишлар муаллифи.

Наманганда физика фанидан илмий иш қилган аёллар деярли йўқ эди. А. Н. Отабоева бу соҳада вилоятимиз аёллари ичида биринчи бўлсалар керак.

Талабаларни “Ўғлимтой” деб қақирадиган бу муборак ёшдаги аёл ҳозир б набиранинг бувиси ҳамдир. Опанинг айтишича, оила мўъжазгина бир жамият. Бутун инсоният жамиятининг дахлсизлиги ҳам унинг жипслигига боғлиқ. Оиланинг инсоният жамияти билан узвий боғлиқлиги-ҳаётнинг абадийлигини, авлодларнинг давомийлигини таъминлашида яққол кўринади. Оила халқнинг, жамиятнинг ҳаёти, турмушига оид урф-одатларни ўзида синовдан ўтказади. Яхшиларини ўз бағрида асраб-авайлаб келажак авлодларга етказади.

Ҳақиқатдан ҳам ислом манбаларида бола дунёга келмай турибоқ унинг келажаги тўғрисида қайғуриш кераклиги ҳақида кўрсатмалар бор. Оила ўз фарзандларини тарбиялаб, уларга умуминсоний қадриятларни сингдириш билан бирга уларга бошланғич ижтимоий йўналиш беради.

Опанинг бир гаплари қалбимизда чуқур из қолдирди: “Болани яхши кўрмайдиган одам, аудиторияга кириб ўқитувчилик қилолмайди”. Балки “Тақиллатинг ва сизга эшикларини очадилар, сўранг ва сизга жавоб берадилар, яхшилик қилинг ва сизга ҳам яхшилик қиладилар” дейилган фикр шундай опалар ҳақида айтилгандир.

Моҳирахон МАМАЖОНОВА



Моҳира Мамажонова 1968 йили Наманган Давлат педагогика институтининг рус тили ва адабиёти факультетини битириб, имтиёзли диплом олган. Ўзи ўқиган даргоҳда ишга таклиф этилганда, табиийки, беҳад хурсанд бўлди. Моҳирахон ўз устида изчиллик билан мунтазам ишлар, устозлар тажрибасини ўзлаштириб боришга интиларди. Айни пайтда тегишли фанлардан номзодлик имтиҳонларини топширишга тайёргарлик кўрарди.

- Москвага, Педагогика Фанлари

Академияси таркибидаги "Миллий мактабларда рус тили ўқитиш" илмий-тадқиқот институтига турмуш ўртоғим Қодиржон Носиров билан бир пайтда жўнадик. (У киши билан институтда ҳам бир гуруҳда ўқиганмиз.) Москвада ўқиш ва турмуш қийинчиликларини бирга-бирга енгиб, бирин-кетин номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилиб қайтдик. Икки фарзандимиз бор эди ўшанда. Охириги бир ярим йил уларни ҳам олиб кетишга тўғри келди. Бир хусусий хонадонни ижарага олиб яшардик. Фарзандлар қувончинию ташвишларини турмуш ўртоғим билан тенг бўлардик, навбатма-навбат боғчага, мактабга борардик. Диссертацияни эсласам, ҳар доим илмий раҳбарим Г. В. Кузмина кўз ўнгимда гавдаланади. У киши менга жуда катта ёрдам берганлар, унутиб бўлмайди, - дейди Моҳирахон.

У олий ўқув юртларида рус тили ўқитиш услубиёти ихтисоси бўйича диссертация ёқлаб, педагогика фанлари номзоди унвонига сазовор бўлди. Қадрдон жамоасига ишга қайтган ёш олимани тез орада факультетлараро рус тили кафедрасига мудир этиб тайинлашади. Рус тилига катта эътибор берилаётган даврлар эди. Шу боис бу кафедрага раҳбарлик қилиш шунга яраша меҳнат талаб қиларди. Давр талаби даражасида ишлаш илмий-услубий изланишларни, ижодкорона меҳнатни талаб қилади. Педагогика фанлари номзоди, доцент Ҳайдарова ўн беш йилдан ортиқроқ раҳбарлик қилган кафедра доимо шу талаблар даражасида орта қолмай ишлашга ҳаракат қилди. Бошқа турдош олий ўқув юртлари кафедралари билан тажриба алмашиб, ҳамкорликда илмий изланишлар олиб бориш яхши йўлга қўйилган эди. Шундай ҳамкорликда Фарғона ва Наманган педагогика институтлари

мутахассислари томонидан яратилган “Практический курс русского языка” ўқув қўлланмасидан республика олий ўқув юртрларида кўп йиллар давомида фойдаланиб келинди.

- Мен ўзимни олим ҳисобламайман, - дейди суҳбатимиз давомида Моҳира опа, - Олим дегани бу жуда юксак ном. Биз бу даражага етганимиз йўқ. Менинг меҳнатим, ёзган озми-кўпми мақола ва қўлланмаларим маълум бир фойда келтирган бўлса, ўзимни бахтиёр ҳисоблайман.

Мамажонованинг меҳнатлари раҳбарият томонидан раҳматнома ва ёрликлар билан бир неча бор тақдирланган, 1988 йили эса у киши “Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси” унвонини олишга муяссар бўлганлар.

Сир эмас, аёл кишининг ўрни, аҳамияти, қадри, айниқса, оилада кўпроқ сезилади. Биз бу ҳақда Моҳира опанинг турмуш ўртоқлари Қодиржон ака Носировдан сўраганимизда, у киши кулимсираб:

- Агарда ҳаммага таниш иборани ишлатиб, “у киши оиламизнинг тилсими” десак ҳеч ҳам ҳам муболаға бўлмайди. Тўғри, бу иборани барча аёлларга нисбатан қўллаш мумкин ва керак ҳам. Шундай бўлса-да, менинг аёлимга кўпроқ тааллуқли бўлса керак. “Уй-жой қиламиз”, “тўй қиламиз” деб аталмиш қувончли ташвишларда мендан кўп ҳаракат қилса қилганки, кам эмас. Оиладаги аёлга хос вазифаларни уддалабгина қолмай, гувала қўйса гувала қуярди, қурилиш материаллари оладиган бўлса, мен билан баробар тўсинликларни кўтаришарди. Ҳатто бозор қилиш ҳам кўпинча у кишининг елкасида. Мен эса хизмат соҳасида кўпроқ ташкилий, жамоатчилик ишларига берилиб кетаман.

Қодиржон аканинг мақтанишларича, Моҳира опа моҳир пазанда ҳам. Лаззатли таомлар тайёрлаш билан чекланмай, ўз фарзандлари-ю келинларга унинг сирларини кунт билан ўргатгани ўрганган. Эътиборлиси шундаки, опа ҳеч эринмай телекўрсатувлардан, газета ва журналлардан пазандачилик рецептларини тўплайдилар. Натижада қизларига ҳам, келинларига ҳам алоҳида-алоҳида пазандачилик альбомларини тайёрлаб қўйганлар.

Хуллас, бу борада ҳам моҳир педагог доимо изланишда ва бундан ҳам ўзлари, ҳам яқинлари ҳузур қилишади.

Моҳира опа ҳозир пенсияда, аммо педагогик постларини тарк этишга ошиқаётганлари йўқ. Ҳали олдинда бир қанча режалар бор...

Мавлудахон ИНОМОВА



1948 йил 20 январда Наманган шаҳрида хизматчи оиласида туғилди.

1966 йили шаҳардаги 7-ўрта мактабни тамомлагач, шу йили Наманган Давлат педагогика институтининг рус тили ва адабиёти факультетига ўқишга киради. 1971 йилда институтни муваффақиятли тамомлаб, Наманган шаҳридаги 13-ўрта мактабда ўқитувчи бўлиб ишлади. 1972-78

йилларда Москва педагогика фанлари академияси “ПРЯНШ” илмий-текшириш институти аспирантурасида таҳсил олди.

1978-80 йилларда Наманган тўқимачилик техникуми ўқитувчиси бўлиб ишлади.

1979 йили педагогика фанлари номзоди илмий даражасини, 1988 йили эса доцент унвонини олди.

1980-82 йилларда ТошПИ Наманган филиали (ҳозирги НамПИ) ўқитувчиси, 1982-87 йилларда умумтаълим фанлар кафедраси мудири бўлиб ишлади.

1987-2000 йиллари эса Тиллар кафедрасига раҳбарлик қилди.

2000 йилдан ҳозиргача Тиллар кафедрасида доцент лавозимида ишлаб келмоқда. 40 дан зиёд илмий-услубий ишлари чоп этилган. Лекин шодлик билан ташвиш ёнма-ён юради деганлари бежиз эмас шекилли. Мавлуда олима бўлиб Москвадан қайтиб келганида ота-онасининг қувончи чексиз бўлди. Лекин сал ўтмай мунис онажониси тўсатдан бетоб бўлиб, тўшакка миҳланиб қолди. Қанча муолажа қилмасин барибир бефойда бўлди. Йигирма йил давомида у сингиллари билан она атрофида парвона бўлди. Ҳатто умри ўтиб кетганини ҳам сезмай қолди. Баъзан ҳафталаб ишга ҳам боришга имкон бўлмай қоларди. Лекин чидам билан, умид билан онаизорини парвариш қиларди. Опани кўрган сингиллар ҳам ҳамиша у билан ёнма-ён бўлди. Лекин узоқ давом этган бу инсулт онани барибир олиб кетди. Бу кунларни, онажонининг

тортган азобларини эслаганда унинг кўзларидан шашқатор ёшлар оқади. Ҳа, ҳаёт шундай бешафқат. Аммо, ҳаётнинг ширин томонларини ҳам кўрди.

Бугун у доцент-олима. Атрофида юзлаб шогирдлари парвона. Опанинг ҳаётдан, фарзандлари йўқлигидан ўкинчи-афсуси йўқ. Чунки педагогнинг ёлғизи бўлмайди. Унинг оиласи-жонажон жамоаси. Унинг фарзандлари-севимли талабалари.

Устоз... Ушбу сўз улуг бир сиймони гавдалантиради. Унга буюклар ҳам азалдан ҳурмат бажо этган.

Илмни берган ва юксалтирганларнинг икки дунёда ярлақаб, мартабалари улуг қилинажак, дейилган “Қуръони Карим” да.

Демак, устозга Оллоҳнинг назари тушган.

Доно халқимизда бир нақл ҳам бор: одамларга бир йил яхшилик қилмоқчи бўлсангиз, буғдой экин; ўн йил яхшилик қилмоқчи бўлсангиз, ток экиб, боғ қилинг; умр бўйи яхшилик қилмоқчи бўлсангиз, устозлик қилинг.

Опанинг битта орзуси бор. У ҳам бўлса синглиси Гулигавҳарни турмушга узатиш. Отаси раҳматлик уни олима бўлган куни турмушга узатишни васият қилганлар. Гулигавҳар эса яқинда номзодлик ишини ҳимоя қилади.





Феруза ИБРОҲИМОВА

Феруза Мунировна 1956 йил 10 январда Наманган шаҳрида туғилди.

1977 йили Наманган Давлат педагогика институтининг рус тили ва адабиёти куллийетини имтиёзли битирди. Шу ерда қолиб талабаларга рус тили ва адабиёти фанидан дарс бера бошлади.

1983 йили Ленинграддаги А. И. Герцен номли педагогика институтида “Выражение реляционных ситуаций при функционирования глагольных форм несовершенного вида современном русском языке” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Олима дорилфунунда ишлаш жараёнида рус тилини ўқитишга доир кўплаб ўқув қўлланмалари, мақола ва тезисларни ёзиб чоп эттирди. Уларнинг 4 таси Санкт Петербург ва Тарту (Эстония) университетларида илмий мақолалар тўпламида босилиб чиқди. Илмий изланишларини давом эттириб, мустақил республикамизга малакали тилшунослар етиштириб беришда бутун куч-қайрат, билимини сафарбар этмоқда.

“Мен бахтли оилада катта бўлдим, - дейди Феруза Мунировна, - ҳамиша яхши одамлар орасида яшадим. Ҳозир икки қизим бор.

Саида Наманган Давлат университетининг ҳуқуқшунослик факультетида ўқийди. Аълочи. Барча фанлардан “5” га ўқийди. Мен бундан жуда қувонаман. Кенжа қизим Дамира 9-синфда ўқияпти.

Турмуш ўртоғим Равил Иброҳимов инженер-электрик. Менинг шу даражага етишимга дадам Ибрагимов Мунир Ҳасанович жуда катта ёрдам берганлар. Мен ҳамиша бахтли ҳаёт кечирганман. Бўш вақтимда гулларга қарашни яхши кўраман. Менга, айниқса, атиргуллар ёқади. Бир куни уйқум қочиб, балконга чиқиб, атиргулларга қараб ўтирганимда, пастда биринчи қаватда нотаниш одамлар кўриниб қолди. Биласизми, ўша пастдаги уйнинг эгаси бўлган аёл туғруқхонада эди. Ҳалиги шубҳали шахслар балкон орқали ичкарига кирмоқчи бўлишди. Мен тепадан туриб: “ҳой, кетинглар. Бўлмаса милиция чақираман”, - деб уларга пўписа қилдим. Улар кетишди, лекин энди мен умуман ухлай олмадим.

Ярим кечада, ҳалиги ўғрилар яна қайтиб келишди. Шунда мен уларга: “Милиция чақирдим, мана ҳозир келишяпти”, - дедим. Ўғрилар кетишди. Шундан бери қўшниларим ҳазиллашиб: “Оя, гулга қарайман деб, ўғриларни пойлайдилар”, - дейишади. Ўша қўшним туғруқхонадан келгач, воқеани, бошқалардан эшитиб, менга миннатдорчилик билдирди. Албатта, булар балки айтишга арзимас, лекин ўзимнинг хурсанд бўлганимни айтмайсизми. Атиргуллар эса меннинг жону дилим, уларни жуда-жуда яхши кўраман”.

Қалби гуллардай гўзал бўлган Иброҳимова Феруза Мунировнага боқий умр, фарзандлари камолини кўришдек улкан бахт тилаймиз.



Нафисахон ҚИРҒИЗБОЕВА



Қирғизбоева Нафиса Ҳожимирзаевна 1942 йил 7 январда Наманган шаҳрида ўқитувчи оиласида туғилди. Отаси Ҳожимирза Қирғизбоев ўз замонасининг тараққийпарвар зиёлиларидан бири эди.

Н. Қирғизбоева 1949 йили Наманган шаҳридаги 15-ўрта мактабни тамомлаб, 1954 йили Тошкент тўқимачилик институтини (ТТИ) имтиёзли диплом билан битирди. Мутахассислиги - муҳандис-иқтисодчи. Икки йил Намангандаги 4-пахта тозалаш заводида режа, меҳнат ва иш ҳақи бўлимининг бошлиғи бўлиб ишлади. Шу вақт ичида юқоридаги вазифани яхши уддалаганлиги, уддабуронлиги ва одоблилигини кўрган раҳбарлар Нафиса опадан ажойиб тарғиботчи, тарбиячи устоз етишиб чиқишини билган ҳолда 1956 йили Наманган давлат педагогика институтига график соҳаси бўйича ўқитувчиликка таклиф этишди. Техника илмига бўлган қизиқиши туфайли у иккиланмай рози бўлди. Ана шу даврдан эътиборан педагогик фаолияти бошланди. Н. Қирғизбоеванинг катта меҳнати, жонкуярлиги туфайли олийгоҳда 1960 йили расм-чизмачилик бўлими очилди. Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг графика кафедрасига ишга таклиф қилинди. У ерда бир йил ишлагандан сўнг Наманган педагогика институти ректори З. Ф. Миртурсуновнинг илтимосига биноан яна эски ишига қайтиб, 1972 йилгача ишлади. Ҳамда ўзининг илмий изланишларини энди иқтисодиёт соҳасига йўналтиради. Кўп изланишлари ва амалий олиб борилган ишларнинг натижаси сифатида диссертация устида иш олиб боради.

Опа 1984 йили "Наманган вилоятининг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти ва пахтачилик колхоз совхозларида планлаштиришни, такомиллаштириш" мавзусида диссертация ёзиб, уни ҳимоя қилади. Унга иқтисод фанлари номзоди деган унвонни Олий аттестация комиссияси шу йилиёқ берди.

Диссертацияда хўжаликларнинг иқтисодиётини ривожлантириш, деққончиликда ҳосилдорликни, чорвачиликда маҳсулдорликни ошириш йўллари ва қишлоқ аҳолисини озик-овқат, иш билан тўлароқ таъминлаш, уй-жой, дам олиш, турмуш даражасини яхшилаш бўйича тавсиялар берилди. Қишлоқ маданиятини кўтариш, қишлоқда янги иш жойларини ташкил этиш,

бунинг учун ёрдамчи корхоналар ва саноатнинг филиалларини қишлоқда очиш муаммолари кўтарилди.

Шахсий томорқани кучайтириш, фермерлар хўжалиги ташкил қилиш каби масалалар диссертацияда ишлаб чиқилди. Бу масалалар ҳозирги кунда ҳам ўзининг долзарблигини йўқотгани йўқ.

Илмий ишда берилган таклиф ва тавсиялар, гоёлар Наманган вилоятида ва унинг айрим хўжаликларида 10-15 йилга мўлжалланган иқтисодий ва социал тараққиёт режаларини тузишда тадбиқ этилди ва вилоят агросаноат бошқармаси томонидан режалаштириш бўйича яратилган методик қўлланмага киритилди.

1986 йили Наманган педагогика институтида “Бадий графика” бўлими очилди. Тасвирий санъат ва чизмачилик кафедрасида иш бошлади: 1993 йил 30 июнда эса Олий Аттестация кенгаши унга доцент унвонини берди. 1995 йили университет Олий кенгаш аъзолари бир овоздан уни профессорлик лавозимига сайладилар. Опа чизма геометрия ва чизмачилик фанларидан талабаларга сабоқ бериб, юзлаб педагогик чизмакашлар тайёрлади. Қатор мактаблар чизмачилик фани ўқитувчилари билан таъминланди. Бугунги кунда опа қўлида таҳсил кўрган олимлар, педагоглар, муҳандис-технологлар халқимизга сидқидилдан хизмат қилмоқдалар.

Графика ва иқтисод соҳасида Республика миқёсида ва Москвадаги турли ойнномаларда, тўпламларда 20 дан ортиқ илмий мақолалар чоп эттирди ҳамда “Чизма геометрияси”дан 2 та методик қўлланма яратди.

Н. Қирғизбоева томонидан ёзилган икки қўлланма, бадий графика ва умумтехника бўлими талабалари учун чизма геометриядан дарслик бўлиб қолди. Ҳозирда у бадий графика бўлими талабалари учун “Чизмачилик” бўйича дарслик ва “Графика тарихи” устида иш олиб борапти.

Опа бадий графика ва умумтехника факультети хотин-қизлар қўмитасининг раиси лавозимида жонбозлик кўрсатди. Ўзбекистон Республикаси халқ маорифи аълочиси, “Шавкатли меҳнати учун” медали билан мукофотланди.

Муножотхон МИРЗААБДУЛЛАЕВА



1949 йили Учқўрғон туманидаги Қайқи қишлоғида туғилган. 1975 йилда Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институтини битирган. 1984 йили Москва шаҳрида аспирантурани тамомлаб, “Беш ёшгача бўлган болаларнинг биргаликдаги фаолиятларида ўзаро ёрдам муносабатларини тарбиялаш” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилади. М. Мирзаабдуллаева “Мактабгача тарбия педагогикаси” фанини назарий жиҳатдан ривожлантиришда ўзининг салмоқли

ҳиссасини қўшди.

Мақоламиз қаҳрамони билан суҳбат давомида ҳамда унинг фаолиятини ўрганиш мобайнида шуни сездикки, Муножотхон ёш қалб эгаларининг энг яқин дўсти, йўл кўрсатувчи мураббийси ҳам экан. Илғор ғоялар тарғиботчиси бўлган зиёкор ўқитувчи маданиятли инсон бўлиб, бу фазилат униң юриш-туришида, кийинишида ва нутқ маданиятида ҳам ўз ифодасини топган.

Кичкинтойларда ўзаро ёрдам муносабатларини тарбиялаш ахлоқий тарбия назариясининг энг муҳим масалаларидан бири бўлиб, илмий ўрганишга лойиқ муаммо эканлиги, болаларнинг мактабгача тарбия ёшидан бошлаб жамоа муносабатларида бир-бирларига нисбатан меҳр-шафқатли, диққат-эътиборли, ҳамдард ва топширилган ишга масъулиятли бўлиш асосида шаклланиши, тарбияланиши зарурлиги илмий жиҳатдан асослаб берилди.

М. Мирзаабдуллаева кўп йиллик илмий текшириш, кузатишлари натижасида болаларнинг биргаликдаги меҳнатини ташкил этиш ва унда уларнинг ўзаро ёрдам муносабатларини тарбиялашнинг бутун бир услубий тизимини яратди. Бу ишларга Россия, Украина, Куба ва Вьетнамда қизиқиш катта ва ўша мамлакатларда М. Мирзаабдуллаеванин илмий мақолалари чоп этилган. У “Педагогика ўқитиш методикаси”, “Педагогика” дарсликларининг “Эстетик тарбия” бўлими муаллифидир.

М. Мирзаабдуллаева университетда мактабгача тарбия муассасаларига мутахассис кадрлар етказиб берувчи ихтисосликни ташкил этишга катта ҳисса қўшди. Кафедра мудир, мактабгача тарбия педагогикаси ва психологияси факультетининг декани бўлди. У ҳозирги кунда жаҳон андозаларига мувофиқ

янги педагогик технологиялардан фойдаланиш соҳаси бўйича фаол тарғиботчи. Бу соҳадаги тажрибаларни янада мукамаллаштириш мақсадида Америка Қўшма Штатларида узоқ муддатли ижодий сафарда бўлиб қайтди. Бугунги кунда доцент М. Мирзаабдуллаева педагогика факультети декани сифатида бир қатор ибратли ишларни амалга оширмоқда. Унинг кўплаб шогирдлари Президент стипендияси совриндорлари, магистратура талабалари.

Зукко олима ва комила инсон Муножотхон опа меҳрибон она ҳам эканлигини унутмаслигимиз даркор. Бу инсон икки қизни баркамол қилиб тарбиялади. Мухайё Англияда таълим оляпти. У барча соҳалардан мукамал билимга эга бўлгани учун Ўзбекистон ёшларининг Англиядаги элчиси этиб тайинланди.

Сурайё Тошкентда ўқияпти. Қизлари араб, инглиз, немис, француз, рус тилларида бемалол гаплаша олади.

Утган йили Муножотхон АҚШда 6 ой бўлиб қайтди. Бир пайтлар Тинчлик Корпуси билан Наманганга келиб 2 йил опанинг уйларида яшаган Сара ва Шени исмли қизлар “Онажонимиз келдилар”, -деб бошлари кўкка етди ва опани АҚШда доимо эъзозда олиб юришди.

Муножотхон Невада штатининг Лас Вегас шаҳрида ҳам таълим тизимини мукамал ўрганиб келди.

“Бир пайтлар Тошкентда ўқиб юрганымда, -дейди опа, -рус тилини яхши билмас эдим. Шунда ёзги таътил пайтида рус боғчасида ёз давомида ишлаганман. 2-3 ёшли болалар билан ишлаш жуда қийин эди, лекин энг муҳими мен уялмай; ўша болалардан талаффузимни тўғрилаб олишга уринардим”.

Инсон умри нақадар тез ўтади. Аввалига синфдошларинг билан, кейин эса курсдошларинг билан, ҳамкасбларинг билан талашиб-тортишиб кетаверасан. Бир пайт ортингга ўгирилиб қарасанг: набиранг чопқиллаб келаётган бўлади. Юрагингнинг бир четида эса ушалмаган армонларинг қолаверади. Битта нарсанинг ўзида кўп жиҳатини кўриш, билиш, сезиш - жуда ҳам қийин машғулот. Психологлар шундай тажриба ўтказишибди: кучли ўқувчи тақлиф этилган объектнинг 12 та белгисини, кучсизроғи - 6, энг кучсизи эса 4 белгини эслаб қолибди. Предметнинг умумий белгиларини ҳамма эслаб қола олади, лекин кимдир мукамал, кимдир эса юзаки. Муножотхон опа эса ҳаётда ҳаммасини эслаб қоладиганлар тоифасидан. Умрингиз узоқ бўлсин, опа!

Дилшодахон ДАДАЖОНОВА



Дилшодахон Дадажонова 1949 йил 5 августда Андижоннинг Бўтақора қишлоғида хизматчи оиласида таваллуд топган. 1966 йил мактабни битириб, Кубан Давлат дорилфунунига ўқишга кирди. Рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси дипломини олган Дилшодахон 1971 йил Поп туманидаги 7-ўрта мактабда, кейинчалик шу тумандаги 40-ўрта мактабда ўқитувчи бўлиб ишлади. Дилшодахондаги

ташаббускорлик, ташкилотчилик фазилатларини кўрган туман раҳбарлари уни йўриқчи сифатда ишга таклиф қилишди. Хизмат поғоналаридан аста-секин кўтарилиб борган Дилшодахон ўқишни ҳам унутмади. 1983 йили Москвадаги ижтимоий фанлар академиясига аспирант бўлиб кирди. 1985 йил диссертацияни муваффақиятли ёқлади ва тарих фанлари номзоди илмий даражасига эга бўлди. Соддагина қишлоқлик қиз ўз меҳнати ва тиришқоқлиги туфайли оддий ўқитувчиликдан Ўзбекистон ёшларининг раҳбари даражасига кўтарилди. Дилшодахон опа бугун ҳам биз билан ёнма-ён меҳнат қиляпти. Д. Дадажонова ҳозир Наманган вилояти халқ таълими бошқармасининг бошлиғи. Опани раҳбар сифатида нафақат Наманган вилоятида, балки бутун Республикада яхши танишади. Лекин Дилшодахон опа ҳам бошқалар каби оддий аёл, фарзандларини вояга етказаётган она. “Биласизми, ёзда ишдан бўш вақтимда, помидор, бодринг тузлаб шишага қамайман. Овқат пиширишни, салатлар тайёрлашни яхши кўраман. Ҳатто келинимга ҳам билмаган нарсаларини мулоҳимлик билан, унинг кўнглини чўктирмай секин ўргатиб қўяман”, - дейди опа суҳбатда.

Дилшодахон опа ҳаётида бундан йигирма йилча илгари бўлиб ўтган бир воқеани эслайлик. Сиз яхшилаб мушоҳада қилинг.

Вилоят ёшларининг раҳнамоси бўлган Дилшодахон опа ўз кабинетида ишлаб ўтирарди. Шу пайт эшик тақиллаб, ёши 22-23 ларда бўлган, кўринишидан қишлоқлик бир йигит кириб келди. Салом-алиқдан кейин шу маълум бўлдики, йигит яқинда уйланган

бўлиб, хотини билан жуда аҳил экан. Лекин тўйда келинга тилла узук совға қилиша олмаган ва имкон бўлиши билан олиб беришни айтишган. Афсуски, қизнинг онаси бироз вақт ўтгандан кейин “Тилла узук олиб бермасангиз, қизим бу ерга қайтиб келмайди”, - деб келинчакни олиб кетиб қолган. Куёв оиласининг ҳозир имкони йўқ, нима қилишни билмай қолган. Йигит шу ерга, ёшлар раҳнамоси олдига маслаҳат сўраб келган. Йигитнинг гапини диққат билан эшитиб турган Дилшодахон опа кўлидаги ёқут кўзли узукни шартта суғуриб йигитга берди... “Олинг, буни олиб бориб келинчакка беринг, мендан сизга тўёна”. Гангиб қолган, қулоғигача қизариб кетган йигитга узукни олишга мажбур қилади. Орадан анча вақтлар ўтиб кетади. Узук воқеаси Дилшодахон опанинг эсидан ҳам чиқиб кетган эди. Кабинетдан ҳовлига чиққан опа эшик ёнидаги милиционер кўлида гўдак кўтарган бир чолни ичкарига киритмаётганлигини кўриб қолади. Чолнинг оғзидан ўз исмини эшитиб қолган опа, нима гаплигини билиш учун яқинроқ боради.

“Ота нима ишингиз бор эди?”

“Э қизим, мана бу милисага тушунтира олмаяпман. Сизга бир омонатни олиб келган эдик”. Шундай деб чол нарироқда турган ёшгина жувонга имо қилди. Аёл кўлидаги бир челақ қулупнайни кўтариб келиб, опага узатди. Ҳеч нарсага тушунмаган опа: - “Бизда қулупнай кўп, ота, буни набираларингизга беринг”, - деди.

“Йўқ, йўқ, олинг. Сизга атаб териб келдик. Мана, чақалоғимизни бир кўтариб кўйинг-чи, сизга совғаси бор кўлида”. Чол шундай деб, кўлидаги гўдакни Дилшодахон опага тутқазди. Кўзлари мунчоқдек бўлиб турган жажожигина гўдак, ўнг кўлида, ўша, Дилшодахон опа бир пайтлар куёв йигитга совға қилган ёқут кўзли узукни маҳкам ушлаб турарди.

“Мана бу, келиним, - деди чол, ёнидаги жувонни кўрсатиб, - худога шукур, тиниб-тинчиб кетишди. Шу қизалоқ туғилди. Исмини “Дилшода” кўйдик. Бугун мана сизга катта раҳмат деб, узукни қайтиб олиб келдик. Сиз хавотир олманг. Келинга ўзим узук олиб бердим”.

“Мени йўқлаб келганингиз учун мингдан минг раҳмат, ота. Лекин мен узукни қайтиб олмайман. Мендан шу кичкина Дилшодага совға бўла қолсин. Хўп денг. Менинг кўнглимни чўқтирманг”.

Дунёда яхши одам бўлишга нима етсин, ёмон одамлар шундоқ ҳам кўп. Энг дахшатлиси, баджаҳллик, нафрат, ғазаб, рашик, ҳасад одамдаги инсоний туйғуларни ўлдиради. Шунинг учун бирон нима дейишдан олдин, ўйлаб кўриб кейин гапирган маъкул. “Етти ўлчаб бир кес” деган мақолни эшитгансиз. Яхши одамларнинг ҳаммаси қалбига қулоқ солиб яшайди. Қачон бошқаларга яхшилик қилиш мумкин? Қачонки, қўлингиздан бир иш келса. Келажакда олижаноб инсон бўлиш учун эса бугун илм поғоналаридан аста-секин юқорига кўтарилиб бориш керак, шунда ҳар қандай мақсадга эришилади.



Дилоромхон БОБОХОНОВА

Талабалик остонасига қатъий мақсад билан қадам қўйган Дилоромнинг II курслик даври. Деканатдан унга Бухорода бўладиган фан олимпиадасига боришини айтишганда қувончи чексиз бўлди. БДУнинг ҳашаматли залида профессор Ҳамид Неъматов олимпиада қатнашчиларига “Фахрий ёрликлар” топширади. Унинг : “Сиз ёшлар тилшунослик фанининг келажагисиз!” деган хитоблари Дилоромни тўлқинлантириб юборади. У янада кўпроқ китоб ўқир, талабалар конференцияларида қатнашарди.



Ҳаммаёқ жимжит, осуда, фақат бўрнинг тиқирлаши эшитилади. Аудиторияда имтиҳон кетмоқда. Якуний Давлат имтиҳони. Талаба доскага мисолни ва унинг таҳлилини ёзиб бўлди. Имтиҳончилар бирин-кетин савол бера бошладилар. Талаба барча саволларга тез ва аниқ жавоб қайтарарди. Имтиҳонга Андижондан раис бўлиб келган профессор Иномжон Расулов Дилоромнинг жавобларидан хурсанд бўлиб кетди ва “аъло” бу қизимга, тиришқоқлиги, зукколиги сабабли бу қиз ҳали аспирантурада ҳам ўқийди, илмий иш ҳам қилади, - деди.

Дарҳақиқат, ҳаёт Дилоромни илмнинг машаққатли йўллариغا бошлади: у 27 ёшида олима бўлди.

Дилором Ахматхоновна Бобохонова 1958 йил 23 январда Наманган шаҳрида хизматчи оиласида туғилган.

Дилором ўзининг бу даражага етишида отаси - олий тоифали врач Бобохонов Ахматхон Ахунбаевичнинг, онаси - ҳамшира Бобохонова Тошхон Бозорбоевнинг хизматлари беқиёс, деб билади. Ота-онаси ақлли, иродали, меҳрибон ва меҳнаткаш инсонлар бўлишган.

У устозлари филология фанлари номзодлари Т. Акромов, А. Абдуллаев, Т. Нуъмонов, Б. Турдиалиевларнинг шогирди бўлгани билан гурурланади.

1976 йили 4-ўрта мактабни тамомлаган Дилором Бобохонова шу йили Ҳ. Ҳ. Ниёзий номли НДПИ тарих-филология факультетининг ўзбек тили ва адабиёти бўлимига ўқишга кириб, 1980 йили институтни имтиёзли дипломга тамомлайди. Шу факультет қошида янги очилган БТМ кафедрасида иш бошлайди,

айни пайтда илмий ишга мавзу олиб, номзодлик минимумларини топшириб боради. 1982-1986 йилларда Тошкентдаги Ўзбекистон Тил ва адабиёт институти қошидаги мақсадли аспирантурада ўқийди. 1987 йили филология фанлари доктори, профессор А. З. Ҳожиев раҳбарлигида “Ҳозирги ўзбек адабий тилининг расмий-иш услуги” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилади.

Ишнинг мавзуси долзарб бўлиб, ўша пайтгача ўзбек тилшунослигида, ҳатто туркологияда илмий жиҳатдан алоҳида ўрганилмаган эди. Унда расмий-иш стилининг, умуман, функционал услублар доирасида тутган ўрни, унинг бошқа нутқ стилларига муносабати, ўзига хос лингвистик белгиларини ўрганиш биринчи марта диссертант томонидан амалга оширилди. Шу жиҳатдан ҳам иш назарий, ҳам амалий аҳамиятга моликдир.

Изланишнинг натижаларидан ҳозирги ўзбек адабий тили, назарий ва амалий услубият, нутқ маданиятига доир ўқув қўлланмалари тузишда ҳамда олий ўқув юртларининг филология, журналистика факультетларида маъруза ва махсус курс, семинарлар ўтишда фойдаланиш мумкин.

Д. А. Бобохонова 1986 йилдан ўзбек тилшунослиги кафедрасида ўқитувчи, катта ўқитувчи, доцент вазифаларида ишлайди.

“Ҳозирги ўзбек адабий тилининг расмий иш услуги” номли монографиясини нашрга тайёрлади, бундан ташқари қатор мақолалар эълон қилмоқда.

1993 йили Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация ҳайъати Бобохоновага Ўзбек тилшунослиги бўйича доцент илмий унвонини берди.

Олима “Тилшунослик ва табиий фанлар”, “Ижтимоий тилшунослик”, “Ўзбек нутқи маданияти” фанларидан маъруза ва амалий машғулотлар олиб боради. Унинг ҳамкорликдаги “Мақол ва ҳикматлар она тилимиз дуру жавоҳиридир” номли илмий методик қўлланмаси китобхонларга манзур бўлди.

Бобохонова ҳозирда тилшуносликнинг нутқ маданияти соҳасида илмий изланишлар олиб бормоқда.

У фарзандлари Акрамали ва Дурдонаҳонларнинг ҳам эл ҳавас қиладиган комил инсонлар бўлиб етишишларини орзу қилади.

Надежда КУЗНЕЦОВА

Талабалар ўз устозларининг барча хусусиятларини яхши билишади. Улар ўқитувчининг кайфиятига қараб, у бугун қандай дарс ўтади, нима сабабдан жаҳли чиқади ва нимадан хурсанд бўлиши мумкинлигини, билим савияси қандай, кийиниши, юриш-туриши - ҳамма - ҳаммасидан хабардор бўлишади. Надежда Мироновна, талабалар фикрича, ҳар соҳада мукамал эди. Унинг дарсларида талабалар доим катта қизиқиш билан ўтиришади. Надежда Мироновна сира ҳам овозини кўтармайди, “айбдорларга” қаттиқ тегмайди ва ҳеч қачон дарсдан чиқариб юбормайди. У ёш қалбларни забт этувчи ажойиб бир фазилатга эга. Кийинишида, ўзини тутишда, овозида ички дунёсида ва ташқи кўринишида бошқаларга намуна бўладиган ўқитувчилардан. Энг асосийси, Надежда Мироновна жуда яхши педагог.



1947 йилнинг 12 августида Наманган вилояти Учқўрғон туманидаги Қўғай қишлоғида туғилган Н. М. Кузнецова 1970 йили Наманган Давлат педагогика институтини битириб, 1971 йилдан шу ерда рус тили ва адабиётидан талабаларга дарс бериб келяпти. Опа 1988 йил “Миллий гуруҳларда талабаларнинг оғзаки нуқтини ўстириш кўникмаларини назорат қилиш системаси” мавзусида диссертация ҳимоя қилди. К. Н. Мироновна шу соҳага катта эътибор бериб, 15 дан ортиқ илмий ва амалий қўлланмалар яратди. Диссертацияси ҳам миллий гуруҳларда таълим олаётган талабалар учун қўлланма бўлиб хизмат қиляпти.

Шу ишлар қаторида Надежда Мироновна оналик бурчини ҳам унутмади.

Икки ўғилни тарбиялаб, вояга етказди. Иккала ўғли ҳам олийгоҳларда ўқишди.

Улардан бири врач, иккинчиси менежер бўлиб ишляпти.

Собиқ Иттифоқ парчаланиб кетгандан кейин, кўплаб рус миллатига мансуб кишилар бу ердан жўнаб кетишди. Лекин Надежда Мироновна Кузнецова шу ерда қолди.

"Ўзбекистон менинг ватаним, - дейди у. - Мен шу ерда гугилганман. Шу ерда ўқидим, олим бўлдим. Умримнинг охиригача халқимизга хизмат қиламан!"

Н. М. Кузнецова айни кунларда НамДУнинг рус тилшунослиги кафедрасида доцент вазифасини бажарувчи лавозимида ишламоқда. Шу билан бирга жамоатчилик ишларида ҳам фаол иштирок этади. Академик гуруҳ раҳбари. Имконият даражасида илмий ишларини ҳам давом эттиряпти.

Унинг ижодий фаолиятини кузатиб: "Ўқитувчи қалбида қуёшнинг жўшқин ҳарорати, иродаси, пўлатнинг чидами, узоқни кўра оладиган бургутдек ўткир кўзи, ойнинг шаффоф нуридек ақл чироғи, зилол чашмадек, туганмас меҳр ва билим булоғи бўлмоғи керак" лигига яна бир бор амин бўлдик.



Замирахон ЖАМОЛОВА

Инсон ҳаёти ҳамиша ҳам бир текисда кетавермайди. Баъзан тақдирнинг шундай оғир зарбаларига дуч келинадик, бундан одам эсанкираб қолиши, тушкунликка тушишиш, дунё эса кўзига тор бўлиб кўриниши мумкин. Аммо ана шу зарбаларга дош бериб, сабот ва матонат билан олдинга интилган инсонлар чин маънода бахтлидирлар.

Ҳаётнинг турли сўқмоқларидан ўтиб, нурли келажакка етиб олган қалби меҳрга тўла, зукко, матонатли аёл Замирахон опанинг сўзларини тинглаб, таъсирланасиз:

“Мен 1959 йил 4 августда Наманган шаҳрида хизматчи оиласида таваллуд топдим. Отам Жамолов Салоҳиддин филология фанлари номзоди, доцент бўлиб, НамДУ да 50 йил ишлаганлар. Ҳозирда кексалик гаштини суриб, фарзандларига бош бўлиб юрибдилар. Онам, жойлари жаннатда бўлсин, уй бекаси эдилар. Илоҳим, охираглари обод бўлсин.

Мен 5-фарзанд эдим. Ўрта мактабни тугатиб, 1975 йилда Наманган Давлат пединститутининг физика-техника факультетига ўқишга кирдим.

1980 йилдан институтнинг физика-техника факультетида иш бошладим. Мен устозларим даврида ҳаёт қийинчиликларини энгишни ўргандим. Олдимга аниқ мақсад қилиб илмий иш қилишни режалаштирдим. Отам ҳам менинг астойдил ўқимоқчи эканлигимни кўриб, илмий иш қилиш, айниқса рус тилида осон эмаслигини айтдилар. Менга 2 баробар қийин бўлишини тушунтириб, агар илмий иш бошлаб, охирига етказа олмасам, ҳамма устимдан кулишини айтдилар. Мен эса барча қийинчиликларга чидашимни, албатта ёруғ юз билан қайтишга ҳаракат қилишимни айтдим. Отам рози бўлдилар. Отам кўринишидан жуда қаттиққўл бўлсалар-да, аслида жуда меҳрибон кишилар. Ўзлари юракларининг хасталигига қарамай мен билан Москвага бордилар. Мени таниш хонадонга жойлаб, Москва педагогика институтига бошлаб бордилар. Илмий раҳбарликка физика ўқитиш услубиёти кафедрасининг мудирини (ҳозирда доктор, профессор) Н. С. Пуришевани тавсия қилинди. Биз Н. С. Пуришева билан учрашдик



ва илмий иш мавзусини тасдиқлатиб, иш бошладик. Мавзу: "Педагогика институтларини битирувчи бўлажак физика ўқитувчиларини қишлоқ ПТУларида (ҳозирги коллежларда) ишлашга тайёрлаш" эди. Бу жуда долзарб мавзу бўлиб, педагогика институтларида бўлажак ўқитувчиларга ПТУ лар ҳақида маълумот берилмас, ўзига хос ўқитиш услубларини ўргатилмас эди. Лекин ПТУларда фан ўқитувчиси бўлиб айнан институтларни тугатганлар ишлар эди. Шундай қилиб мен астойдил ўқишни бошлаб юбордим. Инглиз тили, фалсафа ва мутахассислик бўйича имтиҳонларни топшириб, илмий ишимни ёзишга киришдим. Кундузи кутубхонада ишлар эдим. Кечқурунлари тўпланган материалларни тартибга солиб, машинкада оққа кўчирар эдим. Илмий раҳбарим ҳам менга алоҳида меҳрибонлик ва талабчанлик билан қарар эди. Натижада 1988 йилда илмий ишим ниҳоясига етди. Кафедрада муҳокама қилиниб, илмий кенгашга тавсия қилинди. Илмий кенгашга ишни топшириб, автореферат ёздим.

Хуллас, мен учун унутилмас, ҳаяжонли дақиқа 1989 йил 5 июлга белгиланди ва шу кунни Москва давлат педагогика институтининг Илмий Кенгашида педагогика фанлари номзодлигига бир овоздан тасдиқландим. Оиламдагиларнинг барчаси, айниқса, отам ва онам бундан жуда хурсанд бўлишди. Мен ёруғ юз билан уйга қайтдим.

Мана ҳозирги кунда 7 та фарзандга қўлдан келганича оналик меҳрини бериб, оқ-ювиб тараб, тўйлар қилиб, бош бўлиб юрибман. 2 та қизимиздан 2 тадан 4 та набира, 1 та ўғлимиздан ҳам 2 та набира кўрдик. Фарзандларимизнинг 4 таси олий маълумотли. Қолган 3 таси ўқувчилар. Дунёда инсондан фақат яхшилик қолар экан. Қўлдан келганича яхшилик қилавериш керак экан. Мен 2002 йилда Америка Халқаро Ривожланиш Агентлиги (USAID) томонидан молиялаштирилган Каунтерпарт Консорциумнинг кичик грантини ютиб олдим. Бу маблағ билан маҳалладаги аёллар ва қизларга ҳунар ўргатадиган марказни ташкил этдим. Маҳалладагилар бундан хурсанд бўлиб, дуолар қилишди. Олтин олма, дуо олгин дейишган-ку ахир. Ҳозирги кунда шу марказни ривожлантириб, қишлоқдагиларга ёрдам бермоқчиман".

Ўзгаларнинг ташвиши ва қувончларига шерик бўлиб яшаш, бошқалар қалбидаги оғриқни ҳис қилиш ва унга ёрдам қўлини чўзиш-Замирахоннинг энг юксак фазилати.

Мавлуда ИСМОНОВА

1956 йилда Наманган шаҳрида туғилган. 1979 йили Москва Давлат педагогика институтининг рус тили ва адабиёти факультетини тугатди. Унга рус тили ва адабиёти ўқитувчиси мутахассислиги берилди.

1979 йил август ойидан ўша йилнинг ноябригача у Наманган шаҳридаги 30-ўрта мактабда, 1979 йил декабр ойидан бошлаб НДПИ рус ва чет эллар адабиёти кафедрасида ишламоқда.

1989 йили М. Исмонова Москва Давлат педагогика институти қошидаги кундузги аспирантурани тугатди. 1989 йили номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Аспирантурада ўқиган йиллари М. Исмонова педагогик амалиётни муваффақиятли ўтди, кандидатлик минимуми имтиҳонларини топширди ва Москва шаҳрида ўтказилган қатор илмий анжуманларда ўз маърузалари билан қатнашди.

“В.П. Полонскийнинг адабий танқидчилик фаолияти” мавзусидаги номзодлик диссертациясининг назарий аҳамияти шундан иборатки, унда таниқли адабиётшунос ва танқидчи В. П. Полонскийнинг кўпчиликка адабиётшуносликда маълум бўлмаган адабий тахаллуслари ва ушбу тахаллуслар билан чоп этилган асарлари топилганлиги изоҳланган. Бу эса ўз навбатида В. П. Полонский асарларининг тўлиқ рўйхатини ишлаб чиқишга имконият беради.

Бундан ташқари олиманинг тадқиқоти катта амалий аҳамиятга ҳам эгадир. Ушбу илмий ишнинг натижалари 20-йиллар адабий жараёнини тадқиқ этишда, адабий энциклопедиялар ва адабий тахаллуслар луғатларига сезиларли қўшимчалар киритишда қўлланилиши ҳамда дарсликлар, ўқув қўлланмалари тузишда, диплом, курс ишлари ёзишда фойдаланилиши мумкин.

М. М. Исмонова 10 га яқин илмий мақолалар чоп эттирган.

Ҳозирги пайтда М. М. Исмонова НамДУ чет эл адабиёти кафедраси доценти лавозимида ишламоқда ва XX аср адабий



жарағни муаммолари бўйича ўз илмий изланишларини давом эттирмоқда.

Шу билан бирга М. М. Исмонова бир қатор жамоатчилик ишларини ҳам бажармоқда. У рус тили ва адабиёти факультети Олимлар Кенгашининг аъзоси сифатида факультетдаги ташкилий ишларда фаол қатнашади, рус тили ва адабиёти бўйича Республика олимпиадаларини ташкил этиш ва ўтказиш масалалари билан шуғулланувчи ташкилий қўмита аъзоси бўлиб, олимпиаданинг холис ва адолатли ўтишига ҳисса қўшмоқда, чет эллар адабиёти кафедрасининг ўқув ишлари бўйича масъул ҳам ҳисобланади ва ўқув гуруҳи раҳбари сифатида катта ҳажмдаги ташкилий ва тарбиявий ишларни амалга оширмоқда.

У раҳбарлик қилаётган гуруҳ факультет мавқесининг ошишига таъсир қилмоқда.



Елена ЧЖЕН

Елена Витальевна Чжен 1961 йил 10 апрелда Наманган вилоятининг Учқўрғон туманида таваллуд топган.

1982 йил Наманган Давлат педагогика олийгоҳининг рус тили ва адабиёти куллиётини аъло баҳоларга битирди.

“Рус адабиётини мактабларда байналминал руҳда ўтиш муаммолари” мавзусида диссертациясини 1990 йилда

ёқлади ва педагогика фанлари номзоди илмий даражасини олди.

Елена Витальевна умумий педагогик стажининг 20 йилини мазкур дорилфунунда ўтамоқда. Айни кунларда у Наманган Давлат университети рус тили ва адабиёт факультетининг чет эллар адабиёти кафедраси доценти ҳисобланади.

Олима “Адабиёт ўқитиш методикаси” бўйича маъруза курсини, амалий ва лаборатория ишларини олиб бормоқда. XIX аср рус адабиётига доир махсус семинарларини ўтказди, талабаларнинг амалий ишларига раҳбарлик қилади, унинг бошчилигида талабалар диплом ишларини муваффақиятли ёқламоқдалар. Ҳар йили олий ўқув юртларида илмий - амалий конференцияларда иштирок этади.

Е. В. Чжен 100 дан ортиқ мақола муаллифидир. Унинг кўпгина ишлари Москва, Бишкек, Наманган ва бошқа бир қатор шаҳарлардаги газета-журналларда, илмий тўпламларда чоп этилган. Унинг бутун меҳнат фаолияти талабаларга рус тили ва адабиёт фанини чуқур ўргатишга бағишлангани билан характерлидир.

Елена Витальевна университет рус тили ва адабиёт факультети деканининг тарбиявий ишлари бўйича ёрдамчиси.

Еленанинг ота-боболари Приморье ўлкасидан Учқўрғондаги Қўғай қишлоғига кўчиб келишган.

Унинг бобоси Тек Алексей бошланғич синф ўқитувчиси бўлган. Онаси Ким Антонина Борисовна Намангандаги педагогика институтининг рус тили факультетида декан ўринбосари бўлиб ишлаган.



Еленанинг ўзи ҳам Намангандаги 34-мактабни олтин медалга битирган. Институтни эса қизил дипломга тугатган.

Елена Витальевна - меҳрибон ва кўнгилчан аёл. Факультетда уни "Студентларнинг дўсти" деб чақиришади. Чунки ҳар қандай студент Еленага нафақат ўқиш, балки шахсий масалада ҳам муурожаат қилиши мумкин. Е. Витальевна ниҳоятда кузатувчан аёл. Студентлар кайфиятидаги ўзгаришларни дарҳол сезиб олади ва ёрдам беришга шошилади. Еленадан ҳеч нарсани беркитиш мумкин эмас, гўёки сенинг фикрларингни ўқиб олиб, нима қилишингни олдиндан биладигандай туюлади. У лекцияларни ниҳоятда қизиқарли ўтади. Бунча ишларга қаердан куч олаётганига ҳайрон қоласан киши.

Биз унинг бундан кейинги фаолиятига ҳам куч-қувват тилаймиз.



Саломатхон КАРИМБОЕВА

1948 йили 24 июнда Наманган вилояти Янгиқўрғон тумани Нанай қишлоғида туғилган.

1966 йили Заркент қишлоғидаги 30-ўрта мактабни битирди.

1967 йили Андижон бухгалтерлар тайёрлаш мактабини тугатган.

1969 йили ТошДУнинг тарих факультетига ўқишга кирди.

1971 йилда турмушга чиқади ва ўқишни сиртдан давом эттиради.

1975 йили ўқишни битириб, Наманган шаҳридаги 16 ва 11-мактабларда тарих ўқитувчиси бўлиб ишлайди.

1979 йилдан ТошПИНинг Наманган филиали (ҳозирги НамПИ)да ижтимоий фанлар кафедрасида кабинет мудирининг лавозимида иш бошлаган. Илмга бўлган иштиёқи уни турмуш иқирчиқлари билан ўралашиб қолишига йўл қўймади. Оилада меҳрибон она, саришта аёл бўлса, олийгоҳда зукко муаллима, жонкуяр устоз, заҳматкаш олимага айланди.

1991 йилда тарих ихтисоси бўйича “Чор Россиянинг Ўрта Осиёни босиб олиши ва ижтимоий-иқтисодий оқибатларининг тарихий адабиётларда ёритилиши” мавзусида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

1993 йилдан Ўзбекистон тарихи кафедрасида 2000 йилдан “Ўзбекистонда демократик жамият қуриш” назарияси ва амалиёти кафедраси доцент лавозимида ишлаб келмоқда.

С. Каримбоева 30 дан ортиқ илмий, илмий-услубий мақолалар муаллифи. Олима институт хотин-қизлар кенгаши раиси сифатида катта ташкилотчилик ва тарбиявий ишлар олиб бормоқда.

У ҳаётда не яхши кунлар бўлса, кўрди, қийинчилик, ғам-андух ҳам уни четлаб ўтмади. Барчасини сабр-тоқат, бардош билан енгди. Турмуш ўртоғи Қутбиддин ака аёлига тиргак, яқин суянч бўлди. Йиғлаганда юпатди, йиқилганда турғазди. Мана, барча қийинчиликлар ортда қолди. Опа бугун институт аёлларининг сардори, хотин-қизлар кенгаши раисаси. Ҳаммага бош-қош,



ҳамдам, ҳамнафас. “Меҳнат фахрийси”, “Юбилей” медали соҳибаси, маҳалла фаоллари аъзоси, шаҳар хотин-қизлар кенгаши аъзоси, вилоят олима аёллар кенгаши раисасининг муовини. Ҷамоат ишларидан, талабаларга фан сирларини ўргатишдан ҳеч қачон чарчамайди. Адашганларга йўл кўрсатса, муҳтожларга ёрдам қўлини чўзади. Кўп йиллик ҳаёт тажрибаси, билими, ақли-дроки уни ҳеч қачон алдамайди. Одамлар орасида, жамоа ўртасида ҳамиша иззат-ҳурматда. Узоқни кўзлаган опа машаққатлардан чўчимайди. Гарчи 2002 йилдан нафақада бўлса ҳам жонажон жамоасидан кетгиси йўқ. Сафдошлари билан баробар қадам ташлаб ишламоқда. 33 йиллик оилавий ҳаёт унга туганмас бахт ва бири-биридан ширин 3 фарзанд ато этган. Опа уларнинг келажагида ўз орзуларини кўради. Шунинг учунми қизи Умида онасининг йўлини тутган, ўқитувчи. Ўғли Сардорбек эса Ватанимиз сарҳадларини ҳушёрлик билан қўриқлаётган чегарачи-зобит. Кенжа қизи Нилуфархон эса ўз бахтини оила бекалигидан топган. Саломатхон опа бугун шириндан-шакар 4 набиранинг бувиси. Ҳозир Саломатхон опа иш фаолиятининг авж пардасида. Устозга мустаҳкам соғлиқ, ижодий парвозлар тилаб шундай деймиз:

Дил уммонингиз ҳозиргидек мусаффо ва тиниқ бўлсин! Қалб уммонингиз ҳамиша мавжланаверсин! Бу уммондан келажакда яна жуда кўплаб шогирдларингиз баҳраманд бўлсин.



Дилбархон АЛИЕВА

1957 йил 28 октябрда Наманган шаҳрида туғилган. 1975 йилда ўрта мактабни имтиёзли тугатиб, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат олийгоҳининг механика-технология факультетига ўқишга киради.

1980 йилда институтни имтиёзли диплом билан тугатади.

1980-82 йилларда Наманган тўқимачилик техникумида ўқитувчи бўлиб ишлайди.

1982 йилда Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг Наманган филиалидаги “Тўқимачилик саноат технологияси” кафедрасига катта ўқитувчи бўлиб ишга келади.

1986 йилдан 1989 йилгача Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти аспирантурасида илмий ишларини давом эттиради.

1991 йилда профессор У. М. Мадмусаев раҳбарлигида илмий ишини муваффақиятли ёқлаб, техника фанлари номзоди илмий даражасига эга бўлди. Ўтган 25 йилдан ортиқ давр доцент Д. Алиева учун самарали бўлди. Шу давр мобайнида олима 50 дан ортиқ илмий мақолалар чоп эттирди. У илмий педагогик фаолиятини тўғридан тўғри шу институт ва қолаверса, Москва, Иваново, Санкт-Петербург сингари саноат марказлари таниқли олимлари билан жуда яқин ҳамкорлик асосида олиб борди. Олиманинг яратган илмий кашфиёти Тошкент, Марғилон ва Наманган ипакчилик фабрикаларида тўла қўлланилиб, иқтисодий самарадорликка эришиб келиняпти.

Баркамол авлод тарбиялаш борасида институтда олиб борилаётган кенг кўламли ишларда Д. Алиеванинг алоҳида ўрни ва ҳиссаси бор. Бугунги кунда Дилбархон хизмат вазифасидан ташқари жамоатчилик ишларида ҳам фаол иштирок этади. ХДП институт бошланғич ташкилоти котибаси, вилоят олималар кенгаши аъзоси, илмий кенгаш қошидаги тўқимачилик йўналиши бўйича семинар илмий котиби сифатида ҳам обрў-эътибор қозонган. Д. Алиева техника фанлари бўйича вилоятда ҳозирча ягона олима.



Унинг бирдан-бир орзуси маҳаллий қизлардан тўқимачилик мутахассислиги бўйича олималар сафини кенгайтириш.

XV асрда Хиротда яшаган Ҳусайн Воиз Кошифий “Футувватномаи султония” номли рисоласида устоз ва шогирд муносабатлари ҳақида қуйидагиларни баён қилганди: “Ҳеч бир иш устозсиз амалга ошмайди. Агар кимки бир ишни устозсиз қилса, у ишнинг асоси мустаҳкам бўлмайди. Киши қандай мартабага эришмасин, агар унинг мақбул раҳнамо устози бўлмаса, иши бирор натижа бермайди ва арзимас бўлади”. Доноларимизнинг ана шу ҳикматларига амал қилгани боис Дилбархон доимо ёш, иқтидорли тадқиқотчилар билан яқка тартибда ишлаш, диплом иши ҳимояларига илмий оппонентлик қилиш, тақризлар ёзиш, текшириш аниқлаш, маслаҳатлар бериш каби ишлар билан машғул. Олима аёл 2000 йилда “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим аълочиси” кўкрак нишони билан тақдирланган.



Маъмурахон ЖАМОЛОВА

У Наманган шаҳрида 1957 йил 7 апрелда зиёли оиласида таваллуд топди. Уларнинг оиласи Наманган шаҳрида маърифатпарвар оила сифатида маълум. Оталари Салоҳиддин Жамолов республика миқёсида таниқли олим, наманганлик биринчи бобуршунос тадқиқотчи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, халқ таълими аълочиси: Оилада улар 9 фарзанд. Барчалари ота изидан бориб, келажагимиз эгалари бўлган ёшларга таълим-тарбия беришдек шарафли касб эгаси-педагоглар бўлиб етишдилар.



Уларнинг ҳар бир оилавий йиғинларини яхшигина педагогик кенгашга қиёслаш мумкин. Оилада келинлардан тортиб набираларгача илм йўлидан боришмоқда. Оиладаги педагогик муҳит фарзандларни ҳам илмни қадрлашга ўргатган.

Маъмурахон 1972 йили мактабни битириб, Наманган мактабгача тарбия педагогика билим юртида ўқишни давом эттирди ҳамда имтиёзли диплом билан муваффақиятли тамомлади. Илмга бўлган интилиш, ота касбига бўлган ҳурмат ва ихлос туфайли 1976 йил Наманган Давлат педагогика институтининг тарих-филология факультетига ўқишга кирди, ўзбек тили ва адабиёти бўлимини битирди. 1989 йилгача Наманган шаҳридаги 22-ўрта мактабда ўзбек тили ва адабиёти фанидан дарс берди.

Мактабдаги ўқитувчилик фаолиятида илғор ўқитувчиларнинг иш тажрибаларини ўрганишга, янги педагогик технологияни дарс жараёнига татбиқ этишга интилди. Шаҳар ва вилоят педагогик ўқишларида иштирок этиб, республика педагогик ўқишига тавсия этилди.

1987 йили XIV республика педагогик ўқишларида иштирок этиб, халқ таълими вазирлигининг фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

Ўқитувчилик даврида мутахассислигига оид илмий адабиётларни мунтазам ўрганиб, матбуот ва илмий тўпламларда мақолалари билан иштирок этди. "Мактабда она тили таълими самарадорлигини ошириш" мавзусидаги илмий мақоласи республика миқёсидаги илмий тўпламга киритилди.

1989 йилдан Наманган Давлат университетининг бошланғич

таълим методикаси кафедрасида, 1992 йилдан бошлаб филология факультети ўзбек адабиёти кафедрасида катта ўқитувчи, доцент лавозимларида ишлади.

Ота изидан бориш, отаси сингари мумтоз адабиёт сирларини ўрганиш орзуга айланди. Наманган Давлат университетида ўтказиладиган илмий - назарий анжуманлардаги иштироки орзусининг мақсадга айланишига йўл очди.

Маъмурахон ота изидан бориб, ўзбек мумтоз адабиётининг сирларини тадқиқ қилишга киришди. Ниҳоят, 1994 йил Ўзбекистон Фанлар Академияси қошидаги А. Навоий номидаги адабиёт илмий-тадқиқот институтининг “Адабиёт тарихи” бўлимида филология фанлари доктори Содир Эркинов раҳбарлигида “XIV-XV аср ўзбек номаларининг жанр хусусиятлари” мавзусида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилиб, филология фанлари номзоди илмий даражасига эга бўлди.

Ушбу ишни юзага чиқаришда, аввало, ота-онаси, оиласи, ҳамкасблари, устозлари самимий ва беғараз ёрдам беришди. Аёл кишининг бир вақтнинг ўзида ўқитувчи, тадқиқотчи она вазифасини уддалай олиши оила, болаларнинг ташвишларидан ортиб илмий иш қилиши осон иш эмас. Фақат ирода, сабр ва меҳнат билангина мақсадга эришиш мумкин.

Маъмурахон ҳамиша тўғри тушунадиган, оққўнгил одамларга суяниб, уларнинг меҳр ва мададларидан баҳра олиб яшаётганлигидан мамнун. Асосийси, ота касбини эгаллади, отаси изидан бориб, адабиётшунос олима бўлди. Шунинг ўзи ҳам катта бахт. Илмий изланишларини давом эттирмоқчи. Ҳозирга қадар 20 га яқин илмий мақодалари чоп этилди. Илмий иши мазмуни илмий-оммабоп рисола тарзида китоб ҳолида нашр этилган. Яна янги рисола яратиш устида иш олиб бормоқда.

Турмуш ўртоғи Раҳимов Абдуллажон инженер-технолог ихтисослигига эга. Шу билан бирга адабиёт ихлосманди. Матбуот саҳифаларида шеърлари чоп этилган. Битта шеърини тўплами нашр этилган.

Маъмурахон беш фарзанднинг меҳрибон онаси. Бир фарзанди - ўқитувчи. Ота касби бўлган ўқитувчиликни ардоқлагани боисми, ота изидан боргани сабаблими ҳар қалай маҳалладагилар, мактаб ва университет талабалари орасида “оя” деган номга сазовор бўлди. Ҳамкасблари даврасида янги илмий изланишлар иштиёқида таълим-тарбия соҳасига қўлидан келганча ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Нодирахон УСМОНОВА

1967 йил 1 майда Наманган шаҳрида таваллуд топган.

Ўрта мактабни аъло баҳолар билан битиргач, Наманган Давлат педагогика олийгоҳига ўқишга кирди.

Илмга чанқоқлик уни Москвага - Н. К. Крупская номли педагогика институти аспирантурасига етаклади. У бу ерда тарбияси оғир бўлган ўсмирларни касбга йўналтириш бўйича илмий иш билан шуғулланди. Тўрт йиллик машаққатли



меҳнат самараси шу бўлдики, диссертацияни муваффақиятли ёқлади. Унинг ғоятда долзарб, айна пайтда узоқ изланишлари меваси сифатидаги илмий ишига етакчи олимлар юксак баҳо беришди. Дарҳақиқат, илмий ишнинг аҳамияти ғоятда катта. Ёшларни ишга йўналтиришда у ҳамон ўз долзарблигини йўқотгани йўқ.

Талабаларга чуқур билим бериш билан бирга илмий изланишларини давом эттирмоқда. Ёшлар ва талабалар ҳузурида, маҳаллаларда тез-тез бўлиб, учрашувларда маърузалар билан чиқиб туради. Факультет жамоат ишларида фаол иштирок этади.

Олиманинг ёшлар тарбиясига доир ўнлаб мақола ва рисоалари вақтли матбуот саҳифаларида, тўпламларда чоп этилган.

Икки оғиз сўз олиманинг оиласи ҳақида.

Турмуш ўртоғи Илҳомжон Раҳимов фан номзоди, Наманган саноат-технология олийгоҳи доценти.

Икки олим ҳам вилоятда фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, мустақил республикага малакали мутахассислар етказиб беришдек шарафли ишда ҳормай-толмай меҳнат қилишяпти.

Эшитганимиз бор: Ҳазрат Алишер Навоий отда сафарга кетаётганида олдидан чиққан ёш болани кўриб, уловдан туша солиб, узоқ ҳол-аҳвол сўрашган экан. Бундан таажжубланиб савол назари билан боққан мулозимларга эса бобомиз, бу бола устозларининг пушти камари эканини билдирибди... Мазкур

ибратомуз ривоятни ўқиган, эшитгансиз. Бироқ ушбу ҳикмат таг замирига эътибор қаратган, ундан ўзига хос хулоса чиқара олганмизми? Зеро, ўз қалами ила дунёни лол қолдирган Алишер Навоийдек алломанинг бир болага шунча иззат-икром кўрсатиши мулозимларни таажоубга солганича бор-да.

Дарҳақиқат, устоз буюклар ичра буюк зот. Зотан, ҳазрат Навоий, Ибн Сино, Форобий, Хоразмийларнинг ҳам илм оламига илк тетапоёлари оддий ўқитувчи, устоз кўмагида ташланган. Ўқитувчи-машъала. У ўзи ёниб, ўзгалар йўлини ёритишга умрини бағишлаган фидойи.

Ана шундай фидойи ўқитувчи Нодирахонга бундан-да катта куч-қувват тилаймиз.



Манзурахон МАҲМУДОВА

Наманган давлат университети география кафедрасининг доценти Манзурахон Маҳмудова 1956 йил Чуст тумани Олмос қишлоғида хизматчи оиласида туғилди.

1973 йилда тумандаги 14-ўрта мактабни аъло баҳоларга тамомлагач, 1977 йилда Наманган Давлат педагогика институтининг география-биология куллийетини имтиёзли диплом билан тугатди. География кафедрасида 1977 йилдан ўқитувчи, 1987 йилдан катта ўқитувчи бўлиб ишлайди. Айни вақтда талабаларга “Хорижий мамлакатлар ижтимоий-иқтисодий географияси” ва “Сиёсий география”, “Вилоят географияси” фанлари сирларини меҳр билан ўргатиб келмоқда.

Манзурахон Маҳмудова 1985-93 йилларда ишдан ажралмаган ҳолда “Фарғона водийсида боғдорчилик-узумчилик ривожланишини ва ҳудудий ташкил қилишни такомиллаштириш муаммолари” мавзусида номзодлик диссертацияси устида илмий изланишлар олиб борди.

1993 йилда Тошкент Давлат университети ихтисослашган илмий кенгашида иқтисодий ижтимоий география ихтисоси бўйича диссертация ишини ўзбек аёлларидан Республикамизда биринчи бўлиб муваффақиятли ҳимоя қилди ва география фанлари номзоди илмий даражасини олди. Олима илмий-ижодий фаолияти давомида 30 дан ортиқ илмий, услубий ва илмий оммабоп мақолаларини эълон қилдирган. Жумладан, “Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши асослари”дан курс иши ёзиш учун услубий тавсия ва темалар (Наманган-1988 й), “Араб тили мамлакатлари ижтимоий ва иқтисодий географиясининг ўқув дастури” (Наманган-1994 й), “Наманган вилояти олималари” (Наманган 1996, К. Иномова билан ҳамкорликда) каби. Ҳозирги кунда олима “Фарғона агросаноат ишлаб чиқариш, ривожланиши ва ҳудудий ташкил қилиш муаммолари” мавзусида докторлик диссертацияси устида илмий иш олиб бормоқда.

М. Маҳмудова талабаларга сабоқ бериш, илмий изланиш олиб бориш билан бирга жамоат ишларини ҳам бажариб келмоқда,



университет хотин-қизлар кенгаши, вилоят олималар уюшмаси ишларида фаолият кўрсатмоқда.

Талаба қизлар доимо ҳавас билан устозларига ўхшашни орзу қилишларини айтишади. Бу бежиз эмас. Чунки Манзурахон опани чинакам бахтли инсон деб айтиш мумкин.

Турмуш ўртоқлари ҳуқуқшунос Набижон ака Фаёзов билан салкам 30 йилдан бери бахтли ҳаёт кечиришмоқда. Икковлари аҳилликда икки фарзандни катта қилиб вояга етказишди.

Ўғиллари Улуғбек Тошкент Давлат миллий университетини тамомлаб, ота изидан борди. Ҳуқуқшунос бўлиб ишламоқда, икки фарзанднинг отаси.

Қизлари Нилуфархон ҳам ҳуқуқшунос. Унинг ҳам икки фарзанди бор.

Куёвлари Хуршиджон дунёда энг ривожланган давлат АҚШда таҳсил олган, молиячи. Келинлари Дилнозахон эса кимёгар.

Тўрт набиралари бор. “Арзандам Фарзонабегим, чунки қолган учтаси ўғил”, дейдилар опа. “Биз оилада кўпчилик бўлганмиз. Отам олим-агроном, вилоятимиз қишлоқ хўжалиги тармоқларида фидокорона меҳнат қилиб, халқнинг ва давлатимизнинг ҳурматига сазовор бўлган инсон эдилар. (Оллоҳ раҳмат қилган бўлсин), Онам эса уй бекаси эдилар. Ўқувчилигим қишлоқ далаларида ўтган. Лекин ҳеч қачон нолиган эмасман. Тинмай ишлардик ва ўқирдик. Отам бизга шундай тарбия берганлар. Укам Маҳмудов Баҳриддин Наманган Давлат муҳандислик педагогика институтида доцент, факультет декани. У ҳам олим. Қолган иним ва сингилларим ҳам олий маълумотли мутахассислар. Мен отам дуоларини олганман, чунки улар доим менга “қизим олима бўлади” деб дуо қилар эдилар. Кейинчалик ҳам ўқишимга доим шароит яратиб бердилар. Мен отажонимдан бир умр миннатдорман. Ота-онам дуолари сабаб ва турмуш ўртоғим Набижон аканинг қўллаб-қувватлашлари билан олима даражасига эришдим. Мен ўзимни бахтли фарзанд, бахтли она ва олима деб биламан.

Инсоннинг ички дунёси қанчалик гўзал бўлса, унинг тарбиясини олган фарзандлар ва шогирдлар ҳам шунчалик баркамол бўлишади. Ота дуосини олган Манзурахон опа ҳам шундай қалби буюкликка талпинувчи олима ва оқила мураббийлардан. Олимага ҳаётда ва ижодда улкан зафарлар тилаб, фарзандларингиз ва шогирдларингиз бахтига соғ бўлинг, деймиз.

Дилбархон РАҲИМБОВА

Фалсафа ва маънавият асослари кафедрасининг доценти Дилбар Раҳимбоева 1984 йилдан бери шу олий даргоҳда фаолият кўрсатиб келмоқда. Утган йиллар давомида у фалсафа, мантик, миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллари фанидан маъруза ўқийди, амалий машғулотлар ўтказди. Юқорида қайд этилган фанлардан маъруза матнлари тўпламини чоп эттирди. Улар ушбу кун талабларига тўла мос келади.



Дилбархон Раҳимбоева 1993 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси қошидаги фалсафа ва ҳуқуқ институтида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди.

2002 йилда эса доцентлик унвони дипломини олди. Маънавият-одамнинг руҳий ва ақлий олами йиғиндиси. Маънавият инсон ва жамият маданиятининг негизи, инсон ва жамият ҳаёти маълум йўналишининг бош омили. Инсонларнинг чеҳраси, қоматидаги гўзаллик муайян аҳамиятга эга, аммо бу тўла маънодаги гўзаллик эмас. Инсоннинг ташқи қиёфаси унинг ботиний олами, хулқи феъл-атвори, меҳнатсеварлиги, эзгуликка интилиши каби сифатлар билан уйғунлашса, бу мукамал гўзалликдир.

Юқсак маънавиятли Дилбархон иш давомида тиниб-тинчимайди, ўзининг педагогик маҳоратини оширишга интилади. Шунинг учун бўлса керак, химия-биология, иқтисод, тарих, бошланғич таълим методикаси ва бошқа факультет талабалари унинг касб маҳоратидан, услубидан, дарсидан қониқиш олганларини баён этишади.

Унинг дарслари, маърузалари ноанъанавий характерда бўлиши билан ажраб туради.

Айниқса, ҳозирги куннинг долзарб масаласи бўлган миллий истиқлол ғояси, унинг ёшлар дунёқарашида тутган ўрни, миллий маънавият ва ёш авлоднинг ахлоқий тарбияси, маданиятда миллийлик ва умуммиллийлик диалектикаси каби муҳим, илғор фикрларни талаба ёшлар онгига сингдиришда алоҳида маҳоратга

эга. Ёшларда мустақиллик ва эркин фикрлаш, сиёсий - ҳуқуқий онг ва маданиятнинг шаклланишида унинг маъруза ва амалий машғулотларининг ўрни катта.

Д. Раҳимбоева ташаббускор аёл сифатида кафедра, деканат, талабалар ётоқхонаси, университет хотин-қизлар кўмитаси томонидан ташкил қилинган тадбирларда фаол иштирок этади. Шу билан бирга вилоят хотин-қизлар кўмитаси томонидан уюштирилган тадбирларда келин, оила, жамият ва тарбия масаласига оид маърузалар ўқиб келмоқда.

У намунали оила бекаси, меҳрибон она ва ҳамма ҳавас қиладиган қайнона сифатида ҳам алоҳида хосликларга эга. Дилбархонга хос фазилатлардан бири самимиятлилик, очиқ чеҳралик, лутфу карамдир.

Турмуш ўртоғи Пўлатов Баҳодир ака билан уч фарзандни тарбиялаб, вояга етказди. Улар олий маълумотли. Турли касб эгалари: тўнгич фарзанд кўп тармоқли фирмада ишласа, ўртанчаси вилоят ИИБнинг ходими, энг кенжаси НамДУ талабаси.

Ҳозирда болалари, келини, набираси ардоғида бўлиш бахтига муяссар бўлган бу оқ кўнгил аёл бахтли ҳаёт кечирмоқда.



Мўътабархон МАҲСУДОВА

Маҳсудова Мўътабархон Абдусаломовна - психология фанлари номзоди, Наманган Давлат университети "Ижтимоий психология" кафедраси муdiri, доцент. Мўътабархон 1960 йилда Тўрақўрғон туманида Кужрон қишлоғида туғилган.

1977 йилда Тошкент Давлат университети фалсафа-иқтисод факультети психология бўлимига ўқишга кириб, 1982 йилда битирган ва Наманган олийгоҳининг психология кафедрасига йўлланма билан ишга олинган.

Бошланғич синф ўқувчиларида билишга бўлган қизиқишларини ривожлантиришга доир изланишлар олиб бориб, 1993 йилда Тошкент Давлат педагогика олийгоҳи қошида тузилган махсуслашган психология кенгашида илмий-тадқиқот ишини биринчи бўлиб ўзбек тилида муваффақиятли ҳимоя қилган.

Мўътабархон Маҳсудова - ҳозирда вилоятда ягона психолог олима. У республика миқёсидаги анжуманларда долзарб мавзуларда маърузалар қилиб туради.

М. Маҳсудова илмий-методик мазмундаги мақола ва тезислар ёзиш билан бирга университетда чиқарилаётган таълим-тарбияга оид тўпламларга тақризчи сифатида ҳам қатнашиб туради. Опанинг 40 дан ортиқ илмий ишлари чоп этилган.

Психолог олиманинг "Оилавий муносабатлар психологияси" номли услубий қўлланмаси ва "Умумий психология", "Махсус психология", "Ёш психологияси" каби ўқув қўлланмалари мутахассислар томонидан юқори баҳоланган.

М. Маҳсудова "Халқ таълими", "Таълим муаммолари" каби республика ойномаларида илмий-методик мақолалари билан тез-тез қатнашиб туради.

М. Маҳсудова ички ишлар, прокуратура, суд органлари билан ҳамкорликда ходимларнинг психологик хусусиятларини аниқлаш ва муаммоларини ҳал қилишга яқиндан ёрдам бериб келади. Шунингдек, опа раҳбарлигида "Талабаларни мустақил ва ижодий



фикрлашга ўргатишнинг интерфаол усуллари“ номли семинар-тренинг ташкил этилган бўлиб, бу тренинг ўқитувчиларга мўлжалланган.

М. Маҳсудова “Академик лицей ва касб-хунар коллежлари талабаларини мустақил, ижодий фикрлашини ривожлантириш омиллари“ мавзусида докторлик диссертацияси устида иш олиб бормоқда. Мавзу бўйича кафедра илмий мақолалар тўплами нашрга тайёрланмоқда.

Психолог олима бўлган Мўътабархон опа ҳам барча аёллар каби болаларининг суюкли онажониси. Опанинг бир ўғил ва икки қизлари бор. Ҳамиша, олдинга интилган инсонгина муваффақият чўққисини забт этиши мумкин. Мўътабархон аспирантурага кираётган вақтида куз фасли бўлган. Имтихонларни муваффақиятли топшириб, аспирантурага қабул қилинган кунининг эртасига, яъни 31 октябрь куни тўнгич фарзанди туғилган. Кўз ёрай деб турган аёлнинг пойтахтга бориб имтихон топширишини тасаввур қиялпсизми? Ҳаётда ҳар нарса бўлиши мумкин. Унинг қийинчиликларидан, синовларидан, оғирликларидан кўз юмиб бўлмайди. Ҳар биримизнинг ҳам нимадандир кўнглимиз қолган, азобланган, ўзимизга ишончни йўқотган, виждонимиз қийналган, айбдор бўлган ёки айбимиз бўлмаса-да хафа қилишган пайтлар бўлган. Ҳаёт уммонида характер чиниқиб, тажрибаси ортган кишилар ҳамиша эл-юрт олдида обрў топадилар, ҳурматга сазовор бўладилар.

Психолог олима Мўътабархон Маҳсудова улкан орзулар билан яшамоқда.

Ҳар йили ўтказиладиган “Истеъдод“ жамғармасининг 2004 йилги танловидан муваффақиятли ўтиб, Кореяда ижодий сафарда бўлди. Чет мамлакатда ўрганганларини айтиш, ижобий томонларини тарғиб қилиш, янги педагогик технология асосидаги иш тажрибаларини ёшларга ўргатиш, Наманган Давлат университети профессор-ўқитувчилари ва техник ходимларини касаба уюшма қўмитаси раисаси сифатида ижтимоий муҳофаза қилиш келгусидаги вазифаларидандир.

Фаридахон КАРИМОВА

Каримова Фарида Исоқовна 1959 йил 30 октябрда Наманган вилояти Норин туманидаги Учтепа қишлоғида хизматчи оиласида туғилди.

1966 йилда 38-ўрта мактабнинг 1-синфига ўқишга кирди.

Бола тарбиясида оилавий муҳитнинг ҳам муҳим ўрин тутиши ҳеч кимга сир эмас. Фарида ўсган хонадон маърифатли хонадон эди. Ота-оналари, амакилари қишлоқнинг етук зиёлилари, санъат, адабиёт ихлосмандлари бўлганликлари боис фарзанд тарбиясига катта эътибор билан қарар эдилар. Уларнинг хонадониди қишлоқ зиёлилари кўпинча йиғилишиб, суҳбат қурардилар. Бир куни даврадагилар қишлоқдан чиққан илк олим Аҳмадали Асқаров ҳақида қизгин суҳбатлашишди. Ўшанда академик Аҳмадали Асқаров қишлоқда биринчи бўлиб номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган эди. Бу хабар Фариданинг мурғак қалбига чўғ ташлади. Унинг қалбини “аспирантурада ўқиш, А. Асқаровдек олим бўлиш” орзуси қамраб олган эди.

Адабиёт, санъат ва фан хусусида гап очилган ана шундай давраларнинг бирида оила аъзоларидан бири Фаридахондан сўраб қолди:

- Катта бўлганингда ким бўласан?

У сира иккиланмай:

-Ўқийман, аспирант бўламан, олима бўламан, -деб жавоб берди.

Дастлаб ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси Гулсора Тожибоева, сўнг Султонали Тўйчибоевлар қизнинг адабиётга бўлган қизиқишини янада кучайтирдилар. 1974-76 йилларда Фаридахон вилоят ва республика ёш адабиётшунослар олимпиадаларида ғолибликни қўлга киритди. Ўрта мактабни тугатгач, адабиётга бўлган қизиқиш уни Тошкент Давлат университетининг филология факультетига ўқишга етаклади. 1981 йили университетни имтиёзли диплом билан тамомлаб, йўлланмани Тошкент Давлат Маданият институтининг Наманган филиалига олди.



Айни пайтда ЎзФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтининг сиртки аспирантурасида ўқишни давом эттирди. 1988 йилнинг августидан Наманган Давлат педагогика институти бошланғич таълим методикаси ва педагогикаси кафедрасида, сўнг ўзбек адабиёти кафедраларида иш фаолиятини давом эттирди.

Навоийшунос олим профессор А. Ҳайитметов раҳбарлигида “Ўзбек адабиётида дебоча” мавзусидаги номзодлик диссертацияси устида тадқиқот ишларини олиб борди.

1993 йилнинг 27 октябрида ЎзФА Алишер Навоий номидаги Адабиёт институти қошидаги ихтисослаштирилган кенгаш йиғилишида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

Фаридахон Каримова ҳозирги кунда ўзбек адабиёти кафедрасини бошқармоқда. У хушмуомалалиги, камтарлиги, меҳнатсеварлиги, талабчанлиги ва изланувчанлиги билан профессор-ўқитувчилар ҳамда талабалар ўртасида катта обрў қозонган.

Унинг матбуотда 30 га яқин илмий ва услубий, ахлоқий-таълимий мавзулардаги мақолалари чоп этилган.

Ҳозирги кунда профессор А. Ҳайитметов раҳбарлигида “Алишер Навоий лирикаси ижтимоий - сиёсий ва маънавий ҳаёт контекстида” мавзусидаги докторлик диссертацияси устида тадқиқот ишларини олиб бормоқда.

Шуни таъкидлаш керакки, кейинги йилларда Фаридахон нафақат республика, балки халқаро миқёсидаги анжуманларда ҳам фаол иштирок этмоқда. Хусусан, 2000 йилда Ўшда бўлиб ўтган илмий анжуманда “Навоийдан кейинги даврда яратилган дебочалар”, 2005 йил 4 мартда Тошкентда ўтказилган “Жомий ва ўзбек адабиёти” мавзусидаги илмий анжуманда “Дебочаларда ижодий ҳамкорлик излари” номли маърузалари билан қатнашди.

Навоийшунос олима Ф. Каримованинг шогирди Навоий мухлиси Нозима Мирзаолимованинг “Навоийхон талаба” республика кўрик-танловида I ўринни олиши ҳам устозида фахр туйғуларини уйғотиши табиийдир.

Айни пайтда Ф. Каримова вилоят, университет ва факультет миқёсида навоийхонлик, бобурхонлик, машрабхонлик кечалари, шунингдек, замондош ижодкорларимизнинг таваллуд

айёмлари муносабати билан тадбирлар ўтказишни ўз бурчи деб билади. Шу билан бирга, шаҳар ва туман маҳалларида ўтказиладиган ижтимоий - сиёсий ва маънавий - маърифий суҳбатларда мунтазам қатнашади. Вилоят радио ва телевидениеси орқали намойиш этилаётган кўрсатувларда иштирок этади.

Бир сўз билан айтганда, олима вилоят ва университет ижтимоий - маънавий ҳаётининг фаол иштирокчиларидан.

Фаридахон оилали. Турмуш ўртоғи Икромжон-вилоят ИИБ ходими. Қизи Дилдорахон мазкур олийгоҳининг инглиз филологияси факультети қошидаги магистратурада таҳсил олади. Ўғли Сардорбек - вилоят иқтидорли болалар мактаб-интернати ўқувчиси.

Инсон ҳамиша орзулар қанотида яшайди, тўқисликка интилади. Ҳар бир аёл орзу қилган тўқис бахт Фаридахонга ҳам насиб этган бўлса, не ажаб!



Хуринисо УСМОНОВА



Ҳамиша ўз ишининг устаси бўлган, покизаликка интилиб, бировларнинг дилини оғритмаган кишилар бахтли яшашади. Хуринисо опа талабалар совға қилган гулдастани мақкам бағрига босиб, ташқарига чиқди. Ёмғир шаррос қуярди. Аксига олиб опа бугун соябонини олиб келмаган эди. Хуринисо опа ёқаларини кўтариб, зинапоядан бир қадам пастга юрган эди, “Оя, тўхта, - деган овоз эшитилди-да, талабалардан бири зонтигини

очиб, унга тутқазди. - Ивиб кетасиз, буни олинг”. - “Раҳмат, лекин ўзингиз-чи?”

- “Мен ўртоғим билан бир амаллайман”.

Талаба қиз майин жилмайиб, шундай деди: “Биз сизни жуда яхши кўрамыз, оя”. Кейин бир оз тўхтаб, қўшиб қўйди: “Ҳамиша сизга ўхшагим келади...”.

Баҳор ёмғири остида кетиб борар экан, опа юрагининг бир чети жизиллаб, ўқитувчи эканлигидан қалби гурурга тўлиб борарди ва шогирдларидан бирининг айтган сўзини эслади: “Устозим ҳақида ҳар қанча гапирсам, шунча оз. Менинг кўпгина ютуқларга эга бўлишимда у кишининг хизматлари катта. Берган ўғитларингизни, насиҳатларингизни ҳеч қачон унутмайман. Бунинг учун бир умр миннатдорман. Мен сизга шогирд бўлганимдан гурурланаман”.

Ҳа, ҳаммамиз ҳам устозлар тарбиясини олганмиз. Шуниси ҳам борки, бошқалар қалбида умид ва орзулар чироғини ёқа олган, шогирдларида инсоний фазилатларни шакллантира олган устозгина ҳақиқий бахтлидир.

Ҳ. Ш. Усмонова 1959 йил 17 январда Наманган вилояти, Янгиқўрғон тумани, Нанай қишлоғида ишчи оиласида дунёга келди.

1966-1976 йилларда қишлоғидаги мактабда таълим олди.

1981 йили Наманган педагогика билим юртига ўқишга кириб, 1985 йилда уни имтиёзли диплом билан битирди ва шу йили Андижон давлат педагогика институти филология факультетининг сиртқи бўлимига ўқишга кирди.

1986 йилдан эса ўқишни Наманган давлат педагогика институтида давом эттиради. Ушбу даргоҳда Б. Турдалиев, А.

Абдуллаев, М. Иминов, Т. Нўъмонов, Ш. Эгамбердиева, С. Жамолов, О. Носиров, Д. Эшондадаев, Х. Лутфиддинова каби ўз фани фидойиларида таълим олади. 1990 йилда институтни битиради.

1985-1990 йилларда Балиқчи туманидаги 14, 34-мактабларда ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси бўлиб ишлайди.

Ҳ. Ш. Усмонова 1990 йилдан Наманган давлат педагогика институтида ўзбек тилшунослиги кафедрасида ўқитувчи бўлиб ишлай бошлайди. Утган давр мобайнида Ҳуринисо чет тили, фалсафа ва мутахассислик бўйича номзодлик минимумларини аъло баҳоларга топшириб, икки йиллик илмий стажировкага чиқади. Андижон давлат университетининг профессори, филология фанлари доктори Абдулҳамид Нурмонов раҳбарлигида “Дискрипция (мураккаб ном) ва унинг гап тузилишидаги ўрни” мавзусида номзодлик диссертацияси устида ишлай бошлайди. Стажировка даврида ЎзФА тилшунослик институтида ўтказилган илмий-назарий конференцияларида маърузалари билан фаол иштирок этади.

Ҳуринисо Усмонова 1994 йилнинг 4 ноябрида Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Тилшунослик институти Илмий Кенгашида “Дискрипция (мураккаб ном) ва унинг гап тузилишидаги ўрни” мавзусида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

Самарали меҳнати ва ўз ишига бўлган ижодий ёндашуви тўғрисида Ҳ. Усмонова 1999 йил Ўзбек тилшунослиги кафедрасига мудир бўлди. 2002 йили унга доцент унвони берилди. Айни пайтда “Ўзбек тилидаги гап бўлақларининг позиция тадқиқи” мавзусидаги докторлик илмий иши Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Тил ва адабиёт институтининг “Ҳозирги ўзбек адабий тили” бўлимига муҳокама учун топширилган.

НамДУнинг хурматли олималаридан бири бўлган Ҳуринисо Шариповна Усмонова турмуш ўртоғи билан аҳилликда уч фарзандни тарбиялаб вояга етказишди. Ота-онасини қувонтириб болалари ҳам одобли, хушмуомала, ўқимишли инсонлар бўлиб камол топишди. Ишдан чарчаб борганида, набирасини эркалаб ҳордиғи чиқади. Болаларининг бахти, оиладаги ҳамжиҳатлик Ҳуринисо опага илмий иш билан хотиржам шуғулланиш учун имконият яратиб берди. Шуларни ўйлаганда опанинг кўнгли тоғдек кўтарилади. Шунда ўша ёмғирли кунда талаба қизнинг айтган гапи ёдига тушади: “Биз сизни яхши кўрамиз, оя... Ҳамиша сизга ўхшагим келади”.



Шундай одамлар бўладики, уларни ҳамиша соғиниб яшайсиз. Сабаби уларнинг суҳбати ёқимли, бундай одамлар билан гаплашганингизда қалбингизга ёруғлик кириб келади. Бундай суҳбати ширин инсонлар ҳамиша эзгуликка интилиб яшашади. Атрофдагиларнинг бахтли бўлиши учун уларга борини беришга тайёр. Лекин асосийси улар ҳеч қачон таъна қилишмайди ва ҳар доим ёрдам беришга тайёр туришади...

Ажойиб баҳор оқшомларидан бири эди. НамДУ ўқитувчиси Маҳбуба опа Собирова эндигина уйга кетишга чоғланиб турган пайтида бирдан эшик тақиллаб қолди ва бир қизнинг ийманиброқ: -“Мумкинми, оя?” - деган овози эшитилди. -Ҳа, киринг...

Опанинг кетмоқчи бўлиб турганини кўрган қиз хижолат бўлиб тўхтаб қолди: “Балки мен бошқа сафар...?” -“Йўқ, йўқ. Бемалол... Нима гап?” Талаба қизнинг ҳаяжонланаётгани шундоққина кўриниб турар, унинг кўзларида ҳазин бир маъюслик, маъсума бир илтижо бор эдики, Маҳбуба опа уни аста бағрига босиб, елкаларидан кучди? -Нима бўлди? Қизим, ҳаяжонланма. Кел, ўтир”.

- “Йўқ, йўқ. Мен ҳалиги... нима қилишимни билмайман, оя”.

Қиз ўзини тутолмай йиғлаб юборди. Маълум бўлишича, у касал бўлиб қолибди. Лекин бу касалликнинг моҳиятини билмагани учун, ҳатто энг яқин дугонасига ҳам буни айтолмай сиқилиб юрган ва қаттиқ кўрқув уни адойи тамом қилган эди. Опанинг олдига эса сўнгги илинж умидида келган эди. Маҳбуба опа уни юпатди. Бу касаллик билан ҳар қандай одам ҳам оғриб қолиши мумкинлигини, бунинг ҳеч қандай кўрқинчли ери йўқлигини ва энг муҳими жуда тез соғайиб кетишини айтиб, эртасига қизни врач кўригига олиб борди. У тўла соғайиб кетгунча Маҳбуба опа ундан хабар олиб турди. Қиз соғайиб кетди. Университетни муваффақиятли тамомлаб, ишга ҳам кирди, турмушга чиқиб фарзандли ҳам бўлди. Лекин қалбининг туб-тубида Маҳбуба опага нисбатан чексиз бир миннатдорчилик туйғусини сақлаб қолганини

бир куни менга айтиб қолди. Бу саҳоватли қалб эгаси билан яқиндан танишиш учун университетга бордим.

Доцент М. Собирова ҳақиқатда ҳам ажойиб инсон экан. Кўзларида меҳр порлаб турувчи бу аёл нафақат тажрибали педагог, шу билан бирга зукко ҳамда ёқимли суҳбатдош ҳам экан. 2 қизи тушган жойларида азиз бўлиб, тиниб-тинчиган, 3 набиранинг ёш бувиси бўлган Маҳбуба опа Марказий банк вилоят бош бошқармасида ишлаётган ўғли Давронжоннинг эл корига ярайдиган бўлганидан қувонади.

Наманган вилояти “Олима аёллари” уюшмасининг раисаси, доцент, фан номзоди, 70 дан ортиқ илмий-методик мақола, дарслик ва ўқув-услубий қўлланмалар муаллифидир. У Наманган вилоятидаги маҳалла фуқаролар йиғинлари маслаҳатчиларига амалий ёрдам кўрсатувчи ишчи гуруҳи аъзоси, вилоят телевидениеси орқали янги ўзбек ёзуви ва имло қоидаларини ўргатувчи мутахассис, шунингдек, “Давлат тили ҳақида”ги Қонуннинг амалга оширилишининг бориши, фарзанд тарбияси ва бошқа мавзуларда матбуот нашрларида, телевидениеда тез-тез чиқишлар қилади.

У фаол жамоатчи сифатида филология факультети хотин-қизлар кенгашининг раиси, айти пайтда 302-гуруҳ раҳбари ҳамдир. “Шунча ишларга қандай улгурасиз?”-деган саволимга опа шундай жавоб бердилар: “Биласизми, раҳматли умр йўлдошим профессор А. Мунавваров ҳамиша шундай дер эдилар: “Ҳамма нарсага улгуриш мумкин. Фақат ҳар бир ишни ўз вақтида, белгиланган фурсатда бажариш керак”. Мен ҳамиша шу ақидага риоя қилишга ҳаракат қиламан”.

М. Собирова тўғрисида филология факультетининг 4-курс талабаси Гавҳарой Саломова шундай фикр билдирди: “Мен опа билан илк бор абитуриентлигимда танишган эдим. Биз қишлоқдан келгандик, қатнашга узоқ, ётоқ жой эса муаммо эди. Шунда опа мени ва икки дугонамни уйларига олиб кетиб жой бергандилар. Бизга ўз қизларидай муомала қилдилар. Мен оямларга нисбатан ҳамиша чуқур эҳтиром билан яшайман”.

Бундай дил сўзларни кўплаб талабалардан эшитдим.

Истардикки, Маҳбубахон опа Собированинг шоғирдлари, фарзандлари қаерга боришса ҳам устозларидек бахт ва эзгулик тимсоли бўлиб кириб боришсин.

Розахон КАРИМОВА



Муסיқа инсон рухий оламига энг фаол ва бевосита таъсир этиши билан ажралиб туради. Шундай экан, халқ таълимини қайта қуришнинг муҳим вазифаларидан бири ёшлар ахлоқий ва эстетик тарбиясини барча чоралар билан такомиллаштиришдан иборат. Токи уларда гўзаллик ва нафосат оламига нисбатан онгли муносабат шаклланиб борсин. Бунда мусиқанинг ўрни гоят юқори даражададир. Чунки мусиқа

ўзининг бевосита эмоционал ҳиссий таъсир кучи билан бошқа фанлардан фарқ қилади.

Мусиқа дарслари орқали ёшларнинг маънавий дунёсини эмоционал ва эстетик жиҳатдан бойитишни мақсад қилган Роза Каримова бу йўналишга ёшлигидан қизиқди.

У 1956 йил 11 апрелда Фарғона вилоятининг Кува қишлоғида тугилди.

1980 йилда Фарғона Давлат педагогика институтини тугатди. 1980-82 йилларда Шаҳрихонда мусиқа ўқитувчиси сифатида фаолият кўрсатди.

1982-84 йилларда Бухоро вилояти ижроия қўмитаси табиатни муҳофаза қилиш бўлимида масъул котиба вазифасида ишлади.

1984-90 йилларда Бухоро Давлат педагогика институтида ёшларга мусиқа сирларини ўргатди.

Илмга бўлган қизиқиш уни изланишга ундади. 1990-1994 йилларда аспирантурада ўқиди. Илмий ишини муваффақиятли ҳимоя қилди.

1994-97 йилларда Наманган шаҳрига қайтиб келиб, Давлатобод туманидаги 53-ўрта мактабда мусиқа ўқитувчиси сифатида фаолият кўрсатди.

1997-98 йилга қадар Наманган вилоят педагог ходимлар малакасини ошириш институтидаги “Нафосат” бўлимида методистлик қилди.

1998 йилдан ҳозирга қадар Наманган педагогика коллежида мусиқа ўқитувчиси сифатида фаолият кўрсатмоқда.

Розахон ёшларда ватанпарварлик ҳис-туйғуларини

тарбиялашда мусиқанинг бой имкониятларидан фойдаланиш билан бирга республикамизнинг етакчи бастакорларининг она Ватанни мадҳ этувчи асарларини ўрганишни лозим деб ўйлайди. Бу асарларни ўргатиш жараёнида ёшлар мусиқа асарларига бўлган ўз муносабатларини, қизиқишларини ижобий томонга қараб ўзгартиришларига ишонади. Буюк бастакор Александра Пахмутованинг “Мусиқа бу буюк қуролдир, инсонларни бири-бирига бирлаштиради ёки тескариси бўлиши мумкин” -деган фикрларини қўллаб-қувватловчи Розахон Каримованинг келгусидаги педагогик фаолиятига муваффақиятлар тилаймиз.



Саодатхон МУСАЕВА



1949 йил 18 январда РСФСР нинг Кемерово вилояти, Киселевск шаҳрида ишчи оиласида туғилди.

1950 йилдан ота юрти Ўзбекистонда яшай бошлади.

1966 йили Наманган Давлат педагогика институтининг ўзбек филологияси факультетига ўқишга кирди ва 1970 йилда ўзбек тили ва адабиёти фани

ўқитувчиси мутахассислигини олди.

1983 йилдан Наманган Давлат педагогика институтида меҳнат таълими методикасида сиртдан ўқиб, 1988 йилда иккинчи мутахассислик бўйича олий маълумот дипломини олди. Шу билан бирга меҳнат таълими методикаси бўйича илмий изланишда бўлди.

1995 йилда “Меҳнат таълими дарсларида бошланғич синф ўқувчиларига тежамкорлик хислатларини сингдириш” мавзусида Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети қошидаги илмий кенгашда номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди ва педагогика фанлари номзоди илмий даражасини олди. 10 дан ортиқ илмий мақолалари журналларда чоп этилди.

С. Мусаева илмий ишининг назарий ва амалий қиймати шундан иборатки, ўқувчиларни кичик мактаб ёшидан бошлаб вақтни тежашга, турмушда керак бўладиган турли материалларни исроф қилмасликка ўргатиш, асбоб-ускуналардан унумли фойдалана олиш малакаси ва кўникмасини ҳосил қилиш, тежамкорлик, тадбиркорлик, серҳаракатлилик, топқирлик, меҳнатсеварлик хислатларини таркиб топтиришдан иборатдир. Бу эса халқимиз ҳаётига ва давлат аҳамиятига молик ишдир. С. Мусаева университетнинг педагогика факультети, бошланғич таълим педагогикаси ва методикаси кафедрасида катта ўқитувчи, доцент вазифасида узоқ йиллар самарали меҳнат қилди. Истеъдодли олима С. Мусаева меҳнат нафақасида бўлишига қарамай, Наманган ёшларини касб-ҳунар ва тадбиркорликка йўналтириш борасида ибратли ишларни амалга оширмоқда.

Инсон қанчалик бошқалар руҳиятини яхши тушунса, шунчалик одамларни яхши кўрадиган бўлади. Бундай одамларни қалби

мусаффо инсон дейишади ва улар ана шу қалб мусаффолигини шогирдларига беришга интилишади. Чунки улар ҳамиша очиқ чеҳра билан, самимий, чин дилдан сизга яхшилик қилишга ҳаракат қилишади.

Саодатхон опанинг шогирдларидан бири шундай дил сўзларини айтди:

“Ўзимдаги жуда кўп яхши фазилатлар учун, жумладан: меҳрибонлик, камтарлик, ҳақиқатгўйлик ва вафодорлик каби хислатлар учун мен Саодатхон Мусаева опадан бир умр миннатдорман. Опа ўзларининг беғубор сўзлари билан, қалбимдаги энг нозик туйғуларни тарбиялай олдилар. Раҳмат сизга, опажон”.

Фахр ва ғурур билан шуни айтиш мумкинки, Саодатхон опа фарзандлари Соҳиба, Шоира, Нозимжон, Вазира ва 9 набираларига ҳам шу хислатларни сингдириб, бахтли ҳаёт кечиряптилар.



Муҳаббатхон САИДОВА



Аёлларга хос боқий назокат эгаси Муҳаббатхон Саидова 1959 йил 1 январда Наманган вилояти Тўрақўрғон туманида хизматчи оиласида туғилган.

Ёшликка хос илк покиза қадамлар билан 1976 йилда Тошкент Давлат педагогика олийгоҳига ўқишга кирди ва бошланғич таълим факультетини 1980 йил имтиёзли диплом билан якунлади.

1980-1988 ўқув йилларида Уйчи туманидаги 31-мактабда ёшларга илм сирларини ўргатди.

1998 йилнинг август ойидан ёш, серғайрат Муҳаббатхон НамДУнинг бошланғич таълим методикаси ва педагогика кафедрасига ишга таклиф этилди.

Тинимсиз изланишлар натижасида 1995 йил 3 ноябрда ЎзФАнинг Тилшунослик институтида Наманган ўзбек шеваларида қариндошлик терминларининг этимологиясига доир номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

Бу аёл фидойиликни тушунибгина қолмай, ўзини фидо қилишни ҳам билади. Ёш олима Наманган вилоятининг ижтимоий, маданий-маърифий ҳаётида ҳам фаол иштирок этади. Республика миқёсидаги илмий конференцияларда ўзининг долзарб мавзулардаги маърузалари билан кўпчиликнинг эътиборини тортмоқда. Унинг илмий мақолалари республика журналларида бир неча маротаба чоп этилган.

Кейинги йилларда Муҳаббатхон вилоят ва республика миқёсидаги анжуманларда фаол иштирок этиш билан бирга Президентимизнинг шу йил 25 майдаги “Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонида белгилаб берилган вазифалардан келиб чиқиб, вилоятимизда бу борада олиб борилаётган маънавий-маърифий ишларда фаол иштирок этиб келмоқда.

Муҳаббатхон Саидова илмий-методик мазмундаги мақолалар ёзиш билан чекланмайди, университетда чиқарилаётган таълим-

тарбияга доир тўпламларда мақолалар чоп эттириб кенг китобхонлар оммасига тақдим этмоқда.

“Янги алифбо ва асосий имло қоидалари” (ҳамкорликда), “Ўзбек тили”, “Халқ мақоллари она тилимиз дуру жавоҳиридир” (ҳамкорликда) ўқув қўлланмалари шулар жумласидандир.

Одамлар ўртасидаги муносабатни белгилайдиган муомала инсон юрагини кўзгуда акс этгандек намоён этади. Кишининг сўзидан, муомаласидан унинг қандай инсонлигини билиш қийин эмас. Инсон камолотида, ҳаёт ривожидида, иш юритишда муомала асосий омилдир. “Буғдой нонинг бўлмаса ҳам, буғдой сўзинг бўлсин” дейди халқимиз. Ана шундай буғдой сўзли бўлган ширин тил, мулоҳазали, самимий муомалада бўлишга одатланган Муҳаббатхоннинг фазилати барча аёлларга ибратдир.

М. Саидова илмий изланишларини давом эттириб “Ўзбек шеваларидаги қариндошлик номларининг археологик таҳлили” мавзусида докторлик диссертацияси устида иш олиб бормоқда.

Инсон ҳаёти ақл ва ҳис-туйғулар бирлигидан иборатдир. Кўпинча туйғулар таъсирида инсон буюк ишларга қодир бўлади. Масалан, Иван Михайлович Сеченов 1863 йилнинг ёзида, жуда қисқа муддатда, бўлгуси рафиқасига бўлган кучли муҳаббати туфайли “Бош мия рефлекслари” деган буюк асарини яратди.

Француз армиясининг ёш капитани Руже де Лиль бир кечада машхур “Марсельеза” қўшигини ёзган. Инсон ҳаётда ҳамма нарса учун ўзининг ҳис-туйғулари билан ҳақ тўлайди. Инсон қалбида юз бераётган туйғулар унинг юзидан билиниб туради. Муҳаббатхон Саидованинг кўзлари унинг бахтли она эканлигини ҳам билдириб туради.

Қатта қизи Шаҳноза, олий маълумотли иқтисодчи.

Ўғли Шерзоджон НамДУда тарих факультетини тугатди.

Қалбининг баҳори, кенжа қизалоғи Саидахон 2-синф ўқувчиси.

Муҳаббатхоннинг турмуш ўртоғи Шуҳратжон ака ҳам ўқитувчи. Мана шундай бахтли оилада яшаб, ижод қилаётган Муҳаббатхон Саидованинг тез орада фан доктори бўлишига ишонамиз.

Мавлудахон МАМАДАЛИЕВА



1957 йилда Наманган туманида зиёли оиласида туғилган. Шу тумандаги 30-ўрта мактабни 1974 йилда олтин медаль билан тугатди.

1974-78 йилларда ҳозирги Наманган Давлат университетининг тарих-филология факультетида таҳсил олди ва кўп йиллар ўрта умумтаълим мактабларида ёшларга ўзбек тили ва адабиёти фанидан сабоқ берди.

Мавлудахон Мамадалиеванинг илмий мақолалари талабалик йилларидаёқ нашр этилган.

1997 йилда филология фанлари доктори, профессор Абдулҳамид Нурмонов раҳбарлигида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. У Наманган Давлат университети ўзбек тилшунослиги кафедраси катта ўқитувчиси, филология фанлари номзодидир.

Талабаларга ҳозирги ўзбек адабий тили фанидан қизиқарли маърузалар ўқийди ва амалий машғулотлар олиб боради.

Изланувчан олима бир неча илмий-оммавий, методик ва илмий-назарий мақолалар муаллифи. Мавлудахон Мамадалиеванинг “Ўзбек тили” китоби рус гуруҳлари талабалари учун муҳим қўлланма вазифасини бажармоқда. Тиниб-тинчимас олима, ҳозирги кунда докторлик диссертацияси устида илмий изланишлар олиб бормоқда. Докторлик мавзуси юзасидан бир неча илмий мақолалар эълон қилди. “Сўзнинг семантик структураси”, “Ном ва борлиқ”, “Асал сўз асабни асрайди” каби мақолалари кўпчиликнинг эътиборига тушган. Олиманинг илмий тадқиқотлари махсус курс ва семинарлар ўтишда, ўзбек тилини систем аспектда ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Ўз устозларига меҳрибон ва садоқатли олиманинг “Илмнинг ёрқин йўли” номли рисоласи профессор Абдулҳамид Нурмоновнинг 40 йиллик илмий-педагогик фаолиятига бағишланган бўлиб, шогирднинг устозига бўлган ҳурмати ифодасидир.

М. Мамадалиева Наманган вилояти Олима аёллар ассоциациясининг фаол аъзоларидан. У меҳрибон ва талабчан

устоз. У раҳбарлик қилган гуруҳ талабаси Доно Раҳимова Президент стипендияси совриндори бўлди.

Виждон амри билан яшайдиган инсон ҳамиша бахтли бўлади.

Мавлудахон Мамадалиева бахтли аёллардан бири. Уч азамат ўғилнинг талабчан ва меҳрибон онаси, уч набиранинг севимли бувиси. Кўни-қўшнилари, қариндош-уруғларнинг ишонган маслаҳатгўйи Мавлуда опанинг турмуш ўртоғи - Исақов Боқижон "Газчи" кичик корхонаси раҳбари. Тиниб-тинчимас, фидойи инсонлардан. Катта ўғиллари Исақов Ёқубжон Англия, Америка каби ривожланган давлатларда ўқиган. Ҳозирги кунда халқаро ҳуқуқшунос бўлиб ишлаяпти.

Иккинчи ўғли Отабек олийгоҳда таълим оляпти. Унинг мақсади энг яхши иқтисодчи бўлиш.

Кенжа фарзанди Авазбек лицейда аъло баҳоларга ўқимоқда. Унинг мақсади келажакда ҳадисшунос олим бўлиш.

Катта келинлари Дилшодахон ўзбек филологияси факультетини битирган.

Кейинги келинлари Шоҳистахон шу факультет талабаси.

Набиралари Юсуфжонни еру кўкка ишонилмайди.

Камтарин инсон Мавлудахон Мамадалиева ҳам бутун ҳаётини, борлигини ёшларга бағишлаб таълим бериб келмоқда.





Гулшода (Гулнора) ЮНУСОВА

Юнусова Гулшода Назировна 1970 йилда Фарғона шаҳрида зиёли оилада таваллуд топган. 1989 йилда НамДУ математика факультетини имтиёзли дипломга битирган ва институтда “Информатика ва ҳисоблаш техникаси” кафедрасида бош лаборант, ассистент, ўқитувчи лавозимларида ишлади.

1994-1997 йилларда Тошкент Давлат педагогика университетида стажёр-тадқиқотчи бўлиб фаолият кўрсатди. Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтида 1997 йилда “Умумий физика курсидаги фундаментал мавзуларга компьютер дастурларини тузиш ва қўллаш” мавзусида кандидатлик диссертациясини ҳимоя қилди. 20 дан ортиқ илмий мақолалар, услубий қўлланмалар ва тезислар муаллифи, докторлик диссертацияси бўйича илмий иш олиб бормоқда. Докторлик диссертациясининг мавзуси “Ахборот технологиялари муҳитида физика ўқитиш назарияси ва услубиёти”. Ҳозирда 30 та маъруза матнларини қамраб олган “электрон дарслигининг муаллифи. 1999 йилда Наманган Давлат университетида “Сафура” чеварчилик, пазандачилик, компьютер курсларини ташкил қилди. Курсларда 70 дан ортиқ қизлар таълим олишди. 2000 йил 31 декабрда Юнусова ТошДУ Информатика ва ахборотлар технологияси кафедрасининг кундузги бўлимига докторант қилиб қабул қилинди ва ўз илмий ишини давом эттирмоқда. 2001 йилда “Ниҳол ёшлар ташаббуси марказини ташкил қилиш” номли лойиҳаси Очиқ Жамият институти “Сорос” жамғармаси конкурсида муваффақият қозонди ва лойиҳа бўйича талаба қизлар гендер ваколатли вакиллик, дебат йўналишлари бўйича таълим олишди ва улардан 12 таси тренер (мураббий) сифатида танлаб олинди. Вилоятнинг 12 та районида 250 дан ортиқ ўспирин қизларни юқорида қайд этилган йўналишлар бўйича ҳаётга тайёрлаб боришмоқда.

Ҳозирда “Ниҳол” ёшлар ташаббуси марказининг офиси Наманган шаҳар транспорт ва алоқа коллежи биносига жойлашган. Марказда коллеждан 40 та волонтерлар (яъни кўнгиллилар) аъзо бўлиб, улар ёшларни қизиқтирувчи масалалар бўйича ташаббуслар билан чиқишади. Марказ ўсмир қизлар билан ишлайди, уларга керакли медицина, ҳуқуқий билимларини беради.

Ҳаётда муаммони қандай қилиб ечиш, қандай қилиб муаммоли вазиятдан чиқиб кетиш мезонлари ва тамойилларини ўйинлар орқали ўрганишади. Ёшларнинг лидерлик қобилиятларини, уларнинг ораторлик маҳоратларини ўстиришга қаратилган йўналишда дебат-ғоявий интеллектуал ўйин, яъни ўртага ташланган мавзу бўйича икки команданинг ўзаро ҳурмат асосида олиб бориладиган баҳси амалга оширилади.

Номзодлик диссертацияси мавзуси бўйича 10 та қўлланма, 6 та мақола чоп этиб, ҳимоя қилган бўлса, ундан кейин услубий қўлланмалар, 5 та монография, марказий республика журналларда 11 та мақола, водий бўйича чоп этиладиган журналларда 10 та мақола эълон қилган, 46 га яқин ўзи тузган Macromedia Flash дастуридаги фиъзик жараёнларни мультипликацион кўрсатувчи анимацияларга давлат патентларини олган. Юнусова фаолиятининг қирралари кўп. Гулшода 3 та ота-онаси йўқ қизларни 14 ёшидан 18 ёшигача боқиб, уларга моддий ва маънавий ёрдам бериб, тарбиялади. Юнусованинг меҳр ва мурувват ишларини шаҳар ва вилоят хотин-қизлар кўмитаси, “Тадбиркор аёл” уюшмаси билади ва қўллаб-қувватлайди. Бу қизларни “Болалар” жамғармасига, “Ниҳол” ёшлар ташаббуси марказига аъзо қилишди. Яхши инсонлар бўлиб тарбияланишларида Юнусова Гулшоданинг ҳурмати ва унинг мавқеи улар учун намуна бўлди. Гулшодадан: “Ҳаётингизда йиғлаганмисиз?” - деб сўрашди. Бу саволга у шундай деди: Энг яқин кишимнинг вафотида, албатта йиғлаганман. Йигламай бўладими, ахир? Лекин ўлим ҳақ, начора, кўникасан киши. Кўз олдимда яқин кишим бетоб бўлиб, кундан кун эриб кетавергану, ҳеч нарса, на дори, на муолажа ёрдам берган. Фақат ширин сўзу умид ўлимни, муқаррар узоклаштирган. Лекин ҳаётдаги турли хил майда-гапларга-ю, миш-мишларга парво қилмайман. Инсонга умр жуда оз берилган. Шошилиб яшаш лозим. Одам имкониятларини рўёбга чиқариш учун тинмай меҳнат қилиши керак. Ҳурмат ва эътибор қозониши, инсонларга фақат яхшилик қилиши зарур.



Ойжамол АБДИЕВА



Халқимизда кўпинча ҳеч кимдан ёрдамини аямайдиган кишига нисбатан меҳри дарё инсон, дея таъриф беришади. Сир эмаски, бу таърифнинг асосийси ўқитувчи халқига тегишли. Зеро, устоз-мураббийгина ёш авлод таълим-тарбиясига ўз умрини бағишлайди.

Мустақиллигимиз истиқболлари келажакига ўз умрини бағишлаб ўтаётган Ойжамол Абдиевани қалби дарё инсон сифатида, шу билан бирга, ўз касбининг фидойиси, олима сифатида ҳам яхши танишади. У ўзининг дилбарлиги, дилкашлиги, ширинсуханлигию ҳозиржавоблиги билан эъзозли, қадрли. Ойжамол билан суҳбатлашар эканмиз, у ўзи ҳақида шундай деди:

“Янгиқўрғон туман Заркент қишлоғида туғилдим. 30-ўрта мактабда ўқидим. Биз ўқиган пайтларда 4-синфдан 10-синфгача йил охирида 4-5 фандан имтиҳон бўларди, табелида “4” баҳоси бўлмаганларни имтиҳондан озод қилишарди. Фақат давлат имтиҳонларига кирганман, холос.

Ҳар чорак ёки йил охирида уйга табелни олиб келсам, дадам билан онам жуда хурсанд бўлишарди. Аниқ эсимда йўғу, лекин ё 9-синфда, ё 10-синфда йил давомида 1 соат ҳам дарс қолдирмаган эканман. Шу кўрсаткич билан мени мактаб дирекцияси намуна қилишаверарди. 9-синфда вилоятда тарих фанидан 3-ўрин, 10-синфдалигимда республикада II ўринни олганман. Дадам бу кўрсаткичимдан қувониб, “шунақа ўқисанг, сени Москвада ўқитаман” дер эдилар. Биз оилада 4 та қизмиз. Ҳаммамиз олий маълумотлимиз. Дадам ҳар байрамда бизга совға берганларида албатта ичига откритка қўшиб берар эдилар. Эсимда: ҳар сафар тилак билдирганларида “Сенинг фан доктори бўлишингда истайман” дер эдилар. Албатта, бу гапларни мени ўқишга яна ҳам қизиқтириш, рағбатлантириш деб тушунардим. Ота-онанинг орзуси, дуоси деган гаплар бор. Дадажонимнинг орзулари менинг олима бўлишим экан-да, деб ўзимда ҳам мана шу нарсага интилиш бошланди. ТошДУнинг биология факультетида ўқидим. Талабалик йилларимни олтинга эмас, бриллиантга

қиёслагим келади. Студентлигим жуда кўп қизиқарли воқеалар ва саёҳатларга бой бўлган. III курсда Байкал кўлида, Тайга ўрмонларида, Иркутск-Ангар шаҳарларида 30кунлик амалиётда бўлганмиз. IV курсда пахта йигим-теримида яхши қатнашганимиз учун 10 кишини Москва-Ленинград-Рига-Одесса, Минск шаҳарларига 15 кунга саёҳатга юборишган. Вильнюс, Турсковец, Львовда, Туркиянинг Истанбулида, Ялта-Сочи-Сухумида бўлганман.

1985 йил ўқишни тамомладим, кейин йўлланма билан Наманган пединститутига ишга келдим.

1995-98 йиллар Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтида аспирантурада ўқидим ва 1998 йил диссертацияни ҳимоя қилдим.

2002 йил октябрь-ноябрь ойларида “Устоз” жамғармаси томонида Хитой халқ республикасининг пойтахти Пекин шаҳрида 1 ойлик малака оширишда бўлдим.

Хитойнинг Фучжо провинциясида бўлдик. Дунёнинг 14 мамлакатидан 30 киши ўқидик. Уларнинг орасида биз - Ўзбекистондан 2 киши, Қирғизистондан, Эрондан, Покистондан, Шри Ланка, Янги Зеландия, Корея, Вьетнам, Югославия, Монголия ва бошқа жойлардан ҳам мутахассислар келишган эди. У ерда бир ой бизга жуда юқори ҳурмат билан қарашди. 2 марта телевидениедан кўрсатишди. Бир марта Фучжо провинцияси экологиясига бағишланган симпозиум ўтказишди. Шаҳар мэри бир куни ўша 30 кишини алоҳида меҳмондорчиликка чақирди ва мамлакатимиз шаънига ҳам жуда чиройли гапларни гапирди.

Оилада қизим Нилуфар катта бўляпти. У мен учун ҳам фарзанд, ҳам маслаҳатгўй, ҳам дугона. Юқори синфда ўқийди.

Ота-онам бизга тарбия беришганда бошинга қилич келса ҳам рост сўзла, қиз бола бўлсанг ҳам мард бўл, деб тарбия беришган. Ҳаётда ростгўй, мард инсонларни қадрлаймиз. Ёлгон гапирувчи, гапининг устидан чиқмайдиган, номардларни кўрсам, газабим қўзғайди.

Ҳозир факультет хотин-қизлар комитетининг раиси ва биология кафедрасида катта ўқитувчи лавозимида ишламоқдаман. Табиатан шўх ва қувноқман, ҳазил-мутойибани яхши кўраман. Саранжом-саришталикни хоҳлайман, гўзалликка ошноман“.

Ҳамроҳон АЗИМОВА



1962 йил 28 сентябрда Андижон вилоятининг Асака шаҳрида хизматчи оиласида туғилган. Ота-оналари фарзандларининг олий маълумот олиши учун барча шароитни яратиб беришган. Ҳамроҳон 5 ёшлигида алифбени билган. Ҳатто “Алифбе байрами”да бошловчи қизалоқ келмай қолганда, ҳамма сўзларни ёддан билган Ҳамроҳон саҳнага чиқиб, дугонаси ўрнига қойиллатиб шеърларни айтиб берган. Юқори синфларда кимё

фанидан вилоят босқичларда ғолиб чиқиб, Республика олимпиадаларида иштирок этган. Ҳар икки операци АДМИнинг талабалари бўлганлиги учун, Ҳамроҳон ҳам шу йўлни танлайди. 1979 йили мактабни битириб, АДМИга имтиҳон топширади, афсуски киролмайди. Шундан кейин бир йил астойдил тайёргарлик кўради ва 1980 йили тиббиёт институтининг талабаси бўлишга муваффақ бўлади. 4-курсда ўқиётган даврида турмушга чиқади, орадан бир йил ўтиб катта ўғли Темур туғилади. Ўғли икки ёшга тўлганда институтни психиатр-нарколог йўналиши бўйича битиради. 1986-87 йилларда Андижон вилоят асаб-руҳий касалхонасида интернатурани ўтайди. 1987 йилдан эса Наманган вилоят асаб-руҳий касалликлар диспансерида врач-психиатр бўлиб ишлай бошлайди. 1991-1993 йилларда Тошкент врачлар малакасини ошириш психотерапия кафедрасида профессор Муталипов Ш. А. раҳбарлиги остида клиник ординатурани ўтайди. 1993 йили диссертация мавзусини тасдиқлашади. 1994 йили Наманганга қайтиб келиб, “Ташҳис маркази”да врач иглотерапевт-психотерапевт бўлиб ишлай бошлайди. Илмий ишини 1997 йили якунлайди. Лекин синов жараёнида 1999 йилгача диссертацияни 3 мартадан қайта ишлайди ва ниҳоят 2000 йилда муваффақиятли ҳимоя қилиб, тиббиёт фанлари номзоди деган илмий даражага эга бўлади. 2001 йилдан эса НамДУ тиббий билим асослари кафедрасида мудир бўлиб ишлайди. 2002 йил ёзда эса Наманган вилоят асаб-руҳий касалликлар диспансерига бош врач бўлиб ишга келади ва ҳозир ҳам шу ерда ишлаб турибди. Шу билан

бирга Ҳамроҳон НамДУ ҳуқуқшунослик факультети студентларига суд-психиатрия фанидан дарс ҳам беради. Ҳозирги кунда ўғли Темур университетнинг 4-курсидида ўқияпти. Кичик ўғли Комил эса иқтисод коллежининг 1-курсидида таҳсил оляпти. Ҳамроҳон ҳозир докторлик диссертациясини ҳам ёзиб бўлди. Ҳозирги кунда опанинг илмий ишлари билан чет эллик ҳамкасблари ҳам қизиқишмоқда. “Шуни айтишим керак-ки, - дейди Ҳамроҳон, - ҳар бир инсон ўз иши билан чин юракдан яхши шуғулланиши лозим. Мен ҳам ўз ишимни жуда яхши кўраман. Беморларга қўлимдан келганича яхшилик қилишга ҳаракат қиламан”. Жуда ҳам банд бўлишига қарамай, Ҳамроҳон доимо илм билан шуғулланади, изланади. Ҳозирги кунда вилоятимизда ишлаб турган тиббиёт олималари иккита, холос. Шулардан бири - Ҳамроҳон опа. Опа учун энг катта бахт - соғайиб кетган беморларнинг миннатдорчилик туйғулари. Соф виждонли кишилар ҳамиша ўз бурчига содиқ кишилар бўлишади. Улар доимо, ҳамма ерда бошқаларга ёрдамга шошадилар. Шунинг учун ҳам одамлар уларнинг меҳнатлари қадрига етишади, чин дилдан ҳурмат қилишади.

Орамизда Ҳамроҳон Азимова каби қалби пок кишилар кўп бўлишини жуда-жуда хоҳлардик.



Раҳимахон БОТИРОВА



1957 йил 28 февраль Андижон вилояти Избоскан туманида тугилган. 1974 йил Ҳақулбод шаҳридаги 1-сонли ўрта мактабни тугатиб, меҳнат фаолиятини Тошкент шаҳридаги Оргтехстрой трестида техник вазифасидан бошлади. 1975 йил кириш имтиҳонларини муваффақиятли топширган Р. Ботирова Тошкент Политехника институти муҳандислик-қурилиш факультетига талабалikka қабул қилинди ва 1980 йил ушбу олийгоҳни тамомлаб, муҳандис-қурувчи мутахассислигига эга бўлди. Йўлланма билан Давлат қишлоқ-ҳўжалик техника қўмитасида (Тошкент ш.) муҳандис лавозимида иш бошлади.

1982-85 йилларда Самарқанд архитектура-қурилиш институти қошидаги экспериментал лойиҳалаш маркази муҳандиси лавозимида ишлаб, замонавий бино ва иншоотларни лойиҳалаштириш сирларини чуқур ўрганди. 1985-88 йилларда Наманган вилояти Норин тумани капитал қурилиш бўлимининг бош муҳандиси бўлди.

1988-93 йиллар Наманган вилояти “Сувоқава” бирлашмасида муҳандис, мутахассислар бўлимининг бошлиғи лавозимларида фаолият кўрсатди.

1993-2000 йиллар Наманган муҳандислик-педагогика институти “Иқтисодиёт назарияси” кафедрасининг катта ўқитувчиси лавозимида ишлаб, 2000 йил Тошкент иқтисодиёт университети қошидаги ихтисослаштирилган кенгашда “Эконометрика ва статистика” мутахассислиги бўйича номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди ва унга Олий Аттестация Комиссияси томонидан иқтисод фанлари номзоди илмий даражаси берилди.

2001 йилдан ҳозиргача Наманган муҳандислик-иқтисодиёт институти “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” кафедрасида вилоятимиз иқтисодининг равнақига хизмат қилувчи, жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган олий маълумотли иқтисодчи, бухгалтер, молиячилар тайёрлашга ўзининг муносиб

ҳиссасини қўшиб келмоқда. Педагогик маҳорати, касбий даражасини ошириш борасида тинимсиз меҳнат қилиб, ўз ҳамкасблари ва талабалар орасида муносиб обрў-эътибор қозонди.

Р. А. Ботирова 30 дан зиёд илмий-услубий ишлар муаллифи. Халқаро, республика миқёсидаги илмий анжуманларда ўз илмий изланишлари натижалари билан маърузалар қилиб келмоқда. "Бозор ислохотлари жараёнида макроиқтисодий барқарорликка эришиш ва макроиқтисодий ўсишни таъминлаш муаммолари" мавзусидаги докторлик диссертацияси устида ишламоқда.

Дарҳақиқат, муаллим-билим йўлдоши. Ой ер атрофида айлангани каби чин муаллим ҳам билим атрофида айланар узоқлашиб кетолмас экан.

Муаллим, илм, таълим, билим-булар бари ўзаги бир, биридан айри туша билмайдиган тушунчалардир. Раҳимахон Ботированинг суҳбатини оларканмиз, хаёлдан ана шундай фикрлар ўтди. Бу бежиз эмас. Ўз касбини жондан севган, унинг етук мутахассиси бўлиб етиша олган кишигина бошқаларда касбига қизиқиш, ҳурмат ва мушоҳада уйғота олади.



Саодатхон ҚОЗОҚБОЕВА



Қозоқбоева Саодатхон 1963 йилда Наманган шаҳрида зиёли оиласида таваллуд топди.

• 1981 йилда Наманган шаҳридаги 7-ўрта мактабни олтин медалга тамомлади. У Наманган Давлат педагогика институтининг рус тили ва адабиёти факультетига ўқишга кириб, уни 1986 йилда тамомлагач, рус тили ва адабиёти ўқитиш методикаси кафедрасида ўқитувчи бўлиб ишлай

бошлади.

1992-94 йилларда Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети тадқиқотчиси, сўнгра аспиранти бўлди. 2000 йилда “Рус филологияси факультетиди таҳсил олаётган ўзбек миллатига мансуб талабаларда миллий-маданий алоқа компетенция даражасининг шаклланиши” мавзусида ёзган диссертациясини ҳимоя қилди.

С. И. Қозоқбоева тиришқоқлиги, меҳнатсеварлиги, интизомлилиги ва ўз вазифасига сидқидилдан ёндошиши билан алоҳида ажралиб туради. У университет ва факультет жамоат ишларида фаол қатнашиб, ҳамкасблари ва талабалар ўртасида алоҳида ҳурмат-эътибор қозонди. Шу билан бир қаторда у ўз устида тинмай ишлайди, университетда ўтказиладиган илмий-услубий семинарлар ва анжуманларда мунтазам қатнашиб келади. Ундан ортиқ илмий-услубий тўпламларда мақолалари нашр этилди.

Айни пайтда ажойиб уй бекаси, сеvimли рафиқа ва меҳрибон она бўлган Саодатхон ўғли Нурбек ва қизи Шоҳидахонларнинг баркамол инсон бўлиб, вояга етишлари учун уларга бутун меҳр-муҳаббатини бериб тарбияляпти.

Табиатнинг ўзи ато этган мураббийлик ва тарбиячилик фазилатлари, ақл-заковат ва ғайрат-шижоатини намоён этиб, кўплаб фаол олималар қатори маҳалла ва меҳнат жамоаларида, бутун жамиятимизда тинчлик ва осойишталикни мустаҳкамлаш, ёшларни комил инсон қилиб тарбиялаш, уларни осуда ҳаётимизга таҳдид солаётган турли хавф-хатарлардан асраш борасида жон куйдириб меҳнат қиляпти.

Муҳайёхон ҲАМИДОВА

Ҳамидова Муҳайёхон 1972 йил 1 декабрда Уйчи туманидаги Ёркатай қишлоқ Мирзаравот маҳалласида туғилган.

1989 йили шу қишлоқдаги 11-ўрта мактабни олтин медал билан тамомлади.

1989-94 йилларда Наманган Давлат университети ўзбек филологияси факультетида ўқиди. У ўқиш йиллари ўзининг меҳнатсеварлиги, жамоатчилиги, аълочилиги билан кўпчиликнинг диққат-эътиборини тортди. “Менинг илм-фанга бўлган муҳаббатим институтдан бошланди” - дейди Муҳайёхон - келажакда фан билан шуғулланишимда факультетдаги илмий муҳит, устозларим марҳум Ғозибой Тожибоев, Салоҳиддин Жамолов, Одилжон Носиров, Турсунбой Нўмоновларнинг сабоқлари, маслаҳатлари асқотган”.

1994-96 йилларда университетнинг ўзбек адабиёти кафедрасида ўқитувчи лавозимида ишлади. Иш давомида тиришқоқлиги билан танилди.

1996-99 йилларда Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси қошидаги Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти ҳузурида ташкил этилган аспирантуранинг кундузги бўлимида ўқиган.

1998 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендияси совриндори бўлган. 2000 йил июль ойига қадар Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов ташаббуси билан ташкил этилган “Ёш олимлар миллий жамияти”нинг масъул котибаси ҳамда “Ўзбек адабиёти” сектори раиси сифатида фаолият кўрсатди.

2001 йил 26 августга қадар Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Алишер Навоий номидаги тил ва адабиёт институтининг адабий алоқалар ва таржима назарияси бўлимида илмий ходим лавозимида ишлади.

2001 йил 27 августдан Наманган Давлат университетининг педагогика факультетидаги бошланғич таълим методикаси кафедрасида катта ўқитувчи лавозимида меҳнат қила бошлади.



2001 йилнинг 19 сентябрида Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Алишер Навоий номидаги тил ва адабиёт институтида “Ҳозирги ўзбек адабиётида миллий қаҳрамон муаммоси (Шукур Холмирзаев ижоди мисолида)” мавзусида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Олиб борган тадқиқот ишининг амалий аҳамияти катталигини Тошкентдаги илмий жамоатчилик ҳам эътироф этди. Тадқиқот натижаларидан бугун ёшлар - талабалар билимларини оширишда фойдаланмоқдалар.

10 дан ортиқ илмий мақолалари матбуот нашрларида, илмий тўпламларда нашр этилмоқда.

Биз ёш олимага наманганлик олималарнинг сонини яна биттага орттиргани учун ҳамда юксак илмий даражага эришганлиги муносабати билан муборакбод этамиз. Оилавий бахт ва илмий-ижодий ишларида янгидан-янги муваффақиятлар тилаймиз.



Ўғилой АСҚАРОВА

1965 йил 5 мартда Андижон вилояти Избоскан туманининг Еттиқашқа қишлоғида туғилган. 1972-82 йилларда 18-ўрта мактабда ўқиди. 1982-85 йилларда Андижон вилоятининг Бўз педагогика билим юртида таҳсил олди.

1985-88 йилларда Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институтининг педагогика ва психология факультетини тугатиб, Наманган Давлат институтининг “Педагогика ва психология” кафедрасида ўқитувчи бўлиб ишлади.

1994-97 йилларда Наманган Давлат университети аспирантурасининг кундузги бўлимида ўқиди.

2002 йил 29 январда профессор Мунавваров раҳбарлигида “Меҳрибонлик уйида тарбияланувчи ўсмирларда миллий ғурурни тарбиялашнинг педагогик асослари” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Унинг 2003 йилда “Миллий ғурур тарбияси” номли илмий рисоласи, 2004 йилда “Педагогикадан амалий машқлар ва масалалар” қўлланмаси Тошкентдаги “Ўқитувчи” нашриётида чоп этилди. 20 дан ортиқ илмий мақолалари мавжуд.

Ҳозирда “Мустақиллик даврида ўзбек педагогикаси фанларининг тараққиёти” мавзусида докторлик диссертацияси устида ишламоқда.

Оилали, 4 нафар фарзандларнинг онаси. Ўғилойдаги ўзбекона андиша, миллий руҳ қизларига ҳам ўтганига кўп бор гувоҳмиз. Турмуш ўртоғи Зокиржоннинг иззатини жойига қўйяганини, эъозлашини бугунги кун ёшларига - XXI аср қизларига ибрат қилса арзийди.

Яхши одамлар ҳамиша ўзгалар дардига бефарқ қараб туролмайдилар. Ўғилой айнан шундай одамлардан. “Боқувчисидан у ёки бу сабаб билан маҳрум бўлган етим-есирларга ғамхўрлик қилиш муқаддас “Авесто” ва “Қуръони Карим”да ҳам, Муҳаммад пайғамбаримиз ҳадисларида ҳам алоҳида кўрсатиб ўтилган. Қолаверса, ал-Бухорий, ат-Термизий, Шайх Нажмиддин Кубро каби аллома уламоларимиз ҳам етим-есирларга кўмак қилиш,



хайр-садақа инъом этиш савоб эканлигидан таълимот беришган“. Бу сўзларни Ўғилойнинг “Миллий гурур тарбияси“ китобидан олдик.

Наманган Давлат университетини битирган собиқ талабалардан биринчи фан доктори устози А. Мунавваров бўлганидек, Ўғилой ҳам шу даргоҳнинг 1-аспиранти бўлди. Ҳатто шу даргоҳда ишлаётган олималардан 1-бўлиб “Ўзбекистон педагог олималари“ китобига киритилди. Мазкур китобдаги фикрлар Ўғилойнинг қандайлигига пойтахтдагиларнинг ҳам тан берганини тасдиқлайди:

“Устоз вафоти туфайли қалбимдаги изтироблардан қутила олмасдим. Унинг ўғитлари, берган илмий сабоқлари, дарсларимга кириб, уларни таҳлил қилиб берган кўрсатмалари кўз олдимда турарди. Айниқса, оғир касал бўлсалар-да, Тошкентга ҳимоямга келгани, ёнма-ён туриб берган далдалари доим ёдимда турарди. Шундай кезларда менга устозим раҳбарлик қилган кафедра мудирлиги лавозимини таклиф қилишди. Устоз курсисига ўтириш оғир эди. Лекин “Устозингиз ишларини сиз давом эттира оласиз. Шунда у кишининг руҳлари шод бўлади, дейишиб мени кўндиришди”.

Бу - меҳр-оқибат, устозга беқиёс ҳурмат нишонаси. Шогирднинг сўзларида самимийлик, ўзбекона миллий ахлоқ мавж уриб турибди.

Ўғилой кафедра ишларини бугунги кун талаби даражасида бажариш билан бирга жамоат ишларида ҳам фаол. Университет хотин-қизлар қўмитаси раисалигини шижоат билан олиб боряпти. Катта тадқиқот устида ҳам ишляпти. У мустақиллик даврида ўзбек педагогикаси фанининг тараққиёти масаласини таҳлил қилишга киришган. “Мустақиллик даврида Ўзбекистон педагогикаси фанининг тараққиёти“ мавзусидаги докторлик диссертациясини муваффақиятли якунлашига ишонамиз.



Комилахон ВОҲИДОВА

1968 йил Наманган вилояти Тўрақўрғон тумани Сайрам қишлоғида туғилди.

1985 йил Тўрақўрғон шаҳридаги 4-ўрта мактабни аъло баҳолар билан тамомлаб, шу йили Тошкент Давлат педагогика институтининг тарих факультетига ўқишга кирди.

1990 йилда институтнинг тарих-педагогика бўлимини тарих ва жамиятшунослик ўқитувчиси, тарбиявий ишлар методисти ихтисослиги бўйича имтиёзли диплом билан тугаллаб, ўз иш фаолиятини Учқўрғон тумани Қайқи қишлоғидаги 9-ўрта мактабда бошлади.

1992 йилдан НамДУнинг “Умумий тарих” кафедрасида кабинет мудири, 1993-94 йилларда стажёр-тадқиқотчи вазифасида ишлади.

1995 йилдан Ўз РФА Тарих институтининг аспиранти, 1999-2002 йилларда “Тарихшунослик, манбашунослик ва илмий библиографик ахборот” бўлимида кичик илмий ходим, илмий ходим лавозимларида иш юритди.

2002 йилдан Наманган муҳандислик-иқтисодиёт институтининг “Миллий истиқлол ғояси” кафедрасида ишламоқда.

У XIX аср охири XX аср бошлари тарихшунослигига жуда қизиқади. 2002 йил 28 ноябрда “Исҳоқхон Жунайдулло хўжа ўғли Ибрат ва унинг тарихий илмий мероси” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. Хориж газети ва журналларида 3 та, Республика илмий тўплам, журнал ва рўзномаларида чоп этилган “Ал-ислоҳ, AL-islakh oe a historical souvce”, Исҳоқхон Ибрат, Исҳоқхон Ибратнинг “Луғати ситта ал сина” номли асарининг бугунги аҳамияти, “Исҳоқхон Ибратнинг “Тарихи маданият” асари - Марказий Осиё шаҳарсозлиги ва маданияти тарихига оид манба”, “Ибратнинг ибратли йўли”, “Асримиз бошидаги маросимлар”, “Ҳамза ва Ибрат” каби илмий мақолалар шулар жумласидандир.

Бугунги институтда илмий кенгаш котиби лавозимида ҳам фаолият юритмоқда. Оилали, Турмуш ўртоғи Нурматов Насриддин, олий маълумотли ўқитувчи. Икки нафар фарзанди - Хуршидабону ва Нодирбек мактаб ўқувчилари.



Ҳадичахон ҚОДИРОВА



1964 йил 15 мартда Наманган шаҳрида ишчи оиласида таваллуд топди.

1971 йили 31-мактабга ўқишга кириб, 1981 йилда олтин медалга битирди. Ҳадича ўқувчилик йилларида ниҳоятда ҳаракатчан қиз бўлган. Баскетбол бўйича вилоят қизлар терма командаси аъзоси бўлган. Республика чемпионатларининг доимий қатнашчиси ҳисобланган. Тарих фани бўйича олимпиадаларда иштирок этиб,

кўпинча совринли ўринларни эгаллаб келган.

1981 йили Тошкент халқ хўжалиги институтига ўқишга кириб, 1985 йили уни муваффақиятли битирди.

1985 йилдан 1999 йилгача Намангансавдо концернида инспектор, товаршунос, режа бўлими бошлиғи лавозимларида ишлади.

1999 йилда Наманган муҳандислик иқтисодиёт институти молия кафедрасига катта ўқитувчи бўлиб ишга келди. Шу йили аспирантурага ҳам кирди.

2002 йили академик М. Ш. Шарифхўжаев раҳбарлигида "Молия бозорининг айрим соҳаларини такомиллаштириш" (Наманган вилояти мисолида) мавзусида илмий ишини ҳимоя қилди.

Сиз инсон хотираси, эслаб қолиш қобилияти ниҳоятда юксак эканлигини биласизми? Бундан 50 йилча муқаддам машҳур математик ва кибернетик олим Джон фон Нейман инсониятни лол қолдирувчи бир фикрни айтган эди, яъни унинг ҳисоб-китобларига қараганда инсон мияси 1 миллионлаб том китобдаги маълумотни эслаб қолиши мумкин. Албатта, тарихда хотираси жуда кучли шахслар кўп бўлган. Масалан, Юлий Цезарь ва Александр Македонский ўз аскарларининг ҳар бирини таниган ва ҳатто исмини ҳам билган. Уларнинг сони эса 30000 дан ортиқ бўлган. Худди шундай хусусият Эрон шоҳи Кирда ҳам бўлган. Академик А. Ф. Иоффе логарифмлар жадвалини ёддан билган. Буюк шахматчи Алёхин шахмат доскасига қарамай туриб, 30-40 киши билан шахмат ўйнай олган. Албатта, ҳамма ҳам шундай

хотирага эга бўлавермайди, лекин ҳамма нарсага улгуриш мумкин. Вақтни тўғри тақсимлаш ва ундан унумли фойдаланиш кўп самара беради.

Ҳадичахон ҳам шундай хотирага эга, вақтнинг қадрига етадиган инсонлардан биридир.

Унинг бир ўғли, икки қизи бор. Турмуш ўртоғи билан ниҳоятда бахтли ҳаёт кечиради.

20 дан ортиқ илмий мақолалар муаллифи. Шулардан тўрттаси чет элда чоп этилган.

“Мен оилада 9- фарзанд эдим“ дейди Ҳадичахон. 6 та акам 2 та опам бор. Онажоним билан фахрланаман. Улар 1936 йилда ўзбек қизларидан биринчилардан бўлиб Москвада ўқиганлар. Бобом Ҳамробоев Абдуқаҳҳор Катта Фарғона канали қурилишида иштирок этганлар, Наманганда милиция бошлиғи бўлганлар, кейинчалик Шўркўрғондаги колхозни бошқарганлар. Вилоят музейида бобомнинг суратлари бор“.

Мана шундай шарафли авлоднинг вакили бўлган Ҳадичахон Қодирова Тўраевна бугунги кунда докторлик диссертацияси устида иш олиб борапти.



Дилоромхон ЭСОНБОЕВА



Дилоромхон Эсонбоева 1969 йили Учқўрғон шаҳрида туғилди. 1991 йил Наманган Давлат педагогика институтининг математика факультетини муваффақиятли тамомлади. У ўз иш фаолиятини Учқўрғон шаҳридаги 3-ўрта мактабда математика фани ўқитувчилигидан бошлади.

Эсонбоева Дилоромхон 1993 йилдан 2003 йилга қадар Учқўрғон шаҳридаги Охунов номли иқтисод ва тиббиётга йўналтирилган лицей интернатида ўқувчиларга математика ва информатика фанларидан дарс берди.

Дилоромхон тиришқоқ, изланувчан, ўзига топширилган вазифаларга масъулият билан қараши, жамоат ишларида фаол иштироки билан раҳбарият ҳамда ўқитувчилар ўртасида ўз ўрнига эга. У дарсларни ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда қизиқарли ва мазмунли ўтишга ҳаракат қилади. Ҳар йили ўтказилган фанлар олимпиадасида ўқувчилари туман, вилоят босқичларида фахрли ўринларни эгаллашмоқда.

Қори Ниёзий номидаги Ўз ПФИТИ директори, педагогика фанлари доктори, профессор А. А. Абдуқодиров унинг номзодлик диссертациясига бевосита раҳбарлик қилди. Ўз устида тинмай ишлаши натижасида Низомий номидаги Тошкент давлати Педагогика университетидан “Информатика ва ҳисоблаш техникаси асосларидан ноанъанавий дарслар ва уларни ўтиш методикаси” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. У турли олий ўқув юртларидаги илмий анжуманларида иштирок этди. “Халқ таълими” журнали ва бошқа матбуот нашрларида 30 дан ортиқ мақолалари эълон қилинди. “Янги ахборот технологиялари асосида информатикадан ноанъанавий дарслар ўтиш” ва “Информатикадан тестлар тўплами” қўлланмаларини чоп эттирди.

2003 йили тумандаги 4-ўрта мактабга, ташаббускорлиги

ва меҳнатсеварлиги туфайли 2004 йили сентябр ойида Учқўрғон саноат коллежига директор қилиб тайинланди.

Қисқа давр ичида ўқув юрти фаолиятида талабаларнинг миллий ва маънавий дунёқарашларини ўстириш ва спорт тўғараклари фаолиятини йўлга қўйиш, химия, физика, биология ва барча фанларни давлат таълим стандартлари асосида, техник воситалардан фойдаланиб, ахборот технологияларини жорий қилиб, қизиқарли ва мазмунли ўтиш йўлга қўйилди.

Қоллеж ҳудуди ободонлаштирилди, мевали ва манзарали дарахтлар ўтқазилди.

Самарали меҳнатлари учун Дилором вилоят халқ таълими бошқармасининг ва Учқўрғон туман ҳокимлигининг, қолаверса, вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институтининг фахрий ёрлиқлари билан тақдирланган.

Вилоят ўқитувчиларининг “Ўқув методик адабиётлар ва педагогик дастур воситалари” кўрик танлови якунларига кўра 1-даражали диплом, 2002 йили Самарқанд шаҳрида ўтказилган республика “Ўқув методик адабиётлар ва педагогик дастур воситалари” кўрик танловида “Ўқув амалий дастурлар” йўналиши бўйича II-ўринни эгаллаганлиги учун Ўзбекистон информатика ўқитувчилари ва мутахассисларининг “Истиқбол” уюшмаси фахрий ёрлиги билан тақдирланган.

2003 йил Самарқандда ўтказилган республика информатика ўқитувчиларининг тузган дастурлари танловида I ўринни эгаллаган ва “Халқ таълими аълочиси” унвони берилган.

2004 йил бу танлов Бухоро шаҳрида ўтказилди. “Компьютер саводхонлиги бўйича ўқув-методик адабиётлар ва педагогик дастур воситалари республика кўрик-танлови “энг яхши веб саҳифа” йўналишида иштирок этиб, I ўринни эгаллаган Дилоромхон “Учқўрғон саноат коллежи” веб-саҳифаси учун Халқ таълими вазирлигининг I даражали Дипломи билан тақдирланди.

Дилоромхон ҳар ишда ташаббускор, журъатли, тўғри сўз, маънавий етук, ўз ўртоқларига нисбатан доимо меҳрибон ва ғамхўр. Оилали, икки нафар фарзанди бор. Дилоромхон Эсонбоева республика равнақи учун ўзининг муносиб ҳиссасини қўшади, деб ишонч билдираамиз.

Гулжаҳон ҲАКИМОВА



1958 йили 10 май куни Косонсой шаҳрида зиёли оиласида таваллуд топди. 1965 йили 5-мактабга ўқишга кириб, 1975 йили уни муваффақиятли битирди. Шу йили АДМИ талабаси бўлди. 1982 йили институтни даволаш ихтисослиги бўйича битирди.

1982-83 йилларда Наманган вилоят кўп соҳали шифохонасида жарроҳ мутахассислиги бўйича бир йиллик

интернатурани ўтади.

1983 йилда Наманган вилоят онкология диспансерида онколог-жарроҳ вазифасида иш бошлади. 1985 йилдан шу диспансернинг поликлиника мудирини вазифасига тайинланди.

1994 йилдан 1998 йилгача гинекология бўлими мудирини ва онко-гинеколог бўлиб ишлайди.

1998 йилдан мазкур диспансернинг бош врачини бўлиб ишлаб келмоқда.

1980 йили турмушга чиққан. 1987-88 йилларда кетма-кет туғилган, бир-биридан ширин икки қизалоғи бор: Феруза ва Дилафрўз.

Аввалига Наманган вилоят онкология диспансерининг бош врачини деганда гавадали, шиддатли, гаплари ҳам кескин аёл бўлса керак деб тасаввур қилардик. Гулжаҳон, аксинча, худди ўқувчи қизлардек нозик қоматли, сочлари тим қора, қошларига ингичка қилиб ўсма қўйган, кўзларидаги ним табассум одамни ўзига чорлаб турувчи, майин овозли, ораста аёл экан. Лекин асосийси, ўзининг фикрлари, ички дунёси ва қилаётган ишлари билан бутун борлигини одамларнинг соғлиғига бағишлаганлиги сезилиб турибди. Шу мақсад йўлида у 2002 йили 26 декабрда диссертация ёқлаб, тиббиёт фанлари номзоди бўлди. Ҳозирги кунда ўзининг 6 шогирдига ҳам илмий раҳбарлик қилапти. Гулжаҳоннинг яна бир хусусиятини шогирди Феруза Турсунова шундай таърифлади:

“Мен бу ерга 1991 йил ишга келгандим. 1993 йил 28 март куни турмуш ўртоғим тўсатдан юрак хуружидан вафот этди, 30 март куни эса қизим Феруза туғилди. Мен моддий жиҳатдан

ниҳоятда қийналдим. Менинг ёрдамга муҳтожлигимни сезган Гулжаҳон опа ўзининг маошини олди-да, тўлалигича менга келтириб берди. Ким билсин, балки ўшанда опанинг елкасига бошимни қўйиб тўйиб-тўйиб йиғлаганимда унинг бераётган ёрдамидан эмас, инсонийлигидан, меҳр-оқибатлилигидан тўлқинланиб ҳам йиғлагандирман“.

“Биласизми, - дейди Гулжаҳон опа, - эрталаб ишга келишимда бозордан ўсма олиб келаман. Бемор аёллардан ҳол сўрайман, улар билан биргаликда ўсма қўяман. Уларнинг руҳини кўтариш учун қўлимдан келган ҳамма ишни қилишга уринаман. Бутун дунё соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра 90 фоиз онкологик беморлар соғайиб кетади. Одамларнинг онгида онкологик касалликлар тузалмайди деган тушунча ўрнашиб қолган. Тез-тез врач кўригидан ўтиб турилса, касаллик кучайиб кетмайди“.

Кичкинагина аёлнинг қалбида шундай юксак туйғуларнинг борлиги инсонни қувонтиради. Айни пайтда Ҳакимова Гулжаҳон меҳнати туфайли катта обрўга эга. Бу ерга нафақат вилоятимиздан, шу билан бирга чет эллардан ҳам келиб беморлар даволанаётганлиги мутахассисларнинг чуқур билимдон эканлигидан, одамларнинг уларга ишонганлигидан далолат беради.

“Дунёда яхши одамлар жуда кўп, - дейди опа, - мен фақат бир нарсани - биздан кейин фақат яхшилик қолишини чин дилимдан хоҳлардим“.



Зебохон ҚОСИМОВА



Қосимова Зебо Хомидовна 1972 йил 18 июнда Наманган шаҳрида зиёли оиласида туғилган.

1979 йилда З. Қосимова Наманган шаҳрининг 49-ўрта мактабига ўқишга боради ва уни 1989 йили олтин медаль билан тугатиб, Наманган Давлат педагогика институтининг рус тили ва адабиёти факультетига ўқишга киради. 1990 йили турмушга чиқади ва

Анджон Давлат Тиллар педагогика институтининг Рус тили ва адабиёти факультетида ўз ўқишини давом эттиради. Институтда ўқиш давомида Зебохон ўзини иқтидорли, фаол талаба сифатида намоён қилади ва 1994 йилда олийгоҳни имтиёзли диплом билан тамомлайди.

Илмга бўлган интилиш, қизиқишлари Зебохонни ўз педагогик фаолиятини олийгоҳда бошлашга олиб келди. 1994 йилда Наманган муҳандислик-иқтисодиёт институтининг “Тиллар” кафедрасига ишга қабул қилинади. Ўзининг педагогик фаолиятини илмий-тадқиқот ишлари билан биргаликда олиб борди.

1999 йилдан буён Республика маънавият ва маърифат Кенгаши ҳузуридаги миллий мафкура тарғибот марказида илмий тадқиқотчи сифатида педагогика фанлари доктори М. Қуронов раҳбарлигида номзодлик диссертацияси устида изланишлар олиб борди ва 2004 йил 22 октябрда уни муваффақиятли ҳимоя қилди. Диссертация мавзуси “Талаба ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантиришнинг педагогик асослари (олий ўқув юртлари маънавий-маърифий ишлари мисолида)” деб номланган. Мавзуга доир З. Қосимованинг 15 дан ортиқ илмий мақолалари республиканинг нуфузли журналларида чоп этилган.

Шунингдек, у ўқув жараёни учун рус тили фанидан кўплаб услубий қўлланмалар чоп этган, улардан ўқув-тарбия жараёнида самарали фойдаланилмоқда. З. Қосимова илмий изланишлари жараёнида “Ёшларда бузғунчи мафкураларга қарши мафкуравий

иммунитетни шакллантириш” мавзусида инновацион лойиҳа тайёрлайди ва ушбу лойиҳа Фан ва технологиялар марказининг грантини олишга сазовор бўлди. З. Қосимова лойиҳа бўйича қизгин иш олиб бормоқда, чунки лойиҳада кўтарилган масала мамлакатимиз ёшларида халқаро терроризм, диний ақидапарастлик, экстремизм, наркомания каби бузгунчи мафкураларга нисбатан муросасизликни, мафкуравий иммунитетни тарбиялаш, уларда соғлом эътиқодни шакллантириш муаммоларига бағишланган.

Ҳозирги вақтда Қосимова Зебо Хамидовна Наманган муҳандислик иқтисодиёт институтининг “Тиллар” ҳамда “Миллий истиқлол ғояси” кафедраларида катта ўқитувчи лавозимида фаолият кўрсатмоқда. Институт профессор-ўқитувчилари ва талабалар орасида ҳурмат-эътибор қозонган.

З. Қосимова моҳир педагог, талабчан тарбиячи ва шу билан бирга меҳрибон устоз.

У оилали, 2 нафар фарзанднинг онаси, Малика ва Мафтуна исмли қизлари бор.



Султонпошша УБАЕВА



Убаева Султонпошша Саидкарим қизи 5 декабр 1958 йилда туғилган.

1975 йилда Чимкент вилоятидаги М. Горький номли 5-ўрта мактабни битирди. 1976 йилда А. Навоий номли колхозда ишчи бўлиб ишлади.

1976-1982 йилларда Тошкент политехника институтининг кимё технология факультетида ўқиди, маълумоти бўйича мутахассислиги инженер-технолог. 1983 йилда Тошкент

“Миконд” заводида, шу йилнинг май-октябрь ойларида Чимкент вилоятидаги Беловод қишлоқ-қурилиш комбинатида инженер,

1983 йилнинг октябрь ойидан 1987 йилнинг май ойигача Наманган шаҳридаги 15-ғишт завод бирлашмасида технолог, 1987 йилнинг май ойидан 1988 йилнинг сентябрь ойигача Наманган мухандислик-педагогика институтининг катта методисти, илмий ходими, катта ўқитувчиси лавозимларида ишлади.

У 1987 йил “Ўзбекистон Республикасида бозор муносабатларига ўтиш даврида тадбиркорликни иқтисодий рағбатлантириш” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди.

1999 йилдан 2004 йилгача Давлат мулк қўмитаси ҳудудий бўлинмалар фаолиятини мувофиқлаштириш бош бошқармасининг етакчи мутахассиси, бош мутахассиси вазифасида ишлаган. Оилали. Турмуш ўртоғи Худойназаров Абдурахмон Норин-Сирдарё ИТХда бош ҳисобчи лавозимида ишлайди.

Ўғли, Худойназаров Бунёд Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида ўқийди. Қизлари Худойназарова Сайёра Ўзбекистон Давлат консерваториясининг 1 курс талабаси, Худойназарова Дилором Андижон тиббиёт институтининг 1 курсида ўқийди, Худойназарова Гўзал 2002 йилда туғилди.

Ҳозирда Наманган мухандислик педагогика институти “Менежмент” кафедрасининг доценти.

Муҳайёхон БОЛТАБОЕВА

1968 йил 6 августда Наманган вилояти Чуст туманида таваллуд топган. Отаси илмга қизиққан киши бўлиб, “Нурафшон” жамоа хўжалигида раҳбар, сўнгра бош ҳисобчи лавозимларида ишлаган.

Муҳайёхон 1975 йилда Чуст шаҳридаги 1-ўрта мактабнинг 1-синфига ўқишга қабул қилинди. Ўқиш даврида зукколиги, тиришқоқлиги билан тенгдошларидан ажралиб турди.

1985 йилда мактабни муваффақиятли тамомлаб, шу йили Наманган Давлат педагогика институти физика-техника факультетининг “Умумий техника ва физика” бўлимига ўқишга қиради.

Талабалик даврида ташкилотчилик қобилиятини кўрсатди. Чуқур билим олиш билан бирга турли кўнгилочар тадбирлар ташкил қилди.

1990 йилда институтни муваффақиятли яқунлаб, олийгоҳ йўлланмаси билан Чуст шаҳридаги “Барион” электрон заводига ишга жойлашди. Заводда инженер-технолог вазифасида меҳнат қилди.

1991 йилда 2-ўрта мактабга физика ўқитувчиси бўлиб ишга ўтди. Мактаб ўқувчилари кўнглига йўл топишга уринди.

1996 йилдан танлов асосида Чуст касб-хунар лицейига физика ўқитувчиси сифатида ишга қабул қилинди. Иш жараёнида лицей ҳаётини чуқур ўрганди.

Илмга бўлган қизиқиш уни илмий-тадқиқот ишлари олиб боришга ундади. Машаққатли бўлган бу йўлда тинмай изланди.

Физика ўқитиш методикасига доир илмий изланишларини 2004 йилда ниҳоясига етказди ва мазкур йилда номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

Муҳайёхоннинг илмий-ижодий ишларига бундан-да катта ютуқлар тилаймиз.



ОЛИМАЛАРГА

Башар фарзандининг энг олий бурчи,
Оналар шухратин ёймоқ оламга.
Расул айтганларки: - Қилгил яхшилик,
Отанга бир бора, уч бор онангга!

Минглаб даҳоларни суйиб ўстирган,
Золим Кирни жангда йиққан ҳам она.
Минглаб баҳодирни туғиб ўстирган,
Паҳлавон Широқии туққан ҳам она.

Суюкли фарзанди, севган ёрини,
Эрк учун курашга тутган ҳам она.
Қора хат олса ҳам, ютиб зорини,
Шаҳид бўлмаган деб, кутган ҳам она.

Спитомен, Темурбек, Мангубердилар -
Сизнинг фарзандингиз, эй буюк она.
Фирдавсий, Навоий, Машраб, Синолар -
Сизнинг дилбандингиз, эй суюк она.

Сиз Зухро, Ойбарчин, Ширину Лайло,
Минглаб ошиқларни куйдирган малак.
Сиздирсиз Нодира, Увайсий, Дилшод,
Ғазал бўстонини тўлдирган малак.

Минглаб шоирларнинг илҳом париси,
Минглаб бастакорга ўзингиз баёт.
Минглаб алп йигитлар ўйи, орзуси,
Сиз билан ҳар бобда гўзалдир ҳаёт.

Оламни лол этган улкан ишларда,
Ошкор бўлмаса ҳам, кўлингиз бордир.
Буюк шоҳ, даҳолар босган йўлларда
Изма-из ўтилган йўлингиз бордир.

Ушбу кун шифокор, боғбон, ОЛИМА,
Истиқбол йўлида собит қадамсиз.
Сиз бу кун шоира, арбоб, толиба,
Юртим эрларига содиқ ҳамдамсиз.

Сиз она, сингилсиз, суюкли ёрсиз,
Сизсиз теграмизда мудом парвона.
То абад башарнинг қалбида борсиз,
Зиёли, ОЛИМА, меҳрли она!

Дадамирза ОТАҚҶЗИЕВ.

Наманганлик олималар ҳақида қисқача МАЪЛУМОТ

№	Исм ва фамилия	Диссертация ҳимоя қилган йил	Иш жойи ва лавозими
1	Турсуной ҲАМИДОВА	1958	НамДУ профессори, филология фанлари доктори
2	Ўғилхон АЗИМОВА	1962	НамДУ доценти, филология фанлари номзоди
3	Саъдатхон АКМАЛЮВА	1970	НамДУ доценти, педагогика фанлари номзоди
4	Шаҳодатхон ЭГАМБЕРДИЕВА	1970	НамДУ доценти, филология фанлари номзоди
5	Розахон ҚОСИМОВА	1978	Тугруқхона бош ҳақими, тиббиёт фанлари номзоди
6	Мунирахон МУҲАММАДИЕВА	1985	НамДУ доценти, филология фанлари номзоди
7	Файзихон КИМБОЕВА	1988	НамДУ доценти, тарих фанлари номзоди
8	Фаридахон АҲМАДБОЕВА..	1967	НамДУ доценти, биология фанлари номзоди
9	Раиса ФАТКУЛИНА	1968	НамДУ доценти, педагогика фанлари номзоди
10	Каримахон ИНОМОВА	1971	Тиббиёт фанлари номзоди
11	Азизахон ХҲҲАЕВА	1971	НамДУ доценти, тиббиёт фанлари номзоди
12	Хосиятхон АҲМЕДОВА	1975	Нам.пед.коллеж директори, тарих фанлари номзоди
13	Анвархон ОТАБОЕВА	1978	Муҳандислик-педагогика институти доценти Физика-математика фанлари номзоди
14	Моҳирахон МАМАЖОНОВА	1978	НамДУ доценти, педагогика фанлари номзоди
15	Маълудахон ИНОМОВА	1979	Муҳандислик-пед. институти доценти, педагогика фанлари номзоди
16	Ферузахон ИБРОҲИМОВА	1983	НамДУ доценти, педагогика фанлари номзоди
17	Нафисахон ҚИРҒИЗБОЕВА	1984	НамДУ профессори, иқтисод фанлари номзоди
18	Муножотхон МИРЗААБДУЛЛАЕВА	1984	НамДУ доценти, педагогика фанлари номзоди
19	Дилшодахон ДАДАЖОНОВА	1985	Вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи, тарих фанлари номзоди
20	Дилоромхон БОБОХОНОВА	1986	НамДУ доценти, филология фанлари номзоди
21	Надежда КУЗНЕЦОВА	1988	НамДУ доценти, педагогика фанлари номзоди
22	Замирахон ЖАМОЛОВА	1989	НамДУ доценти, педагогика фанлари номзоди
23	Маълудахон ИСМОНОВА	1989	НамДУ доценти, филология фанлари номзоди
24	Елена ЧЖЕН	1990	НамДУ доценти, педагогика фанлари номзоди

25	Саломатхон КАРИМБОЕВА	1991	Муҳандислик-иқтисодиёт институти доценти, тарих фанлари номзоди
26	Дилбархон АЛИЕВА	1991	Муҳандислик-иқтисодиёт институти ўқитувчиси, техника фанлари номзоди
27	Мамураҳон ЖАМОЛОВА	1992	НамДУ доценти, филология фанлари номзоди
28	Нодирахон УСМОНОВА	1992	Муҳандислик пед. институти ўқитувчиси, педагогика фанлари номзоди
29	Манзураҳон МАҲМУДОВА	1993	НамДУ доценти, география фанлари номзоди
30	Дилбархон РАҲИМБОЕВА	1993	НамДУ доценти, фалсафа фанлари номзоди
31	Мўътабархон МАҚСУДОВА	1993	НамДУ доценти, психология фанлари номзоди
32	Фарида КАРИМОВА	1993	НамДУ доценти, филология фанлари номзоди
33	Хуринисо УСМОНОВА	1994	НамДУ доценти, филология фанлари номзоди
34	Махбуба СОБИРОВА	1994	НамДУ доценти, педагогика фанлари номзоди
35	Розахон КАРИМОВА	1994	Нам.пед.коллеж ўқитувчиси, педагогика фанлари номзоди
36	Саодатхон МУСАЕВА	1995	НамДУ доценти, педагогика фанлари номзоди
37	Муҳаббатхон САИДОВА	1995	НамДУ доценти, филология фанлари номзоди
38	Мавлудахон МАМАДАЛИЕВА	1997	НамДУ доценти, филология фанлари номзоди
39	Гулшода ЮНУСОВА	1997	НамДУ доценти, математика фанлари номзоди
40	Ойжамол АБДИЕВА	1998	НамДУ доценти, биология фанлари номзоди
41	Ҳамроҳон АЗИМОВА	2000	Вилоят асаб-руҳий касалликлар диспенсери бош врач, тиббиёт фанлари номзоди
42	Раҳимахон БОТИРОВА	2000	Муҳандислик-пед. институти доценти, иқтисод фанлари номзоди
43	Саодатхон ҚОЗОҚБОЕВА	2000	НамДУ доценти, педагогика фанлари номзоди
44	Муҳайёхон ҲАМИДОВА	2001	НамДУ катта ўқитувчиси, филология фанлари номзоди
45	Ўғилрой АСҚАРОВА	2002	НамДУ доценти, педагогика фанлари номзоди
46	Комилахон ВОХИДОВА	2002	Муҳандислик-иқтисодиёт институти ўқитувчиси, тарих фанлари номзоди
47	Ҳадичахон ҚОДИРОВА	2002	Муҳандислик-иқтисодиёт институти ўқитувчиси, иқтисод фанлари номзоди
48	Дилоромхон ЭСОНБОЕВА	2002	Учқўргон саноат коллежи директори, педагогика фанлари номзоди
49	Гулжаҳон ҲАКИМОВА	2002	Вилоят Онкология диспенсери бош врач, тиббиёт фанлари номзоди
50	Зебохон ҚОСИМОВА	2003	Муҳандислик-иқтисодиёт институти ўқитувчиси, пед. фанлари номзоди
51	Султопошша УБАЕВА	2003	Муҳандислик-пед. институти ўқитувчиси, иқтисод фанлари номзоди
52	Муҳайёхон БОЛТАБОЕВА	2004	НамДУ ўқитувчиси, педагогика фанлари номзоди

МУНДАРИЖА

ХОТИРАЛАР БЕДОРЛИККА ЧОРЛАЙДИ

Зиёбахш аёллар	3
Турсунной ҲАМИДОВА.....	6
Ўғилхон АЗИМОВА	8
Санъатхон АКМАЛОВА	9
Шаҳодатхон ЭГАМБЕРДИЕВА	11
Розахон ҚОСИМОВА	13
Мунирахон МУҲАММАДИЕВА	15
Файзихон АКИМБОЕВА	17

ИЛМ ИШҚИ ЮРАКЛАРДА ПОРЛАЙДИ

Фаридахон АҲМАДБОЕВА.....	20	Мўътабархон МАҲСУДОВА.....	67
Раиса ФАТКУЛИНА	22	Фаридахон КАРИМОВА	69
Каримахон ИНОМОВА	24	Хуринисо УСМОНОВА	72
Азизахон ХУЖАЕВА	26	Маҳбубахон СОБИРОВА	74
Хосиятхон АҲМЕДОВА.....	28	Розахон КАРИМОВА	76
Анвархон ОТАБОЕВА	30	Саодатхон МУСАЕВА	78
Моҳирахон МАМАЖОНОВА.....	32	Муҳаббатхон САИДОВА	80
Мавлудахон ИНОМОВА	34	Мавлудахон МАМАДАЛИЕВА... 82	
Ферузахон ИБРОҲИМОВА.....	36	Гулшода ЮНУСОВА	84
Нафисахон ҚИРҒИЗБОЕВА.....	38	Ойжамол АБДИЕВА	86
Муножотхон		Ҳамрохон АЗИМОВА	88
МИРЗААБДУЛЛАЕВА	40	Раҳимахон БОТИРОВА	90
Дилшодахон ДАДАЖОНОВА.....	42	Саодатхон ҚОЗОҚБОЕВА	92
Дилоромхон БОБОХОНОВА	45	Муҳайёхон ҲАМИДОВА	93
Надежда КУЗНЕЦОВА	47	Ўғилой АСҚАРОВА	95
Замирахон ЖАМОЛОВА	49	Комилахон ВОҲИДОВА	97
Мавлудахон ИСМОНОВА	51	Хадичахон ҚОДИРОВА	98
Елена ЧЖЕН	53	Дилоромхон ЭСОНБОЕВА	100
Саломатхон КАРИМБОЕВА	55	Гулжаҳон ҲАКИМОВА	102
Дилбархон АЛИЕВА	57	Зебохон ҚОСИМОВА	104
Маъмурахон ЖАМОЛОВА	59	Султонпошша УБАЕВА	106
Нодирахон УСМОНОВА	61	Муҳайёхон БОЛТАБОЕВА.....	107
Манзурахон МАҲМУДОВА	63	Олималарга (шеър)	108
Дилбархон РАҲИМБОЕВА	65	Олималар ҳақида маълумот.....	109

Маърифий-оммабоп нашр

**Маҳбуба СОБИРОВА
Ҳабибулло МИРЗААБДУЛЛАЕВ**

НАМАНГАНЛИК ОЛИМАЛАР

**Муҳаррир: О. ДАДАБОЕВ,
Мусаввир: Ҳ. РИЗАЕВ,
Тех. муҳаррир: Ш. МАМАЖОНОВ,
Мусаҳҳиҳ: С. АҲМАДЖОНОВА.**

Теришга 2005 йил 28 апрелда берилди. Босишга 2005 йил 1 июлда
рухсат этилди. Бичими 60-84 1/6. Ҳажми 7,0 босма тобоқ. Офсет усулида
босилди. Адади 1000 нусха. Буюртма № 3095. Баҳоси келишилган нарҳда.

**“Наманган” нашриёти
Наманган шаҳри, Навоий кўчаси, 36-уй.**

**“Ибрат номли босмаҳона” ОАЖ. Наманган шаҳри,
Навоий кўчаси, 36-уй.**

